Далага машинани кўп маротаба кириши тупроққа катта зарар еткази, айниқса курук иқлим шароитида, гумус кам бўлган тупроқларда. Агрегатлар механик таъсири остида органик моддаларнинг парчаланиб намликни билан буғланади ёки сув билан ювилиб кеташига олиб келади. Шунинг учун минимал ишлов бериш усули (ресурсларни тежайдиган технологиялар, комбинациялашган агрегатлардан фойдаланиш) кенг тарқалди ва бутун дунёга тез тарқалмоқда [1,2].

Машинанинг далада ўтишини камайтириш учун бир йўлла бир нечта операцияларни бажарадиган комбинацияланган машиналардан фойдаланиш қулай. Шунини инобатга олиб маскур комбинациялашган агрегат чезель-култиватор билан биргаликда роторли майдалагич-текислагични ишлатиш самарали бўлиб, уларни ишчи органларини назарий асослашга қаратилан.

Иш органларининг тупроқ билан таъсирлашиши давомида унда турли кучланишлар пайдо бўлади. Агар бу кучланишлар критик қийматга етса тупроқда парчаланиш юз беради. Тупроқнинг парчаланиши натижасида турли катталиқдаги кесаклар ҳосил бўлади. Ўтказилган изланишлар натижасида биз оғир ва ўрта тупроқларда иш органларининг комбинациялашган шаклларида фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги хулосага келдик. Улар кесакларга босқичма-босқич таъсир кўрсатади. Аввал етакловчи ва шу билан биргаликда тупроққа кўшимча ишлов берувчи пичоқ таъсир кўрсатади, кейинги жараёнда асосий ишлов берувчи тигли пичоқ қаттиқ ва катта кесакларга санчилиб уларни бўлакларга бўлиб майдалайди. Етакловчи ва етакланувчи пичоқлардан кейин пичоқлар маҳкамланган диск кўшимча ишлов беради [3].

Ротацион юмшаткич ҳаракат траекториясининг тенгламаси. Ротацион юмшаткич тупроққа ишлов бериш жараёнида мураккаб ҳаракат қилади. Агрегат билан илгариланма ва ўз ўқи атрофида айланма ҳаракати натижасида ротор пичоқлари циклоида бўйича ҳаракатланади.

Роторнинг XOZ координаталар системасидаги ҳаракатини кўриб чиқамиз (1-расм). Ротор ҳар қандай нуқтасининг ҳаракат тенгламаси куйидаги кўринишда бўлади [4]



1-расм. Ротацион юмшаткичнинг ҳаракат траекториясини тадқиқ этишга доир схема.

$$X_i = Vt + R_p \cos \omega t; \quad (1)$$

$$Z_i = R_p (1 - \sin \omega t), \quad (2)$$

бунда V – агрегатнинг ҳаракат тезлиги;

t – вақт;


X_i, Z_i – i -нуктанинг координаталари;

R_p – ротацион юмшаткичнинг радиуси;

ω – ротацион юмшаткичнинг бурчак тезлиги.

Иш жараёнида ротацион юмшаткич тупроқнинг физик-механик хоссаларига, иш тезлиги, пичоқлар сони ҳамда уларнинг параметрларига боғлиқ равишда сирпаниб ёки тойиб юмалайди [5].

Сирпаниб юмалаш. Бунда М-М текислиги бўйлаб юмалаётган ротацион юмшаткичнинг R_p радиусли айланада ётган нукталари $R=R_p+\Delta R$ радиусли айлананинг М-М текислигига параллел бўлган N-N текислигига



2-расм. Сирпаниб юмалаётган ротацион юмшаткичнинг кинематикаси.

тегиб турган В нуктаси атрофида бурилади. Демак R_p радиусли айланага тегишли бўлган C, C_1, C_2 нукталарининг абсолют тезликлари VC, VC_1, VC_2 оний айланиш радиусларига перпендикуляр йўналган бўлади (2-расм) ва уларнинг қийматлари эса ротацион юмшаткичнинг илгариланма ҳамда айланма тезликлари геометрик йиғиндисига тенгдир, яъни

$$V_c = \sqrt{V^2 + u^2 + 2Vu \cos\alpha} \quad (3)$$


бунда $u = \frac{VR_p}{R_p + \Delta R}$ – роторнинг айланма тезлиги;

α – V ва u тезликлар орасидаги бурчак.

Ротацион юмшаткичнинг сирпаниб юмалашни сирпаниш коэффициенти билан характерланади ва у қуйидаги ифода бўйича аниқланади [6]

$$\eta_c = \frac{\Delta R}{R_p + \Delta R} \quad (4)$$

Амалда ΔR ни қиймати қуйидаги ифодадан фойдаланиб топилади



3-расм. Тойиб юмалаётган ротацион юмшаткичнинг кинематикаси.

$$\Delta R = \frac{\Delta S}{2\pi} = \frac{S_1 - 2\pi R_p}{2\pi} \quad (5)$$

бунда ΔS – ротацион юмшаткич сирпаниши ҳисобига бир айланишда босиб ўтган қўшимча йўл;

S_1 – ротацион юмшаткич бир айланишда босиб ўтган йўл.

Ротацион юмшаткични сирпаниб юмалаганда $S_1 > 2\pi R_p$ ва $u < V$.

Тойиб юмалаш. Иш органи тойиб юмалаганда унинг оний айланиш маркази А нуктадан юқорида жойлашган B_1 нуктада бўлади

(3-расм). C, C_1, C_2 нукталарнинг тезликлари V_1C, V_1C_1, V_1C_2 ларга перпендикуляр йўналган бўлади. Бу ҳол учун ҳам нукталарнинг абсолют тезлиги (3) ифода бўйича, тойиш коэффициенти ва ΔR радиус эса қуйидаги ифодалар бўйича топилади.

$$\eta_T = \frac{\Delta R}{R_p - \Delta R}; \quad (6)$$

$$\Delta R = \frac{2\pi R_p - S_1}{2\pi}, \quad (7)$$

Бу ҳол учун $S_1 < 2\pi R_p$ ва $u > V$.

(4) ва (6) ифодалар таҳлилидан кўриниб турибдики сирпаниш коэффициентининг қиймати 0 билан 1 оралиғида, тойиш коэффициентининг қиймати эса 0 билан ∞ оралиғида ўзгаради. $\eta_c = 1$ бўлганда ротацион юмшаткич айланмасдан сирпанади, $\eta_T = \infty$ бўлганда эса у жойидан қўзғалмасдан айланади.

Ротацион юмшаткичнинг иш жараёнида сирпаниб ёки тойиб думалашини ҳисобга олган ҳолда уни бурчак тезлигини куйидаги ифодалар бўйича аниқлаш мумкин:

а) ротацион юмшаткич сирпаниб юмалаганда

$$\omega_C = \frac{V(1 - \eta_C)}{R_p}; \quad (8)$$

б) ротацион юмшаткич тойиб юмалаганда

$$\omega_T = \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p}; \quad (9)$$

Бу ифодаларни ҳисобга олиб (1) ва (2) тенгламаларни куйидагича ёзиш мумкин:

а) ротацион юмшаткич сирпаниб ишлаган ҳол учун

$$X_i = Vt + R_p \cos \frac{V(1 - \eta_C)}{R_p} t; \quad (10)$$

$$Z_i = R_p \left[1 - \sin \frac{V(1 - \eta_C)}{R_p} t \right]; \quad (11)$$

б) ротацион юмшаткич тойиб ишлаган ҳол учун

$$X_i = Vt + R_p \cos \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t; \quad (12)$$

$$Z_i = R_p \left[1 - \sin \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t \right]. \quad (13)$$

(10) – (13) тенгламалар таҳлилидан кўриниб турибдики ротацион юмшаткич сирпаниш режимида ишлаганда унинг нуқталари қисқартирилган циклоида, тойиш режимида ишлаганда эса узайтирилган траектория бўйича ҳаракат қилади.

(10) – (13) тенгламалардан бир марта ҳосила олиб ротацион юмшаткич нуқталарининг X, Z координата ўқлари бўйича тезликларини, икки марта ҳосила олиб эса – тезланишларини аниқлаймиз.

а) ротацион юмшаткич сирпаниб ишлаган ҳол учун

$$V_x = X' = V - V(1 - \eta_C) \sin \frac{V(1 - \eta_C)}{R_p} t = V \left[1 - (1 - \eta_C) \sin \frac{V(1 - \eta_C)}{R_p} t \right]; \quad (14)$$

$$V_z = Z' = -V(1 - \eta_C) \cos \frac{V(1 - \eta_C)}{R_p} t. \quad (15)$$

Абсолют тезлик

$$V_a = \sqrt{(X')^2 + (Z')^2} = \sqrt{\left\{ V \left[1 - (1 - \eta_c) \sin \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t \right] \right\}^2 + \left[-V(1 - \eta_c) \cos \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t \right]^2} =$$

$$= V \sqrt{1 - 2(1 - \eta_c) \sin \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t + (1 - \eta_c)^2}. \quad (16)$$

$$W_x = X'' = -\frac{V^2(1 - \eta_c)^2}{R_p} \cos \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t; \quad (17)$$

$$W_z = Z'' = \frac{V^2(1 - \eta_c)^2}{R_p} \sin \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t. \quad (18)$$

Умумий тезлишиш

$$W_a = \sqrt{(X'')^2 + (Z'')^2} =$$

$$= \sqrt{\left[-\frac{V^2(1 - \eta_c)^2}{R_p} \cos \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t \right]^2 + \left[\frac{V^2(1 - \eta_c)^2}{R_p} \sin \frac{V(1 - \eta_c)}{R_p} t \right]^2} = \frac{V^2(1 - \eta_c)^2}{R_p}. \quad (19)$$

б) ротацион юмшаткич тойиб ишлаган ҳол учун

$$V_x = X' = V \left[1 - (1 + \eta_T) \sin \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t \right]; \quad (20)$$

$$V_y = Z' = -V(1 + \eta_T) \cos \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t; \quad (21)$$

$$V_a = V \sqrt{1 - 2(1 + \eta_T) \sin \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t + (1 + \eta_T)^2}; \quad (22)$$

$$W_x = X'' = -\frac{V^2(1 + \eta_T)^2}{R_p} \cos \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t; \quad (23)$$

$$W_z = Z'' = \frac{V^2(1 + \eta_T)^2}{R_p} \sin \frac{V(1 + \eta_T)}{R_p} t; \quad (24)$$

$$W_a = \frac{V^2(1 + \eta_T)^2}{R_p}. \quad (25)$$

(16), (19), (22) ва (25) тенгламалардан кўриниб турибдики, ротацион юмшаткичнинг абсолют тезлиги унинг бурилиш бурчагига боғлиқ равишда ўзгариб боради, тезланиши эса ўзгармас бўлиб, марказдан қочма тезланишга тенг бўлади.

(16) ва (22) тенгламаларидан фойдаланиб ротацион юмшаткич абсолют тезлигининг энг катта ва энг кичик қийматларини аниқлаш мумкин. Минимал тезлик ротацион юмшаткич тик ўқининг пастки тупроққа ботиб турган нуқтасига, максимал тезлик эса шу ўқнинг энг юқори нуқтасида ҳосил балади [7].

а) ротацион юмшаткич сирпаниб ишлаган ҳол учун

$$V_a^{\min} = V\eta_C; \quad (26)$$

ва

$$V_a^{\max} = V(2 - \eta_C). \quad (27)$$

б) ротацион юмшаткич тойиб ишлаган ҳол учун

$$V_a^{\min} = -V\eta_T; \quad (28)$$

ва

$$V_a^{\max} = V(2 + \eta_T). \quad (29)$$

Бу ифодалардан кўриниб турибдики ротацион юмшаткич сирпаниб ишлаганда унинг минимал тезлиги агрегат ҳаракат йўналиши бўйича йўналган бўлади. Тойиб ишлаганда эса ҳаракат йўналишига қарама-қарши томонга йўналади. Максимал тезлик ҳар иккала ҳол учун ҳам ҳаракат йўналиши бўйича йўналган.

Адабиётлар

- [1]. Нормирзаев, А.Р. Воздействия движителей колесных и гусеничных тракторов на урожайность сельхозкультур. /Нормирзаев А.Р, Нуриддинов А.Д. // Сборник статей двадцать второй международной научной конференции. Россия «Техноконгресс» 26 февраля 2018 г. С 7-11.
- [2]. Нормирзаев, А.Р. Воздействия на почву ходовых систем МТА и их оценка. /А.Р.Нормирзаев, А.Д.Нуриддинов, Ж.Маннонов. // "Мировая наука" Россия. №5(14) 2018. С 515-518.
- [3]. Gaybullaev B., Normirzaev A., Nishonov B., Nuriddinov A. Influence of an attack angle of a spherical disk sagger and the congressive unit speed on the distance of soil. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. №06, 2020 y. 512-517 pg.
- [4]. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающий машин. – Москва: Машиностроение, 1977. – 328 с.
- [5]. А.Нуриддинов А.Р.Нормирзаев. Обоснование технологических и конструктивных параметров катка приспособления. Федеральное Государственное унитарное предприятие издательство «Известия» конференция: модернизация сельскохозяйственного производства на базе инновационных машинных технологий и автоматизированных систем. Т.1, Углич, 10-12 сентября 2012 г. г. 352-356 стр
- [6]. Сабликов М.В. Сельскохозяйственные машины. Ч. 2. Основы теории и технологического расчета. – Москва: Колос, 1968. – 296 с.
- [7]. А.Р.Нормирзаев, А.Насритдинов, А.Нуриддинов. Ротацион юмшаткичнинг тупроқ билан ўзаро таъсирланиши. ФарПИ ИТИ журнали. №3. 2014 й. 100...102 бетлар.

УДК 621.01

ТАРКИБЛИ, ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ ТИШЛИ ҒИЛДИРАГИ БЎЛГАН УЗАТМАЛИ РЕДУКТОРНИ “ВАЛЬЦ” МАШИНАСИ ЮРИТМАСИДАГИ МАШИНА АГРЕГАТИ ДИНАМИК ТАҲЛИЛИ

А. Джураев¹, Ж.Х. Бекназаров², Ш.С. Чулиев³

¹Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
²Навоий давлат кончилиқ институти, ³АЖ “Janubsanoatmontaj”
(Қабул қилинди 25.02.2021 й.)

The article describes the kinematic diagram and the principle of operation of the Waltz machine, which regulates the height of the shock absorbers. The value of solving the problem of the dynamics of a machine unit with a gear element with an elastic element consisting of a two-speed gearbox in the machine. The laws of motion of the gears, the working drum and the rotor of the electric drive are derived. The graphs of connections were constructed and, based on their analysis, the optimal values of displacement of the units were recommended.

Keywords: Shock absorber, virginity, composite, elastic element, dissipation, gear, angular velocity, inertia, productivity, vibration, regularity, moment of inertia, working drum, reducer.

В статье описана кинематическая схема и принцип работы станка “Вальц”, регулирующего высоту амортизаторов. Величина решения задачи динамики агрегата машины с зубчатым элементом с упругим элементом, состоящим из двухскоростного редуктора в машине. Выведены законы движения шестерен, рабочего барабана и ротора электропривода. Построены графики связей и на основе их анализа рекомендованы оптимальные значения перемещений агрегатов.

Ключевые слова: Амортизатор, девственность, композит, упругий элемент, диссипация, шестерня, угловая скорость, инерция, производительность, вибрация, регулярность, момент инерции, рабочий барабан, редуктор.

Мақолада амортизаторлани бикрлигини текисловчи “Вальц” машинаси кинематик схемаси ва ишлаш принципи келтирилган. Машина таркибидаги икки погонали редукторда таркибли, қайишқоқ элементли тишли гилдиракли узатмаси бўлган машина агрегати динамика масаласи ечими катталиклари берилган. Тишли гилдираклар, ишчи барабан ва электр юритгич ротори ҳаракат қонуниятлари олинган. Боғланиш графиклари қурилган ва уларни таҳлили асосида машина агрегати ҳаракатларининг мақбул қийматлари тавсия этилган.


Калит сўзлар: Амортизатор, бикрлик, таркибли, қайишқоқ элемент, диссипация, тишли гилдирак, бурчак тезлик, нотикеслик, иш унуми, тебраниш, қонуният, инерция моменти, ишчи барабан, редуктор.

Амортизаторларни бикрлигини текисловчи “Вальц” машинаси схемаси ва ишлаш принципи. Маълумки, машинасозликда қатор технологик машиналарда тебранишларни, узатиш моментларни ва тебраниш амплитудаларни камайтириш, яъни амотизациялаш учун махсус амортизаторли резинали ёстикчалардан фойдаланилади [1]. Жумладан, автомобилсозликда, умуман мобил машиналарнинг ички ёнув юритмаларини корпусга ана шундай ёстичалар орқали ўрнатилади. Шунингдек металл қирқиш станокларини ва қатор технологик машиналардаги титрашни сўндириш учун улар пойдеворга керакли қалинликдаги резинали ёстикчалар орқали ўрнатилади. Ушбу резинали ёстикчаларга қўйиладиган асосий талаб уларнинг бикрликлари сиртлари бўйича бир хил қилиб тақсимланишидир. Бунинг учун ҳам резина полоткаларини, ленталарини керакли қалинликгача қилиб “Вальц” машиналарида махсус барабанлардан ўтказилади.

Таdqиқот ва синовларни ўтказиш усуллари

1-расмда кўрсатилган кинематик схемага асосан “Вальц” машинаси қуйидагича ишлайди.

Ҳаракат қуввати 18 КВт ли, $n=1000$ айл/мин, бўлган 1 электр юритгичдан муфта 2 орқали 3 редукторга узатилади. Редуктор икки поғонали бўлиб 4 тишли ғилдирак орқали 5 таркибли қайишқоқ элементли тишли ғилдиракка узатилади. Бунда 5 ғилдирак ўз навбатида 6 муфта 7 орқали 8, 9 ички тишли узатмадан 10 ва 11 ишчи барабанларга узатилади. Барабанлар 10 ва 11 лар орасидан белгиланган қалинликда резинали лента сиқилиб ўтади, керакли зичликка, яъни бикрликка эга бўлади. Машинада барабанлар 10 ва 11 нинг бурчак



1-расм. Амортизаторларнинг бикрлигини текисловчи “Вальц” машинаси кинематик схемаси. 1-Электр юритгич, 2, 7-муфталар, 3-редуктор, 4, 5, 6-тишли ғилдираклар, 8, 9-ташқи илашмали тишли ғилдираклар, 10, 11- ишчи барабанлар.


тезликлари қанчалик текис бўлса, яъни бурчак тезлигининг нотекислик коэффициенти қанча кичик бўлса, чиқаётган маҳсулот сифати шунчалик юқори бўлади яъни, [2,3] га асосан:

$$\delta = \frac{\omega_{\sigma max} - \omega_{\sigma min}}{\omega_{\sigma up}} \quad (1)$$

бу ерда $\omega_{\sigma max}$, $\omega_{\sigma min}$, $\omega_{\sigma up}$ лар барабан 10 ва 11 ларнинг максимал, минимал ва ўртача бурчак тезликлари.

Машина ишлашда асосий нотекислик ва шовқин редуктор узатмаси орқали ҳосил бўлади. Шунинг учун “ δ ” ни камайтириш учун барабан массларини ошириш орқали таъминлаш мумкин. Лекин, бунда қувват сарфи кескин ортиб кетади. Тасмали ва занжирли узатмаларни қўлласа ҳам бўлар эди. Лекин катта қувват узатилгани учун ушбу узатмалар ишлаш муддати жуда камайиб кетади. Шунинг учун биз редуктор узатмасидаги момент, тезликлар тебранишини, ҳамда шовқинни камайтириш мақсадида икки поғонали редукторнинг ўрта тишли ғилдирагини таркибли қилиб, қайишқоқ элемент қўйдик. Бунда қайишқоқ втулкани керакли бикрликда танлаб тезлик ва моментни тебраниш амплитудаларини, ҳамда шовқинни камайтириш имкони яратилди.

Вальц машинаси юритмасида таркибли тишли ғилдиракли узатмали бўлган машина агрегати динамик ва математик моделлари. Амортизаторли резиналарни тайёрловчи “Вальц” машинасининг 1-расмдаги кинематик схемасига асосан машина агрегатини динамик моделини кўрамиз. Бунда системадаги қайишқоқ элементлар массаларини ошириш имконини беради. Биринчи массага электр юритгич ротори ва ярим муфта массаси киради, иккинчи массага ярим муфта етакловчи тишли ғилдирак, учинчи массага таркибли тишли ғилдирак, етакланувчи чиқувчи тишли ғилдирак ва иккинчи ярим муфта массалари киради, тўртинчи массага ярим муфта, ташқи илашувчи тишли ғилдираклар ҳамда ишчи барабанлар массалари киради. Демак, система тўрт массали машина агрегатидан иборат бўлади.



2-расм. Машина агрегати динамик модели.

Ушбу модел 2-расмда келтирилган.

Тадқиқотларга асосан электр юритгичнинг механик динамик харақтеристикаси орқали инобатга олинади. Кўрилаётган машина агрегатида қисим жараёнлари тўлиқроқ таҳлил

қилиш мақсадида электр юритгичнинг механик динамик характеристикаси А.Е.Левин томонидан тавсия қилинган дифференциал тенгламалар системасидан ифодаланилди.

$$\begin{aligned} \frac{\partial M_{\text{ю}}}{\partial t} &= \left(\omega_c - P \frac{d\dot{\varphi}_1}{dt} \right) \Psi - \frac{M_{\text{ю}}}{T_3}; \\ \frac{\partial \Psi}{\partial t} &= \frac{2M_{\text{к}}}{T_3} - \frac{\Psi}{T_3} - \left(\omega_c - P \frac{d\dot{\varphi}_1}{dt} \right) - M_{\text{ю}}; \\ T_3 &= (\omega_c \cdot S_{\text{к}})^{-1}; \Psi = \frac{S_{\text{к}}}{S} (M_{\text{ю}} + T_3 \frac{\partial M_{\text{ю}}}{\partial t}) \end{aligned} \quad (2)$$

бу ерда $M_{\text{ю}}$, $M_{\text{к}}$ -электр юритгич юритувчи моментлари ва унинг критик қиймати;

P -жуфтлар сони;

$S, S_{\text{к}}$ -юритгич сирпаниши ва унинг критик қиймати; ω_c -айланиш частотаси;

T_3 -юритгич электро магнит ўзгармас вақти;

Ψ -ўзгарувчан.

Машина агрегати массаларининг ҳаракат тенгламаларини ҳар бир умумлашган координаталар учун алоҳида Лагранжнинг иккинчи тартибли дифференциал тенгламасидан [4] фойдаланиб аниқлаймиз:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{q}} \right) - \frac{\partial T}{\partial q} + \frac{\partial \Pi}{\partial q} + \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{q}} = Q(q) \quad (3)$$

бу ерда q, \dot{q} -умумлашган силжиш ва тезлик, t -вақт,

T, Π -системанинг кинетик ва потенциал энергиялари, Φ -Релэй диссипация функцияси;

q, \dot{q} -умумлашган координата ва тезлик,

$Q(q)$ -умумлашган куч.

Машина агрегати тўртта массани буралиш бурчаклари $\varphi_1, \varphi_2, \varphi_3$ ва φ_4 лар умумлашган координата сифатида қабул қилинди. Бунда ҳар бир умумлашган координата учун алоҳида Лагранж тенгламасини тузиб чиқамиз. Бунда система кинетик энергияси:

$$T = \frac{1}{2} \{ (J_p + J_M) \dot{\varphi}_1^2 + (J_M + J_{z1}) \dot{\varphi}_2^2 + [J_{z2} + U_{z23}^2 (J_{z3} + J_M)] \dot{\varphi}_3^2 + (J_n + J_{z4} + J_{z5} + J_{\delta 1} + J_{\delta 2}) \dot{\varphi}_4^2 \}$$

Система потенциал энергияси:

$$\Pi = \frac{1}{2} C_1 (\varphi_1 - U_{12} \varphi_2)^2 + \frac{1}{2} C_2 (\varphi_2 - U_{23} \varphi_3)^2 + \frac{1}{2} C_3 (\varphi_3 - U_{34} \varphi_4)^2$$

Релэйнинг диссипация функцияси:

$$\Phi = \frac{1}{2} b_1 (\varphi_1 - U_{12} \varphi_2)^2 + \frac{1}{2} b_2 (\varphi_2 - U_{23} \varphi_3)^2 + \frac{1}{2} b_3 (\varphi_3 - U_{34} \varphi_4)^2$$

бу ерда J_p, J_M - электр юритгич ротори ва ярим муфта инерция моментлари;

$J_{z1}, J_{z2}, J_{z3}, J_{z4}, J_{z5}$ -лар тишли ғилдирақлар инерция моментлари;

U_{12}, U_{23}, U_{34} -узатиш нисбатлари;

$J_{\delta 1}, J_{\delta 2}$ -ишчи барабанлар инерция моментлари;

C_1, C_2, C_3 -қайишқоқ элементлар айланиш бикрлиги коэффициентлари; b_1, b_2, b_3 -диссипация коэффициентлари.

Лагранж тенгламалари қўшилувчиларини аниқланади.

Кинетик энергиядан олинган ҳосилалар:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}_1} \right) = (J_p + J_M) \ddot{\varphi}_1$$

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}_2} \right) = (J_M + J_{z1}) \ddot{\varphi}_2$$

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}_3} \right) = [J_{z2} + U_{z23}^2 (J_{z3} + J_M)] \ddot{\varphi}_3$$

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}_4} \right) = (J_{z3} + J_{z4} + J_{z5} + J_{\delta 1} + J_{\delta 2}) \ddot{\varphi}_4$$

Потенциал энергиядан олинган ҳосилалар:

$$\frac{\partial \Pi}{\partial \varphi_1} = C_1 (\varphi_1 - U_{12} \varphi_2); \frac{\partial \Pi}{\partial \varphi_2} = -U_{12} C_1 (\varphi_1 - U_{12} \varphi_2) + C_2 (\varphi_2 - U_{23} \varphi_3);$$

$$\frac{\partial \Pi}{\partial \varphi_3} = -U_{23} C_2 (\varphi_2 - U_{23} \varphi_3) + C_3 (\varphi_3 - U_{34} \varphi_4); \frac{\partial \Pi}{\partial \varphi_4} = -U_{34} C_3 (\varphi_3 - U_{34} \varphi_4).$$

диссипация функцияси дан олинган ҳосилалар:

$$\frac{\partial \Phi}{\partial \dot{\varphi}_1} = b_1 (\dot{\varphi}_1 - U_{12} \dot{\varphi}_2); \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{\varphi}_2} = -U_{12} b_1 (\dot{\varphi}_1 - U_{12} \dot{\varphi}_2) + b_2 (\dot{\varphi}_2 - U_{23} \dot{\varphi}_3);$$

$$\frac{\partial \Phi}{\partial \dot{\varphi}_3} = -U_{23} b_2 (\dot{\varphi}_2 - U_{23} \dot{\varphi}_3) + b_3 (\dot{\varphi}_3 - U_{34} \dot{\varphi}_4); \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{\varphi}_4} = -U_{34} b_3 (\dot{\varphi}_3 - U_{34} \dot{\varphi}_4)$$

Лагранж тенгламалари даги умумлашган кучларнинг моментлари:

$$M(\varphi_1) = M_{ю}; M(\varphi_2) = M_{и2}; M(\varphi_3) = M_{и3}; M(\varphi_4) = M_{и4} + M_{к};$$

$$M_{к} = M_{к0} = \delta M(M_{ю})$$

Машина агрегатининг массалари ва уларни ташкил этувчиларини осувчи юклар усулида тажрибада аниқланди. Бунда шкивларга (валларга ипни ўраб) b_1 ва b_2 оғирликдаги юклар кетма-кет осилди. Юкларни ерга тушиш вақти уч маротабадан ўлчанди. Уларга асосан a_1 ва a_2 тезланишлар ҳисобланди. Сўнгра уларни қуйидаги ифодага қўйиб ҳисобланди:

$$J = \left[\left(1 - \frac{a_1}{g}\right) G_1 - \left(1 - \frac{a_2}{g}\right) G_2 \right] \frac{D}{2(a_1 - a_2)} \quad (4)$$

бу ерда D – шкив диаметри;

g – эркин тушиш тезланиши.

Бунда массаларнинг инерция моментлари қуйидагича бўлади:

$$J_p = 0,212 \text{ кгм}^2; J_m = 0,303 \text{ кгм}^2; J_{z1} = 0,261 \text{ кгм}^2; J_{z2} = 0,41 \text{ кгм}^2;$$

$$J_{z3} = 0,643 \text{ кгм}^2; J_{z4} = 1,03 \text{ кгм}^2; J_{z5} = 1,03 \text{ кгм}^2; J_{\delta 1} = J_{\delta 2} = 3,469 \text{ кгм}^2;$$

Қайишқоқ элементларнинг айланма бикрлик коэффицентларини қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланди [5,6,7]:

$$C = \frac{R^2 E F a}{I_p} \quad (5)$$

бу ерда R – қайишқоқ элемент ўртача радиуси;

E – қайишқоқ элемент қайишқоқлик модули;

F – кесим юзаси;

I_p – қайишқоқ элемент узунлиги;

a – қайишқоқ элемент деформацияланишини инобатга олувчи коэффицент.

Келтирилган (5) ифодадан фойдаланиб, машина агрегатидан қайишқоқ элементларнинг айланма бикрлик коэффицентлари ҳисоблаб чиқилди:

$$C_1 = (450 \div 500) \text{ км/рад}; C_2 = (400 \div 420) \text{ км/рад}; C_3 = (450 \div 500) \text{ км/рад}.$$

Қайишқоқ элементларнинг диссипация коэффицентларини мавжуд ифодадан фойдаланиб ҳисобланди [8,9,10]:

$$b = \frac{\Psi_y C}{2\pi \left(\frac{2\pi}{T_g}\right)} \quad (6)$$

бу ерда Ψ_y – айланма ҳаракатни узатишни ифодаловчи коэффицент; T_g – тебраниш даври.

Кўриб чиқиладиган қайишқоқ элементлар учун қуйидаги қийматлар олинди:

$$b_1 = (6,8 \div 7,2) \text{ кмс/рад}; b_2 = (5,5 \div 6,0) \text{ кмс/рад}; b_3 = (6,5 \div 7,0) \text{ кмс/рад};$$

Олинган Лагранж тенгламалари қўшилувчиларини инобатга олиб таркибида қайишқоқ элементли тишли ғилдираги бўлган механизми “Вальц” машинаси агрегатини ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} \frac{\partial M_{ю}}{\partial t} &= \left(\omega_c - P \frac{d\dot{\varphi}_1}{dt} \right) \Psi - \frac{M_{ю}}{T_3}; \\ \frac{\partial \Psi}{\partial t} &= \frac{2M_{к}}{T_3} - \frac{\Psi}{T_3} - \left(\omega_c - P \frac{d\dot{\varphi}_1}{dt} \right) - M_{ю}; \\ T_3 &= (\omega_c \cdot S_k)^{-1}; \Psi = \frac{S_k}{S} (M_{ю} + T_3 \frac{\partial M_{ю}}{\partial t}) \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 (J_p + J_m)\varphi_1 &= M_{10} - b_1(\varphi_1 - u_{12}\varphi_2) - c_1(\varphi_1 - u_{12}\varphi_2); \\
 (J_m + J_{z1})\varphi_2 &= u_{12}b_1(\varphi_1 - u_{12}\varphi_2) + u_{12}c_1(\varphi_1 - u_{12}\varphi_2) - \\
 &- b_2(\varphi_2 - u_{23}\varphi_3) - c_2(\varphi_2 - u_{23}\varphi_3) - M_{k2}; \\
 [J_{z2} + u_{z23^2}(J_{z3} + J_m)]\varphi_3 &= u_{23}b_2(\varphi_2 - u_{23}\varphi_3) + \\
 &+ u_{23}c_2(\varphi_2 - u_{23}\varphi_3) - b_3(\varphi_3 - u_{34}\varphi_4) - c_3(\varphi_3 - u_{34}\varphi_4) - M_{k3}; \\
 (J_m + J_{z4} + J_{z5} + J_{z1} + J_{z2})\varphi_4 &= u_{34}b_2(\varphi_3 - u_{34}\varphi_4) + \\
 &+ u_{34}c_3(\varphi_3 - u_{34}\varphi_4) - M_{r4}[M_{k0} \pm \delta M(M_{k0})];
 \end{aligned} \tag{7}$$

Олинган (2.19) дифференциал тенгламалар системасини $t=0$ да

$\dot{\varphi}_1 = \dot{\varphi}_2 = \dot{\varphi}_3 = \dot{\varphi}_4 = 0$ ва $M_{u2} = M_{u3} = M_{u4} = 0$ даги бошланғич шартларга асосан, ҳамда параметрларининг қуйидаги ҳисоб қийматларида амалга оширилди:

$$N_{\text{ю}} = 18 \text{ кВт}; n_{\text{ю}} = \text{айл/мин}; \dot{\varphi}_p = 104,6 \text{ с}^{-1}; \dot{\varphi}_2 = 86,8 \text{ с}^{-1};$$

$$\dot{\varphi}_3 = 57,8 \text{ с}^{-1}; \dot{\varphi}_{\delta 1} = \dot{\varphi}_{\delta 2} = 57,8 \text{ с}^{-1};$$

$$U_{12} = 1,0; U_{23} = 1,2; U_{34} = 1,5; Z_1 = 30;$$

$$Z_2 = 36; Z_3 = 48; Z_4 = 56; Z_5 = 56; fc = 50 \text{ Гц};$$

$$\cos \varphi = 0,86; h = 0,85; S = 0,061; S_k = 0,187; M_K = 109,7 \text{ Нм}; p = 2,0;$$

$$F = 0,152 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2; a = 2,2; l_p = 0,18 \text{ м}; F = 44 \cdot 10^6 \text{ н/м}^2; M_{ko} = 156 \text{ Нм};$$


$$\delta M(M_{k0}) = (0,1 \div 0,12)M_{k0}; M_{k2} = 10,5 \text{ Нм}; M_{k3} = 12,1 \text{ Нм};$$

$$M_{k4} = 19,7 \text{ Нм}; D\delta_1 = D\delta_2 = 0,2 \text{ м}.$$

Тадқиқот натижалари

“Валъц” машинасида амортизатор резинали полоткаларини ишчи барабанлар орқали сиқиб, бутун юзаси бўйлаб зичлиги ва бикрлигини мослаштиришга эришилади. Бунда барабанларни бир текисда айланишини таъминлаш керак бўлади. Шунингдек икки поғонали редукторда ҳаракатни узатишда ишқаланиш ва юкланишни ўзгариши ҳисобига тишли ғилдирак тез ейилиб ишдан чиқади, шовқин кучаяди, редуктор иш ресурси камаяди. Редукторнинг ўрта тишли ғилдирагини таркибли қилиб қайишқоқ втулка ўрнатилганидан сўнг илашмаларда зарба камаяди, юкланишларнинг тебранишлари амплитудалари камаяди, ҳаракат барқарорлашади. Натижада иш ресурси ортади. Шунинг учун таклиф қилинган қайишқоқ элементни параметрларини, узатма ишлаш режимларининг керакли қийматларини аниқлаш, бикрлик-диссипатия параметрларини асослаш муҳим ҳисобланади.

Олинган (9) системани сонли ечимини ПК да амалга оширилди. Бошланғич шартлар ва параметрларининг ҳисоб қийматларида юритгич, тишли ғилдираклар ва ишчи барабанлар бурчак тезликларини, ҳамда юритгич юкланишини ўзгариш қонуниятини олинди. Олинган қонуниятлар расмда келтирилган. 3 а-расмда юкланган қаршилик 120 Нм бўлса, 3 б-расмда қаршилик 170 Нм қилиб олинган. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики юкланиш 120 нм бўлганда электр юритгич валидаги бурчак тезлигининг ўртача қиймати 98.1 с⁻¹ редуктор биринчи тишли ғилдираги валида деярли бир хил 97.2 с⁻¹ ўртасида бўлди.



а – $M_{ю} = 120 \text{ Нм}$; б – $M_{к} = 170 \text{ Нм}$

3-расм “Валц” машинасини электр юритгич ротори, тишли ғилдираклар, ҳамда ишчи барабанлар валларидаги бурчак тезликлар ва юритгич юкланишини ўзгариш қонуниятлари.

Бунда таркибли қайишқоқ элементли иккинчи тишли ғилдирак вали бурчак тезлиги ўртача қиймати 82.3 с^{-1} бўлса, чиқувчи тишли ғилдирак вали, ишчи барабанлар ҳаракати келтирилган валнинг бурчак тезлиги 51.7 с^{-1} бўлганлигини кўриш мумкин. Бунда ротор валидаги буровчи момент 87.3 нм оралиғида бўлади. Мос равишда тарқалган қаршилиқ ортиши билан, яъни ишчи барабанлар орасидан ўтадиган амортизатор хомашёси қалинлиги ошганда, ёки зичлиги, бикрлиги катта хомашё ишлатилганда юритгичда юкланиш ҳам ортади. Яъни $M_{к}=170 \text{ нм}$ булганда $M_{ю}=183,2 \text{ нм}$ оралиғида бўлиши аниқланди. Бунда қўшимча ишқаланиш орқали келадиган қаршилиқлар ҳисоб қийматлари олинган ҳолда ҳисобланди.

Олинган қонуниятларни қайта ишлаш натижасида параметрларини боғланиш графиклари қурилди. 4-расмда Электр юритгич ротори, етакловчи тишли ғилдирак, таркибли тишли ғилдирак, етакланувчи тишли ғилдирак ва ишчи барабанлар валларидаги бурчак тезликлар, юритмадаги юкланиш ўзгаришини, технологик қаршилиги ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган

Графиклар таҳлилига асосан таъкидлаш мумкинки тарқалган қаршилиқ $0.37 \cdot 10^2 \text{ км}$ дан $2.25 \cdot 10^2 \text{ км}$ гача ортганда ротор вали бурчак тезлиги 98.7 с^{-1} дан 78.1 с^{-1} гача ночизикли қонуниятда камайиб боради, қайишқоқ элемент тишли ғилдирак валидаги бурчак тезлик $82,4 \text{ с}^{-1}$ дан 68.3 с^{-1} гача камайишини кузатиш мумкин.


Ишчи барабанларнинг бурчак тезликлари $55,2 \text{ с}^{-1}$ дан $48,1 \text{ с}^{-1}$ гача ночизикли қонуниятда камайишига олиб келди. Мос равишда юритгичдаги юкланиш $J_{ю}=0.212 \text{ кгм}^2$ бўлганда $0,09 \cdot 10^2 \text{ км}$ дан $0,72 \cdot 10^2 \text{ км}$ ночизикли қонуниятда ортиб бориши аниқланди. Машина агрегати биринчи массасининг инерция моменти 0.25 кгм^2 гача кузатилганда, юритгичдаги юкланиш $1,09 \cdot 10^2 \text{ км}$ гача ортиши кузатилди. Шунинг учун юритгичдаги юкланишни $(0,9 \div 0,95) \cdot 10^2 \text{ км}$ дан ошмаслигини таъминлаш учун технологик қаршилиқ $M_{к} \leq (150 \div 155) \text{ нм}$ дан ошмаслиги тавсия этилди.

Машина ва механизмлар назариясидан маълумки айланувчи ишчи органлар ҳаракатини раванлаштириш учун уларнинг инерция моментларини ошириш орқали эришилади. Лекин инерция моментини ҳаддан ташқари ошириш юкланишни, сарф қувватни кўпайтиради, машина иш ресурси ҳам камаяди.

Жумладан ишчи барабанлар инерция моментлари $0,5 \text{ кгм}^2$ дан $3,0 \text{ кгм}^2$ гача ортганида уларнинг валлари бурчак тезликлари нотекистик коэффиценти $0,165$ дан $0,064$ гача камайиб боради. Қайишқоқ элементли тишли ғилдирак бурчак тезлигини нотекистик коэффиценти δ_3 қиймати $0,123$ дан $0,05$ гача ночизикли қонуниятда камайиб боради.

Электр юритгич ротори валидаги δ_1 қиймати $0,042$ дан $0,018$ гача камайиши аниқланди. Таъкидлаш лозимки, тажриба тадқиқоти натижаларига асосан ишчи

барабанларнинг бурчак тезликлари нотекистик коэффициентлари (0,05÷ 0,08) дан ошмаслиги технологик жараёни талаблар асосида амалга ошириш мумкин бўлади.



$$1-M_{ю}=f(M_k) - J_{ю} = 0,25 \text{ кгм}^2; 2- \\ M_{ю}=f(M_k) - J_{ю} = 0,212 \text{ кгм}^2; \\ 3-\dot{\phi}_1=f(M_k); 4-\dot{\phi}_2=f(M_k); 5-\dot{\phi}_3=f(M_k); \\ 6-\dot{\phi}_4=f(M_k);$$

4-расм. Электр юритгич ротори, етакловчи тишли ғилдирак, таркибли тишли ғилдирак, етакланувчи тишли ғилдирак ва ишчи барабанлар валларидаги бурчак тезликлар, юритмадаги юкланиш ўзгаришини, технологик қаршилиги ўзгаришига боғлиқлик графиклари.

зарбни камайтириш учун $\Delta\dot{\phi}_3$ қийматлари (4,0÷ 5,0) с^{-1} дан ошмаслигини таъминлаш учун қайишқоқ элемент халқасини айланма бикрлик коэффициентлари (6,5÷ 7,0) $\cdot 10^2$ Нм/рад оралиғида танлаш тавсия этилади. Мос равишда ишчи барабанлар бурчак тезликлари тебранишини камайтириш учун ҳам муфта бикрлик коэффициентини тавсия қийматлари (7,5÷ 8,5) $\cdot 10^2$ Нм/рад оралиғида олиш тавсия этилади. Биринчи муфтанинг қайишқоқ элементи бикрлик коэффициенти (5,0÷ 5,5) $\cdot 10^2$ Нм/рад оралиғида тавсия қилинган.

Технологик юкланиш 120 Нм бўлганда иккинчи муфта қайишқоқ элементи диссипация коэффициенти 2,0 кмс/рад дан 12,0 кмс/рад гача ортганда системанинг барқарор ҳаракати чиқиш вақти 0,02 с дан 0,12 с гача ортса юкланиш $M_k=170$ нм бўлганда ҳаракатга чиқиш вақти 0,1 с дан 0,27 с гача ортади. Бу электр юритгични қизиқ кетишига ва ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Ҳар бир массага тегишли қайишқоқ элемент диссипация коэффициенти ўзгариши ҳисобига $\delta_1, \delta_2, \delta_3$ ва δ_4 ларни қийматларини мослаш имконияти мавжуд бўлади. Мос равишда муфталар қайишқоқ элементлари диссипация коэффициенти $b_1=(5,5\div 6,0)$ Нмс/рад ва $b_3=(9,5\div 10,5)$ Нмс/рад оралиғида олиш тавсия этилади.

Хулосалар

1. Юритмада қайишқоқ элементли тишли ғилдираги бўлган “Валъц” технологик машинанинг динамик ва математик моделлари электр юритгич динамик механик характеристикасини, технологик параметрлари, қайишқоқ элементлари, бикрлик-диссипатив хусусиятларини инобатга олиб қурилди.

2. Тўрт массали машина агрегати динамика масаласини сонли ечим асосида юритгич, тишли ғилдираклар ва ишчи барабанлар бурчак тезликларини, ҳамда юритгич юкланишини ўзгариш қонунияти параметрларини тавсия қийматлари аниқланди.

Адабиётлар:

Шунинг учун келтирилган графиклар таҳлиliga асосан массаларнинг инерция моментларини тавсия қийматлари $(J_p + J_m) \geq (0,6\div 0,8) \text{ кгм}^2$; $(J_m + J_{z1}) \geq (0,9\div 1,0) \text{ кгм}^2$;

$$[U_{z2} + U_{z23}^2 (U_{z3} + J_m)] \geq (1,2\div 1,4) \text{ кгм}^2;$$

$$(J_m + J_{z4} + J_{z5} + J_{\delta 1} + J_{\delta 2}) \geq (3,7\div 5,2) \text{ кгм}^2.$$

Тавсия параметрларига асосан таъкидлаш лозимки машина агрегати биринчи уч массанинг инерция моментлари ҳисоб қийматларига нисбатан кўпроқ олиш тавсия қилинган бўлса, тўртинчи массада, яъни ишчи барабанлар инерция моментларини ҳисоб қийматларига нисбатан камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таркибли тишли ғилдирак тишлари қадамни эътиборга олиб, яъни тишларни ўзаро илашишда

- [1]. Кенжабоев Ш. Джураев А., Мадрахимов Ш. Определение избыточных связи и в кинематических парах кулачковых механизмов. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувини ўрни ва долзарб муаммолар ечими. Халқаро илмий-техникавий анжуман 2-қисм. 133-137 б., 27-28 июль 2017 йил. Марғилон.
- [2]. Джураев А., Р.Х.Максудов, Ш.Ш.Шухратов. Пахта саноати технологик машиналари юритиш механизмларининг нотекис харакати таҳлили. Монография, Изд., “Fan va texnologiya”, Тошкент, 2016 й, 148 б.
- [3]. Djuraev A., Kenjaboev Sh. Kinematic analysis of the crank-beam mechanism with compound hinges with fixed changes in the length of the links. European Sciences review Scientific journal № 9–10 2017 p. 96-102.
- [4]. Матвеев Ю.А. Матвеева Л.В. Теория механизмов машин. М.: ИНФРА-М. 2009.-284 с.
- [5]. Джураев А., Б.Н.Давидбоев, С.М.Зулпиёв, Н.Б.Давидбаева. Структурный, кинематический и динамический анализ рычажно-шарнирной муфты с упругими элементами карданных механизмов. Монография, Изд “Фергана”, Фергана 2013, ISBN 978-9943-349-69-4, С.116, ФерПИ, 15.11.2012, №2-Баённома.
- [6]. Джураев А., Турдалиев В.М., Максудов Р.Х. Ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларни кинематик ва динамик таҳлили. Монография. Изд. “Фан ва технологиялар”, Тошкент, 2013 й, Б.168 ТТЕСИ илмий кенгаши, 30.05.2012, №10.
- [7]. Джураев А., Р.Х.Максудов, Ш.Ш.Шухратов. Пахта саноати технологик машиналари юритиш механизмларининг нотекис харакати таҳлили. Монография, Изд., “Fan va texnologiya”, Тошкент, 2016 й, 148 б.
- [8]. Джураев А., Турдалиев В.М., Бобоматов А.Х., Холтураев Х.П. Разработка конструкций и методы расчета параметров колеблющихся сеток. Монография. Изд. LAP Lambert Academic Publishing, Deutschland. 2016, 157 с.
- [9]. Джураев А., Баубеков, С., Мирахмедов Д., Элмонов С.М. Научные основы и разработки конструкций колосников очистителей хлопка от крупного сора. Монография, Изд. “Тараз”, 2015 й, 156 с.
- [10]. Djuraev A., Sh.Sh.Kenjaboyev, A.Akbarov. Development of design and Calculation of frictional force in rotational kinematic pair of the fifth class with longitudinal crooves. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol.5, Issue 9, September 2018 p. 6778-6785.

AVTOTRANSPORT VOSITALARI HAYDOVCHILARINI TAYYORLASH SIFATINI OSHIRISHGA USLUBIY YONDASHUV

B.B. Polatov

*O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi
(Qabul qilindi 9.03.2021 y.)*

The article provides information on the circumstances that lead to traffic accidents caused by the fault of drivers, which is one of the main causes of traffic accidents today. New suggestions for driver training and retraining have been made.

Keywords: *traffic accident, driver training, retraining, vehicle, emergency, safe driving.*

В статье представлена информация об обстоятельствах, которые приводят к дорожно-транспортным происшествиям по вине водителей, что на сегодняшний день является одной из основных причин дорожно-транспортных происшествий. Внесены новые предложения по обучению и переподготовке водителей.

Ключевые слова: *дорожно-транспортное происшествие, подготовка водителей, переподготовка, транспортные средства, аварийная ситуация, безопасное вождение.*

Maqolada hozirgi kunda yo‘l-transport hodisalarining asosiy sabablaridan biri bo‘lgan haydovchilar aybi tufayli sodir bo‘lgan yo‘l-transport hodisalariga olib keluvchi holatlar haqida ma‘lumotlar keltirilgan. Haydovchilarni tayyorlash va qayta tayyorlash bo‘yicha yangi takliflar berildi.

Tayanch so‘zlar: *yo‘l-transport hodisasi, haydovchilarni tayyorlash, qayta tayyorlash, transport vositasi, favqulotda vaziyat, havfsiz boshqarish.*

Muayyan mutaxassislar yoki haydovchilarning qoniqarsiz kasbiy tayyorgarligi bilan bog‘liq muammolar tez-tez amaliyotimizda uchraydi va albatta ta‘kidlash kerakki, bu holatlar sababsiz emas, balki e‘tiborni jalb qiladi. O‘zbekiston Respublikasidagi yo‘l harakat xavfsizligining

ta'minlanganlik darajasi boshqa mamlakatlar va mintaqalarga nisbatan (yo'l transport hodisalarning sodir bo'lish darajasi bo'yicha) hali ham zamonaviy avtotransport vositalariga ega mamlakatlarda shunga o'xshash ko'rsatkichlarga qaraganda ancha yuqori. Masalan, yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasining ma'lumotlariga ko'ra, transport xavfi Makedoniya, Estoniya va Slovakiya kabi davlatlardagi zamonaviy transport vositalariga ega mamlakatlarga qaraganda 2-2,5 baravar yuqori. Bolgariya va Indoneziya davlatlari ko'rsatkichlari bilan deyarli baravar. Shu bilan birga, eng katta bo'shliq (farq 4-4,5 baravar) Singapur va Skandinaviya mamlakatlari (Shvetsiya, Norvegiya, Finlyandiya) bilan taqqoslaganda ko'p sodir bo'lmoqda.[1]

O'zbekiston Respublikasidada 2020 yilda yo'l transport hodisalar sonining 2019 yilga nisbatan bir oz pasayishiga qaramay (ularning soni 13,7 foizga kamaydi), haydovchilarning aybi bilan yo'l transport hodisalarning yuqori darajadagi muammosi mavjud. Shuning uchun uni hal qilish uchun transport vositalari haydovchilarini tayyorlash sifatini oshirishga jiddiy uslubiy yondashuv talab etiladi.

Jadval-1

2019-2020 yillarda sodir bo'lgan yo'l transport hodisalarning ko'rsatkichlari

	Yo'l transport hodisalarning umumiy soni	Yo'l transport hodisalar natijasida jarohat olganlar	Yo'l transport hodisasi natijasida halok bo'lganlar (9 oy ichida)
2019 yil	8588	7943	1398
2020 yil	6982	6591	1293

Jadval-1da 2019-2020 yillarda sodir bo'lgan yo'l-transport hodisalarning asosiy ko'rsatkichlari ko'rsatilgan: yo'l transport hodisalarning umumiy soni, o'lim va shikastlanishlar. Haydovchilar tomonidan sodir bo'lgan yo'l-transport hodisalar umumiy sonning 89,97%ni tashkil qilgan. Haydovchilarning aybi bilan sodir bo'lgan yo'l transport hodisalar ko'rsatkichlarini tahlil qilish bizni yo'l transport hodisalar sabablarini baholashga va haydovchilar kasbi bilan bog'liq yo'l harakati xavfsizligini ta'minlashga tanqidiy yondashishga majbur qiladi.

Haydovchilarning aybi bilan sodir bo'lgan yo'l transport hodisalar sabablarini tahlil qilinganda (2-jadval), yo'l harakati qoidalariga rioya qilishga tayyor emasligiga e'tibor qaratiladi. Bunga misol, harakatlanish tezlikni muayyan yo'l sharoitlariga mos kelmasligi yoki transport vositasini mast holatda boshqarish. Bu shaxsiy fazilatlarining namoyon bo'lishi. Masalan, intizomsizlik, kasbiy burchiga beparvo munosabat, tavakkalchilikka moyillik va h.k.

Jadval-2

Yo'l transport hodisalar sababi	Nisbatan foizda
Yo'l sharoitiga mos kelmaydigan harakat tezligi	32
Chorrahadan o'tish tartibiga rioya qilmaslik	18
Qarama-qarshi yo'nalishga chiqib harakatlanish	8
Oraliq masofani noto'g'ri tanlash	8
Transport vositasini mast holatda boshqarish	6
Ruxsat etilgan tezlik chekloviga rioya qilmaslik	2
Quvib o'tish qoidalarini buzish	2
Boshqa turdagi yo'l transport hodisalar	24

Bunday qoidabuzarliklarning asosiy sabablari chorrahadan o'tish ketma-ketligiga rioya qilmaslik, oraliq masofani noto'g'ri tanlash, yo'l harakati qoidalarining to'g'ri bilmaslik yoki yo'l harakati qoidalarining noto'g'ri tushunilganligi, yo'l harakati xavfsizligini baholashda tanqidiy va

eng maqbul qaror qabul qila olmaslik bo'lishi mumkin. Favqulodda vaziyatlarda haydovchilarning tajriba va amaliy (ko'nikma) qobiliyatlarining yetishmasligi. [2]

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Davlat yo'l harakati xavfsizligi bosh boshqarmasining 2019 yildagi statistik hisobotlariga ko'ra avtotransport vositalari haydovchilari tomonidan yo'l harakati qoidalarini buzganligi sababli sodir bo'lgan yo'l transport hodisalarning umumiy sonidan, yosh haydovchilarning ulushi (ikki yilgacha tajribaga ega) 2019 yilda 8% ni tashkil etdi.

2018 yildan 2019 yilgacha bo'lgan davrda yengil avtomobil boshqarish huquqini olgan haydovchilar soni shu jumladan, 373 mingdan ortiq kishini tashkil qildi. O'zbekiston Respublikasidagi avtotransport vositalar parki 2,5 millionga yaqin avtomobilni tashkil qiladi. Ro'yxatdan o'tgan avtotransport vositalar sonini va transport vositasini boshqarish huquqini olgan fuqarolar sonini taqqoslab, biz mehnat staji ikki yildan ko'p bo'lmagan har bir haydovchi yo'l harakati qoidalarini buzgan degan xulosaga kelamiz.

Bu esa o'z o'rnida mamlakatdagi haydovchilarni tayyorlashning amaldagi tizimining qoniqarsiz holatda ekanligini ko'ramiz.

Avtomaktablarda transport vositasini boshqarishni o'rgatadi, biroq biz haydovchiga hos bo'lgan ayrim individual ijobiy xususiyatlar va fazilatlarini o'rganish va ulardan foydalanish ko'rib ham chiqilmaydi. Shuning uchun haydovchilarni tayyorlashning sifati va tayyorgarligini baholash mumkin emas.

Haydovchilarni tayyorlash tizimida hali ham "haydovchilarni tayyorlash sifati" kabi yo'l harakati xavfsizligi uchun muhim tushunchalarni shakllantirishning aniq ma'nosi va mexanizmi to'g'risida tushuncha, tegishli maqsadlar va yetarli sifatga erishish uchun axborot texnologiyalar, shuningdek ulardan to'g'ri foydalanadiga mutaxassislar kam yoki mavjud emas. Agar o'qitish sifatining ko'rsatkichlari aniqlashtirib olinmagan bo'lsa, unda bu ko'rsatkichlarni tekshirish mumkin emas.

Haydovchilar aybi bilan sodir bo'ladigan yo'l transport hodisalarning foiz ko'rsatkichi yil sayin oshib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri haydovchilarni tayyorlash va malakasini oshirish tizimining noto'g'ri tashkil qilingan tizimining ko'p yillar davomida mavjudligi bilan tavsiflanadi.

Shunday qilib, yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash muammolaridan biri bo'lgan mahoratli haydovchilarni tayyorlash va qayta tayyorlash dasturlarini puxta o'rganish va isloh qilishda bo'lib, bu haydovchilarni tayyorlash bo'yicha o'quv jarayonining o'zgartirishga ta'sir qilib zarur bilim, ko'nikma va qobiliyatlarni anglay olishga zamin yaratadi. [3]

Qabul qilingan bilimlarning sifatli o'zlashtirish tahlili va inson tomonidan o'zining hizmat amaliyotida qo'llanilishi natijasida aniqlanadi. Sifat tushunchasi bilim turlari (qonuniyatlar, nazariyalar, amaliy, uslubiy, baholovchi bilimlar) ning ta'lim mazmuni elementlari va o'zlashtirish darajalari bilan o'zaro bog'liqligini ta'minlaydi. Bunday o'zaro bog'liqlik zarur, chunki har bir bilim uzviy ravishda qo'llash usuli bilan bog'liq bo'lib, ijodiy jarayonga kiritilishi va u yoki bu ma'noga ega bo'lishi mumkin.

Avtotransport vositalarini mustaqil boshqarish bo'yicha tajribaga ega bo'lmagan tinglovchi o'zning tayyorgarligiga xolisona baho bera olmaydi. Unnig bilimga ega bo'lgani yoki bo'la olmaganini tushunish uchun, u bir necha oy mustaqil transport vositasini boshqarganidan keyingina aniqlashi mumkin. Avtomaktabni tugatgandan so'ng, bitiruvchi maktab bilan aloqani yo'qotadi va uzviy aloqa yo'qligi sababli uning bilim darajasi va mahoratini takomillashtirish yo'nalishiga o'zgartirishning imkoniyati yo'q bo'lib qoladi.

Hozirda haydovchining kasbiy tanlov asosda ishga qabul qilishning tartibi to'g'risidagi davlat me'yoriy hujjati mavjud emas, chunki kasbiy tanlov jarayonini o'tkazish ish beruvchiga moliyaviy xarajatlarni keltirib chiqaradi. Bundan tashqari, kasbiy tanlov davlat tomonidan tartibga solinmaydi va ushbu faoliyat amalga oshirilmaydi. Shu sababli, haydovchilik maktabi va ish beruvchi o'rtasida hech qanday izchil aloqa mavjud emas.

Bitiruvchilarning tayyorgarligining pastligi uchun faqat avtomaktablarni ayblash umuman to'g'ri bo'lmaydi, chunki davlat yo'l harakati xavfsizligi hodimlarining imtihonlarini topshirish

jarayonida ushbu sifatsiz tayyorgarlik aniqlanmaydi va ko'pchilik haydovchilarga baribir haydovchilik guvohnomalari beriladi. Buning natijasida kelajakda yo'l harakati xavfsizligi olingan ko'nikma va bilimlarni sifatsiz baholashdan xalos bo'ladi va hech qanday javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

Haydovchining kasbiy faoliyati samaradorligini belgilovchi asosiy omillarni ko'rib chiqamiz – bu istikning murakkab xususiyatidir:

1. Kasbiy yaroqlilik - anatomik va fiziologik xususiyatlar, haydovchining samarali ishlashiga imkon beradigan tanadagi nuqsonlarning yo'qligi, sog'lig'ining holati, yetarlicha chidamlilik;

2. Psixologik xususiyatlari - ko'rish, eshitish, xotira, diqqat, fikrlash, hissiy holati, iroda, hissiy-psixologik sifati;

3. Kasbiy tayyorgarligi:

a) transport vositasini boshqarish bo'yicha bilim, ko'nikma va qobiliyatlarning to'liqligi va rivojlanish darajasi, shuningdek, yo'l harakati qoidalarini tushunishi;

b) kasbiy tatbiya - haydovchining o'z ishiga, yuzaga keladigan qiyinchiliklar va xavf-hatarlarga, uning transport vositasini boshqarish qobiliyatiga, boshqa yo'l harakati qatnashchilariga faol va mas'uliyatli munosabatini belgilaydigan shaxs xususiyatlarini rivojlantirish.

Odamlarning psixofiziologik imkoniyatlari individual psixologik xususiyatlariga ko'ra farq qiladi, shuning uchun mashinani boshqarishda ularning potentsial imkoniyatlari ayniqsa namoyon bo'ladi.

Yo'l transport hodisalar sabablarini tahlil qilinyotganda, haydovchining harakatlarini yo'l harakati qoidalariga rioya qilish yoki qilmaslik nuqtai nazaridan baholash va javobgarlik choralari belgilash uchun uning psixofiziologik xususiyatlarini bilish kerak, bu esa o'z o'rnida avtomobilni boshqarish mahoratining ajralmas qismi hisoblanadi. Ehtimol, keyingi shunga o'xshash vaziyatda haydovchi o'zining o'ziga hos imkoniyatlarini hisobga olgan holda va xuddi shu sababga ko'ra xatoga yo'l qo'yishi mumkin.

Haydovchi o'z qarorlari uchun javobgardir - u harakat tezligini va harakatlanish tartibini anglagan holatiga qarab harakatlanish rejimini tanlaydi. Shuni ta'kidlash kerakki, har bir kishi reaksiya vaqtiga ta'sir qiladigan shaxsiy fazilatlar (birida qat'iyatsizlik, ikkinchisida sarguzash izlovchi, uchinchisida surunkali kasalliklar va boshqalar) tufayli to'g'ri qaror qabul qilishga tayyor emas. Afsuski, ushbu fazilatlar imtihon topshirishda jarayonga ta'sir qilmaydi va haydovchilik guvohnomasini olishga halaqit bermaydi. Ammo har bir haydovchi bunday haydovchilik guvohnomasini olganidan keyin transport vositasini boshqarishning dastlabki 2-3 yilda ko'plab baxtsiz hodisalarga uchraydi.

Yo'l-transport hodisalarini tahlil qilish va yo'l harakati xavfsizligi muammolarini hal qilish haydovchining individual xususiyatlarining uning faoliyatiga ta'siri masalalarini ishlab chiqishni o'z ichiga olishi kerak degan xulosaga kelishimiz mumkin. Buning uchun paydo bo'layotgan avtomobil harakati sharoitida insonning transport vositasini boshqarishiga psixofiziologik mosligi masalasi muammolidir.

Bugungi kunda mavjud bo'lgan psixoteknik tanlov usullari eskirgan va hozirgi paytda zamonaviy talablarga javob bermaydi. Shuning uchun haydovchi faoliyatining psixofiziologik tomonini o'rganish xavfsiz harakatni tashkil etish uchun chora-tadbirlar zanjirining zaif bo'g'ini hisoblanadi.

Kasbiy tanlov, shuningdek haydovchilarning nomzodlarini tanlash nafaqat sog'liq tomonidan, balki uning psixofiziologik fazilatlarini tekshirishni hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak. Haydovchining transport vositasini boshqarishga yaroqsizligi haqidagi xulosalar, kasbiy tanlov usullarini o'rganish bo'yicha ish olib borgan mahalliy psixologlarning fikriga ko'ra. Olingan ma'lumotlarning mavjud me'yorlardan sezilarli og'ishlari aniqlangandagina asoslanishi mumkin.

Shuning uchun haydovchilikka nomzodlarni tekshirishda kasbiy tanlov haydovchi kasbiga emas, balki kelajakdagi haydovchilarning o'ziga hos psixologik fazilatlariga qarab turli xil maqsadlarda transport vositalari bilan ishlashga tanlov tamoyillariga asoslanishi kerak. Xavfsiz

transport vositasini boshqarish psixologiyasiga alohida e'tibor berilishi kerak. Shuning uchun haydovchining shaxsiy fazilatlarini transport vositasini boshqarish ko'nikmalarini shakllantirishga ta'sir qiladi.

Haydovchilar ishonchliligini oshirish haydovchilarni tayyorlash dasturlarini isloh qilish yo'li bilan hal qilinishi kerak.

Yo'lda xavfsiz harakatlanishi uchun hech bo'lmaganda nomzod kamida 3 yillik haydovchilik mahoratiga ega bo'lishi kerak bo'lgan asosiy vakolatlar to'plamini yaratish kerak. Haydovchilarning kasbiy standartlarda belgilangan vakolatiga asoslanib, ularni baholash mezonlari ham ishlab chiqilishi kerak. Va shundan keyingina haydovchilarni tayyorlash sifati nazorati haqida so'z yuritish mumkin bo'ladi.

Ushbu vakolatlar har bir transport vositasi toifasi uchun haydovchilarning mahorat darajasini belgilaydi.

Bugungi kunga qadar haydovchilarni tayyorlash bo'yicha vazirlar mahkamasi tomonidan 7 ta toifadagi transport vositalari uchun "avtomobil haydovchisi" kasbi bo'yicha professional standartlarning loyihalari tasdiqlangan: 4ta "eski" mavjud - "A", "B", "C", " D " va "E" toifasi (transport vositalarining tarkibi) o'rniga "BE", "CE" va "DE" toifalari, hisoblanadi. Afsuski, ma'lum bir kamchiliklar mavjudki, ko'pgina bunday talablarning huquqiy maqomi hali ham aniq belgilanmagan.

Masalan, haydovchining funktsional vazifalarini, yuqori sifatli bajarilishi uchun zarur bo'lgan talablarni hisobga olgan holda, majburiyatlar ro'yxatini ko'rib chiqiladi.

1. Kasbiy maxorat:

- transport vositasini xavfsiz boshqarishni ta'minlash qobiliyati (haydash texnikasini egallashi, yo'l harakati holatlarini kuzatish, tahlil qilish va prognoz qilish, boshqa yo'l harakati qatnashchilari bilan o'zaro aloqada bo'lish qobiliyati);

- xavfsizlik choralarini nazarda tutgan holda yo'lovchilar va yuklarni tashishni amalga oshirish qobiliyati (haydovchining turli xil haydash sharoitlarida ruxsat etilgan va xavfsiz tezlik chegaralariga rioya etilishini ta'minlash qobiliyati);

- yo'lovchilarga yuqori sifatli transport xizmatlarini ko'rsatish qobiliyati (xushmuomalalik, bag'rikenglik, harakati cheklangan yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish qobiliyati va boshqalar).

2. Shaxsiy hususiyatlari:

- sog'liq holatiga qo'yiladigan kasbiy talablar;

- kasbiy yosh talablari.

- haydovchining psixofiziologik muhim fazilatlarining yo'l harakati xavfsizligi talablariga muvofiqi:

a) haydovchining reaksiya vaqti;

b) harakatni va harakat tezligini baholash vaqti ;

v) vaziyatni oldindan ko'ra bilish qobiliyati;

g) reaksiya vaqti va alohida ehtiyotkorligi;

d) haddan tashqari e'tibor va o'ta ehtiyotkorlik.

3. Maxsus xususiyatlar:

- transport vositasining xavfsizligi va foydalanishga tayyorligini tekshirish qobiliyati;

- yengil avtomobilni boshqarish va yuklarni tashishni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan turli xil hujjatlarni rasmiylashtirish va talablarini ta'minlash qobiliyati;

- yo'l-transport hodisalarida xavfsizlik choralarini ko'rish va ta'minlashga, shu jumladan jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatishga tayyor bo'lish.

Yuqoridagi shaxsiy xususiyatlarning mavjudligi haydovchilarni tayyorlash dasturlarini rivojlantirilmayotganidan dalolat beradi. Masalan, ancha yil oldin "Xavfsiz harakatlanish asoslari" fanidan haydovchilarni tayyorlash dasturlarida "Xavfsiz harakatlanishning psixologik asoslari" bo'limi joriy qilingan. Biroq, ushbu bo'lim mavzusini o'rganish ustidan nazorat olib borilmaydi, chunki nimani va qanday tekshirishni tushuntiradigan uslubiy ishlanmalar mavjud emas. [4]

Yo'l-transport hodisalarini sodir bo'lishining asosiy omillari va mezonlarini ham hisobga oladigan tematik rejani ishlab chiqish, "Avtotransport vositalarini xavfsiz boshqarish asoslari"

fanini o'rganishda katta yordam beradi. Bunday jarayon ichki nazorat tizimining sifatini oshiradi va umuman olganda O'zbekiston Respublikasi hududlarida sodir bo'ladigan yo'l-transport hodisalarini umumiy foizining pasayishiga ta'sir qilishi mumkin. Shuningdek, to'plangan nazariy va amaliy ko'nikmalar yosh haydovchilarga vaziyatni baholash va tahlil qilishning shaxsiy fazilatlarini samarali ravishda rivojlantirishga imkon beradi va shuning uchun ularni turli xil yo'l-transport hodisalarida, shu jumladan favqulodda holatlarda ishlatadi. Shu o'rinda taklif qilinadigan amaliyot soatlariga va nazariyot o'rtasidagi mutanosib munosabatlarni o'zgartirish allaqachon mavjud ish dasturiga qaraganda ancha samarali bo'ladi.

Bundan tashqari, olimlar va mutaxassislar fikriga ko'ra, avtomaktablari o'quvchilari uchun muammoli yoki individual test tizimini joriy etish zarur. Tinglovchilarning psixofiziologik tekshiruvlarini o'tkazishda haydovchilikka nomzodlarni tayyorlash uchun individual qobiliyat va moslik aniqlanishi maqsadga muvofiqdir. Agar haydovchilar nomzodi kasbiy jihatdan muhim psixofiziologik fazilatlarini rivojlantirish darajasi yetarli emas bo'lsa, unda aniqlangan zaif psixofiziologik muhim fazilatlarini hisobga olgan holda ixtisoslashtirilgan kompyuter simulyatorida boshqarish ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha o'quv kursidan o'tish taklif etiladi.

Haydovchining kasbiy mahoratini baholashning asosiy mezonini uning qiyin yo'l sharoitida to'g'ri harakat qilish qobiliyatidir. Buning uchun dars mashg'ulotlariga muammoli vaziyatlarda avtomashinani boshqarishda avtomatik ko'nikmalarni shakllantirish va mustahkamlash bo'yicha darslarni kiritish kerak.

Favqulodda vaziyatlarga tushish sabablarini tahlil qilish quyidagi qonuniyatni aniqlaydi. Birinchidan, mashg'ulotlarda to'g'ri qaror qabul qilish va xavfli vaziyatlarda xavfsiz chiqish uchun yetarli emasligini asosiy sabablaridan biri. Ikkinchidan, yetarli tayyorgarlik normal ish sharoitida yoki "o'ta og'ir vaziyatlarda" o'zini namoyon qiladi.

Jadval-3

Mashg'ulot mavzusining nomi	Soatlar miqdori		
	umumiy	nazariy	amaliy
Yo'l sharoiti va harakatlanish maqsadidan kelib chiqqan holda harakatlanishni rejalashtirish	1	1	
Transport vositasini boshqarish vaqtida kuzatishni tashkil etish, olinadigan ma'lumotni baholash	2	1	1
To'xtash va tormoz yo'lini baholash. Turli harakatlanish sharoitlarida transport vositasining atrofida xavfsiz oraliq hududlarni tashkil etish.	2	1	1
Transport vositasini boshqarish texnikasi. To'satdan tormozlash texnikasi.	3	1	2
Transport vositasini boshqarishda haydovchining xatti harakatlari.	2	1	1
Ko'zda tutilmagan xolatlarda haydovchining xatti harakatlari	2		2
Umumiy	12	5	7

Jadval-3da "Avtomobil simulyatorlarida transport vositalarni boshqarishni o'rgatish" haydovchilar va yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mashg'ulotlar sifatini oshirish, favqulodda vaziyatlarda aniq ko'nikmalarni egallash bo'yicha mashqlar, o'quvchilarning harakatlarini nazorat qilish bo'yicha tavsiya etilgan amaliy dasturni taqdim etadi, bu esa o'z o'rnida mashqlar davomida bilim sifatini baholashga imkon beradi.

Har bir bajarilgan mashq uchun natijalar jurnalda qayd etiladi. Amaliy mashqlar oxirida jurnalda nafaqat yakuniy baho, agar mashq bir necha marta takrorlangan bo'lsa, baholash ko'rsatkichlari statistikasi ham qayd etiladi. Har bir keyingi mashq oldingi mashqda mavjud bo'lgan ko'rsatkichlarni hisobga olgan holda baholanadi.

Tavsiya etilgan usul guruh rahbariga tavsiyalarni shakllantirishga va quyidagilarga e'tiboringizni qaratishga imkon beradi: mavzuni qayta o'rganishga ehtiyoj borligini, biroz boshqacha ko'rsatkichlarga ega mashqlarni o'tkazish talabi bor yo'qligini, yangi mavzuga o'tish mumkinligini. Boshqarish vositalari bilan ishlashning rivojlangan qobiliyatlari transport vositasini to'g'ridan-to'g'ri boshqarish qobiliyatlari bilan birlashtirilishi kerak.

Bundan tashqari, transport vositasini boshqarish qobiliyatlarini shakllantirish va takomillashtirish har bir insonning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak, ya'ni uning shaxsiy fazilatlarini, o'rganishga bo'lgan munosabati, fikrlashining o'ziga xos xususiyatlari va xotirasi tinglovchining faoliyati ko'nikmalarini shakllantirishda katta ahamiyatga ega. 3-Jadvalda aks ettirilgan taklif qilingan o'zgarishlar asosida biz shuni aytishimiz mumkin, noanaviy sharoitlarda yangi haydovchining umumiy psixofiziologik holati mashg'ulotlar natijalariga ko'ra normal bo'ladi.

Faqatgina yo'l transport sharoitlarning paydo bo'lishi va tahliliga amaliy yondoshishga asoslanib, haydovchi allaqachon shakllangan shaxs bo'lib qoladi, bu esa, o'z navbatida, ikkita muhim natijaga erishishga imkon beradi: yo'l-transport hodisalar natijasida shikastlanishlarni kamaytirish va umumiy vaziyatni yaxshilash va yo'l-transport hodisalarning paydo bo'lishini minimallashtirish bilan bog'liq avtotransport vositalarini boshqarish jarayonining boshqaruvchisi sifatida haydovchining inson omili inobatga olinadi.

Adabiyotlar

- [1]. Azizov Q.H. Osnovi bezopasnosti dvijeniya smeshannix avtomobilno-traktornix potokov. – T.: «Fan», 2008. – 185 s.
- [2]. Babkov V.F. Dorojniye usloviya I bezopasnost dvijeniya: uchebnik dlya vuzov. – M.: Transport, 1993 g–271 s.
- [3]. Silyanov V.V. Transportno-ekspluatatsionniye kachestva avtomobilnix dorog I gorodskix ulits: uchebnik dlya stud.vish.ucheb.zavedeniy. –M.: Akademiya, 2007. – 352 s.
- [4]. Azizov Q.X. Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari. –T.: «Yozuvchi», 2002. 182-s.

УДК 677.025

ЖАКАРД ТРИКОТАЖ МАШИНАЛАРИДА ОЛИНГАН ЯНГИ ТУЗИЛИШДАГИ НАҚШЛИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАДҚИҚОТИ

И.Н. Обидова, Ш.Ш. Шоғофуров, С.У. Рахматова, Қ.М. Холиқов

Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 17.03.2021 й.)

In this paper, a 28-class Hanma (Zhenfu knitting machinery) jacquard knitting machine with two circular needles with high technological capabilities has been developed in 4 variants of knitted knitwear with high shape retention feature. Graphic records and structure of the obtained knitted samples were developed, technological parameters were determined experimentally and given in the table.

Keywords: trikotaj, obruch, obruch, pryaja, jacquard, shag obrucha, visota obrucha, poverxnostnaya plotnost, uzor, plotnost, dlina lenty obrucha, polyester

В этой статье была разработана жаккардовая вязальная машина Ханма (вязальное оборудование Zhenfu) с двумя круговыми спицами с высокими технологическими возможностями в 4 вариантах трикотажного полотна с высокой способностью удерживать форму. Разработаны графические записи и структура полученных трикотажных образцов, технологические параметры определены экспериментально и приведены в таблице.

Ключевые слова: трикота́ж, петля, пряжа, жаккард, петельный шаг, высота петля, поверхностная плотность, объёмной плотность, формаустойчивость, длина петля, полиэстер, ресунки

Ушбу мақолада, юқори технологик имкониятларга эга икки айлана игнадонли 28- классли **Hanma (Zhenfu knitting machinery)** русумидаги жаккард трикота́ж машинасида шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган нақшли трикота́ж тўқималарининг 4 та вариантда ишлаб чиқилди. Олинган трикота́ж намуналарнинг график ёзувлари ва тузилиши ишлаб чиқилди, технологик кўрсаткичлари экспериментал йўл билан аниқланди ва жаadwalда келтирилди.

Таянч сўзлар: трикота́ж, халқа, халқа, ип, жаккард, халқа қадами, халқа баландлиги, юза зичлик, нақш, зичлик, халқа ипи узунлиги, полиэстер.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада трикота́ж ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан трикота́ж ишлаб чиқариш корхоналарида ўрнатилган трикота́ж тўқув машиналарининг технологик имкониятларини такомиллаштириш, сифат кўрсаткичлари юқори ва хомашё сарфи кам бўлган трикота́ж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикота́ж маҳсулотларининг таннархи камайтирилмоқда. Бу йўналишда трикота́ж корхоналарининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш талаб этилмоқда. Трикота́ж корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сидирға трикота́ж тўқималарини нақш самарасига эга бўлган тўқималарга алмаштириш, тўқима тузилишини ўзгартириб, хомашёдан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминловчи технологияларни яратиш ва такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Трикота́ж матолари ассортиментини кенгайтириш ва **Hanma (Zhenfu knitting machinery)** русумидаги икки айлана игнадонли 28-класс жаккард трикота́ж машинасининг технологик имкониятларидан максимал фойдаланиш мақсадида ластик тўқимаси асосида нақшли трикота́ж тўқималарининг 4 та вариантдаги тузилиши ва тўқиш усули ишлаб чиқилди. Хомашё сифатида 10 текс чизикли зичликка эга бўлган полиэстер ипидан, асос тўқима сифатида эса ластик 1+1 тўқимасидан фойдаланилди (1-вариант). Таклиф этилаётган трикота́ж вариантларининг графикли ёзуви 1а)-расмда келтирилган.

Синтетик иплари ўзидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган кийимларнинг гигиеник хусусияти паст бўлади, аммо табиий хом ашёларга бир қанча фойизда синтетик ипини кўшиб фойдаланилса, маҳсулотнинг харидорлик хусусиятлари анча яхшиланади.


Полиэстер (полиэфир) иплари полиэтилен-терефталат эритмасидан шакллантирилади. Полиэстер иплари эритувчи моддалар, микроорганизмлар, парвоналар, моғор, гилам кўнғизларнинг таъсирига чидамли бўлади. Полиэстер иплардан тайёрланган кийимлар кийилиш жараёнида узоқ муддат хизмат қила олади, гижим бўлмайди, осон ювилади ва дазмол урилади, жуда тез қурийд. Булар ҳаммаси полиэстернинг гигроскопик хусусияти пастлигидан келиб чиқади. Полиэстер иплари ҳаво ва офтоб таъсирига ҳам чидамли бўлади.

Одатда полиэстер ипларидан йигирилган пахта ёки жун иплари билан бирга фойдаланилади. Полиэстер иплар яка ўзини сунъий мўйна ва гиламлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Полиэстер ипнинг камчиликларига унинг қийин бўялиши, электрланиши, пиллинг бўлиши ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг қаттиқлиги кабилари киради.

Икки айлана игнадонли жаккард трикота́ж машиналарда ишлаб чиқариладиган нақшли трикота́ж тўқималар учун «мувозанатлаштирилган ва мувозанатлаштирилмаган» халқа тузилиши тавсифи қўлланилади. Шунинг учун трикота́ж тузилиши ҳолати, битта игнада ҳосил бўлган халқалар сони бўйича баҳоланади, масалан, цилиндр ёки диск игнасида, тўқима раппортида. Агар халқалар сони трикота́жнинг ўнг ва тескари томонлари бўйича тенг

бўлса, тузилиш мувозанатлаштирилган, агар турлича бўлса, у ҳолда трикотаж тўқимаси мувозанатлаштирилмаган тузилишга эга бўлади.



1а)-расм. Ластик 1+1 трикотаж тўқимасининг тузилиши ва график ёзуви.

Кўришиб турганидек, мувозанатлаштирилмаган трикотаж тузилишида цилиндр игналарида иккита, диск игналарида эса битта ҳалқа ҳосил бўлган. Мувозанатлаштирилган трикотаж тузилишида цилиндр ва диск игналарида иккитадан ҳалқа ҳосил қилинган.

Нақшли трикотаж тўқималарининг асос тўқима (I-вариант) сифатида ластик тўқимаси олинди. Ластик тўқимаси олиншига сабаб икки қаватли бош тўқима ва олинган трикотаж намуналарининг асоси ҳам ластик ҳисобанади.




1 б) - расм. Нақшли трикотаж тўқимасининг тузилиши ва график ёзуви.

Нақшли трикотаж тўқимасининг II-вариантини олишда иккита ҳалқа ҳосил қилувчи тизим иштирок этади. Ҳалқа ҳосил қилиш тизимларини келтирилган кетма-кетликда ишлаши натижасида трикотаж тўқимасининг бир томонида ёки иккала томонида горизонтал валиклар ҳосил бўлади. Глад қаторларини тўқиш учун ҳалқа ҳосил қилувчи тизимда қўтарувчи клинларнинг конструкцияси шундай шаклда бўлиши керакки, бунда клин цилиндр ва дискдаги барча игналар ишлашини таъминланади, демак ҳар бир тизимда цилиндр ва дискда икки поғонали клин бўлиши керак. Олинган трикотаж ромбсимон нақш ҳосил қилинди (1б)-расм).

Нақшли трикотаж тўқималарининг иккинчи варианты игналарни ластикли жойлаштириш ҳисобига олинади

(2 а) - расм). Трикотаж ҳалқаларининг кетма-кетлигини қаторлар алмашганда битта игнага суриш ҳисобига олинди. Олинган трикотаж қайтма диагонал нақшини ҳосил қилди.

Биринчи тизимда цилиндрнинг тоқ сонли игналари ва дискнинг жуфт сонли игналари битта ластик қаторини тўқийди. Иккинчи тизимда диск игналари, учинчи тизимда эса цилиндр игналари навбатма-навбат ўзаро алмашилиб, глад қаторларини шакллантиради. Трикотажнинг учинчи варианты игналарни ластикли жойлаштирган ҳолда олинади, тўқима раппортини шакллантиришда иккита ҳалқа ҳосил қилувчи тизим иштирок этади.



2 а)-расм. Қайтма диогонал нақшли трикотаж тўқимасининг тузилиши ва график ёзуви.

Нақшли трикотаж тўқимасининг тўртинчи варианты худди шундай игналарни ластикли жойлаштириш орқали олинади, тўқима раппорти тўртта ҳалқа ҳосил қилувчи тизимда шаклланади (2 б) -расм).

Биринчи ва иккинчи тизимда цилиндр ва диск игналари навбатма-навбат битта игна оралатиб ишлайди ва ластикли тўқима ҳосил қилади. Учинчи тизимда цилиндр игналари, тўртинчи тизимда диск игналари навбатма-навбат глад қаторларини тўқийди. Трикотажнинг эни бўйича чўзилувчанлиги камаяди, шакл сақлаш хусусияти ошади.



2 б) - расм. Мураккаб нақшли трикотаж тўқимасининг тузилиши ва график ёзуви.

Аралаш трикотаж тўқималари, қоидага биноан, асос тўқимага (ластик) нисбатан юқори ҳажм зичликка эга. Шу боис, бу тўқималардан кенг қўламда фойдаланишда бу камчилик кўпинча тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам, аралаш трикотаж тўқималарининг бошқа афзалликларини инобатга олган ҳолда, ҳажм зичликни камайтириш усулларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, цилиндрга нисбатан дискнинг жойлашиш ҳолати ҳам трикотаж тўқимаси ўлчамларининг барқарорлигига таъсир этади. Цилиндр устидаги диск нисбатан юқорирок ўрнатилса, трикотаж анчагина ғовак ва барқарорлиги кам бўлган тузилишга эга бўлади. Цилиндр устидаги диск унга нисбатан пастроқ ўрнатилганда, диск игналари игнали цилиндрнинг юқориги кесимига деярли тегиб турса, ип сарфи ўзгармаган ҳолда, ғоваклиги кам бўлган ва барқарор тузилишга эга бўлган трикотаж олишни таъминлайди.

Дискнинг баландлиги бўйича ҳолатини ўзгартирмаган ҳолда, қаторлар бўйича ип сарфи эгувчи клинлар ёрдамида ростланиши мумкин.

Нақшли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқаришда машинанинг иш унумдорлиги, қоидага биноан, асосий тўқималарни (кўндалангига тўқилган глад, ластик, икки ластик) ишлаб чиқариш унумдорлигидан кам бўлади. Бунга сабаб, кўпгина ҳолатларда нақшли трикотаж тўқималарининг элементар қаторларини ҳосил қилиш жараёнида игналарнинг бир қисми ишда иштирок этмайди, демак янги ҳалқани шакллантирмайди.

Ластик тўқимаси асосида олинган нақшли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари экспериментал усулларда аниқланди, ўлчов натижалари эса 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Вариантлар	Хом ашё таркиби ва чизиқлий зичлиги	Ҳалқа қадами, А, (мм)	Ҳалқа қатори баландлиги, В, (мм)	Горизонтал бўйича зичлик, P _г	Вертикал бўйича зичлик, P _в	Ҳалқа ипи узунлиги, L, мм	Трикотажнинг юза зичлиги, M _s г/м ²
I	Полиэстер 10 текс	0,53	0,91	94	54	5,2	130,6
II		0,6	0,96	82	52	4	114,2
III		0,59	1,02	85	49	4,4	111
IV		0,63	1,06	80	47	3,63	116,7

Олинган натижаларни таҳлил қилинадиган бўлса, трикотаж тўқимасининг биринчи технологик кўрсаткичларидан ҳалқа қадами асос тўқима – ластик тўқимасига нисбатан ҳамма вариантлар 10-16 % оралиғида кўпайган. Ҳалқа қатори баландлиги асос тўқимага нисбатан вариантлар бўйича 5-14% оралиғида ортгани кўринади (3 а)-расм).



3 а) -расм. Ҳалқа қадами ва ҳалқа қатори баландлиги ўзгариши диаграммаси.




3 б) - расм. Тўқиманинг ҳалқа ипи узунлиги ўзгариши диаграммаси.

Ҳалқадаги ип узунлиги қанчалик кичик бўлса, трикотаж ўлчамлари стабиллиги шунчалик катта, киришувчанлиги эса шунчалик кам бўлади. Шунинг учун ҳалқа ўлчами кичик бўлган тўқима олиш имкони мавжуд бўлган юқори класс машиналарида тўқилган нақшли трикотаж тўқималарининг шакл сақлаш хусусияти юқори бўлади. Аралаш трикотаж тўқималарида ўлчамларнинг барқарорлиги трикотажнинг ҳалқалар қаторига сарфланадиган иплар миқдорига боғлиқ. Хар бир элементар қаторнинг маълум ҳалқа устунчалари сонига сарфланадиган ип қанчалик аниқ ўлчанган бўлса, трикотаж тўқима стабиллиги шунчалик


юқори бўлади. Ип сарфини бир хил ўлчовда берадиган ип узатиш мосламалари, қаторлар бўйича сарфланадиган ип микдорини бир хилда ушлаб туриш имкониятини беради.

Тўқимадаги ҳалқа ипи узунлигининг кўрсаткичлари эса қуйидагича: асос тўқимага нисбатан қолган вариантлар қисқарганлигини кўришимиз мумкин. Ҳалқа ипи узунлиги асос тўқимага нисбатан 20-43 % гача камайганини кўришимиз мумкин (3 б) - расм).

Жадвал бўйича навбатдаги кўрсаткич горизонтал бўйича зичлик P_H , вертикал бўйича зичлик P_V . Асос тўқимада горизонтал бўйича зичлик P_H 94 та ҳалқадан иборат, вертикал бўйича зичлик P_V 54 та ҳалқадан иборат. Қолган вариантларда горизонтал бўйича зичлик P_H 80-85 та ҳалқадан иборат бўлиб, асос тўқимага нисбатан 11-18 % га камайгани кўринади. Вариантларда вертикал бўйича зичлик P_V 47-52 тагача ҳалқадан иборат ва у асос тўқимага нисбатан 24-30% га камайган (4 а) -расм).



4 а) -расм. Горизонтал ва вертикал бўйича зичликлар ўзгариши диаграммаси.



4 б) -расм. Тўқиманинг юза зичлиги ўзгариши диаграммаси.

Ҳомашё сарфига юза зичлиги бевосита, ҳажм зичлиги эса тўқима қалинлиги орқали боғлиқ бўлгани учун шу кўрсаткич орқали баҳо бериш тўғри бўлади (4-расм). Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, юза зичлиги 130,6 г/м² дан 111 гр/м² гача камайган, 17 % ни ташкил қилади (4 б) -расм). Шунинг учун юза зичлигининг камайиши ҳомашё сарфини камайганини кўрсатади. Яратилган янги ластик асосидаги нақшли аралаш тўқималарни ҳомашё сарфи камайтирилган ресурстежамкор тўқималар туркумига киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, яратилган янги трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари тадқиқ қилинди ва улар устки трикотаж маҳсулотлари учун тавсия қилинади.

Адабиётлар

- [1] Shogofurov, Sh.Sh; Kamalova, I.I; Xoliqov, Q.M; Meliboev, U.X. (2020) Structure And Methods For Producing Refined Two-Layer Knitted Sheets. Solid State Technology. Vol. 63 No. 6 (2020). Pages 11798-11807. <http://www.solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/6183>
- [2] Juraboev, A.T; Kholiqov, Q.M; Shog'ofurov, Sh. Sh (2020) The study of the technological parameters of double layer knitwear with various methods of connecting layers. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Year:2020, V10.Issue 4. Pages 397-404. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=4&article=058>
- [3] Kholikov, K.M; Zhuraboev, A.T; Shogofurov, Sh.Sh; Abduvaliev, D.M. (2020) Comprehensive assessment of the two-layer knitwear quality. The Way of Science. 2020. № 1 (71). http://scienceway.ru/f/the_way_of_science_no_1_71_january.pdf#page=24
- [4]. F.Kh. Sadykova, D.M. Sadykova, N.I. Kudryashova. Textile materials science and the basics of textiles production. M.: Legprombytizdat, 219-225p. (1989).
- [5]. A.I.Koblyakov, G.N. Kukin, A.N. Soloviev. Laboratory workshop on textile materials science. 2nd ed. M.: Legprombytizdat, 232-245c. (1986).
- [6]. B.F. Mirusmanov. Development of technology for producing cotton silk linen jersey: Diss. Cand. tech. sciences. - T.: TITLP, 140c. (2004).
- [7]. K. M. Kholikov, M. M. Mukimov. Cotton-silk knitted fabric Analysis of physical and mechanical parameters- Bulletin of the Scientific and Technical Institute of the Namangan Institute of Engineering Technologies. (Volume 4, special issue # 1 2019) Pages 41-46 [nammti](#)
- [8]. Izatillayev, M.M; Korabayev, Sh.A (2020) “[Experimental studies of shirt tissue structure](#)”, The American Journal of Applied sciences: Vol. 2 : Iss. 11 <https://usajournalshub.com/index.php/tajas/article/view/1353>

УДК 502/504 : 691.87 : 693.554-486

ШИША КОМПОЗИТ АРМАТУРАЛИ ЭГИЛУВЧИ БЕТОН ТЎСИНЛАРНИНГ САЛҚИЛИКЛАРИ

Х.А. Акромов¹, Й.М. Махкамов², Ш.А. Умаров²

¹Тошкент архитектура-қурилиш институти, ²Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 17.03.2021 й.)

This article describes the results of experimental studies of bent concrete beams equipped with composite glass fiber reinforcement instead of the traditional steel reinforcement used in construction, which gives information about deflections that occur in beams under load.

Keywords: composite reinforcement, concrete, load, bending moment, transverse force, deflection, deformation..

В данной статье описаны результаты экспериментальных исследований изгибаемых бетонных балок, оснащенных композитной арматурой из стекловолокна взамен традиционной стальной арматуры, используемой в строительстве, что дает информацию о прогибах, возникающих в балках под нагрузкой.

Ключевые слова: композитная арматура, бетон, нагрузка, изгибающий момент, поперечная сила, прогиб, деформация.

Ушбу мақолада қурилишда ишлатиладиган анъанавий пўлат арматураларнинг ўрнига шишапластик композит арматуралар билан жиҳозланган эгилувчи бетон тўсинлар устида олиб борилган экспериментал тадқиқот натижалари баён этилган бўлиб, унда тўсинларда юк таъсири остида ҳосил бўладиган салқиликларининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Композит арматура, бетон, юк, эгилувчи момент, кўндаланг куч, салқилик, деформация.

Қириш. Композит арматураларни яратилиши амалий жиҳатдан кимё саноатининг тезкор ривожланишининг самараси ҳисобланади. Бир қатор мамлакатларда (Россия, Германия, Япония, АҚШ, Нидерландия ва бошқалар) XX асрнинг 60 йилларида композит полимер арматураларни барпо этилиши бўйича илмий тадқиқот ишлари бошланганлиги қайд этилган.

Композит арматураларни яратилишида Россияда А.А. Гвоздев, К.В. Михайлов, Н.А. Мощанский, О.Я. Берг, Н.П. Фролов, Вильдавский Ю.М, Асланова Л.Г. ларнинг илмий ишларида муваффақиятларга эришилган. [9]

Муаллифлар томонидан шишатолали арматураларни пультрузия усулида тайёрлашнинг технологияси ишлаб чиқилган, композит арматураларни ишлаб чиқариш учун турли хил полимерлар тадқиқ этилган, шиша толаларига емирувчан муҳитнинг таъсирлари ўрганилган.

Композит арматураларни ишлаб чиқарилиши сифатли ҳом ашёларнинг етарли эмаслиги ва уларни топиб келтиришнинг қийинлиги сабабли узоқ муддатга тўхтаб қолган, бироқ охириги 10-15 йил ичида ҳолат ижобий томонга ўзгарди. Топиб келтирилиши мумкин бўлган толаларнинг турлари вужудга келди. Қурилишларда композит арматурадан тайёрланадиган конструкциялар ва элементларга эҳтиёж вужудга келди. Ушбу эҳтиёжлар пўлат арматураларни емирилишдан сақлашда, кучли емирувчан муҳитларда фойдаланиладиган бетон конструкцияларини арматуралашда, диомагнит ва диэлектрик ҳоссаларга эга бўлган конструкцияларни бино ва иншоотларда қўллашда вужудга келди.

Ҳозирги кунда композит арматураларнинг қурилишда қўлланилиши ишлаб чиқариш, турар-жой, жамоат бинолари ва муҳандислик иншоотларининг доимий, вақтинчалик ҳамда зилзила зўриқишларини қабул қилиш бўйича умумий ишончлилигини, техник иқтисодий самарадорлигини оширади.

Ишлаб чиқариш, турар-жой, жамоат бинолари ва муҳандислик иншоотларида композит арматуралар билан арматураланган эгилувчи элементларни қўллаш янги назарияга асосланган, экспериментал тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланган илмий асосни талаб

этади.

Асосий қисм. Эксперименталь тадқиқотлар кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак шаклидаги, ўлчамлари 16x30 см бўлган портландцемент асосидаги В20-В30 синфли оғир бетондан тайёрланган синов моделлари-намуна тўсинлар устида ўтказилди. Тўсинларда ишчи арматура сифатида чўзилувчи соҳага 2Ø12 ёки 2Ø16ШКА, сиқилувчи соҳага 2Ø10ШКА, хомутлар сифатида Ø 4 ёки Ø8ШКА арматуралар 15 (10)см кадам билан қўйилди. Намуна тўсинлар махсус тайёрланган стендда эгилишга синалди. Иккита тўпланган куч гидравлик домкрат ёрдамида берилди. Бунда таянчдан кучгача бўлган масофа 40 ёки 70 смни, кучлар орасидаги соф эгилиш соҳасининг узунлиги эса 70 смни ташкил этди. Тўсинлар 0,05-0,1 Q_{ult} юклар билан босқичма-босқич ошириб бориш йўли билан бузилгунча синалди. Синов жараёнида тўсинларнинг барча асосий кўрсаткичлари ўлчов приборлари ёрдамида қайд этиб борилди.

Композит арматурали эгилювчи бетон тўсинларнинг салқилиги элемент таянчлари орасидаги масофага, юкнинг миқдорига, тўсиннинг арматураланишига ва бетоннинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади.

Натижалар ва муҳокамалар. Юкларнинг кичик қийматларида ($Q=0,2-0,3$) Q_{ult} намуна тўсинларнинг салқиликлари унча катта бўлмади ($f \leq 0,4\text{мм}$) ва улар деярли чизиқли равишда ортиб борди (1-4-расмлар). Босқич юкининг ортиб бориши билан график эгри чизиқли характерга эга бўла бошлайди ва $Q \geq 0,4Q_{ult}$ қийматларда салқиликнинг интенсив ортиши кузатилади.

$Q > 0,6Q_{ult}$ қийматларда салқиликлар кескин ортди ва уларнинг миқдори 2,4-3,2мм гача етиши қайд этилди. Бу ҳолат композит арматуранинг юқори деформацияланувчанлиги билан изоҳланади. [4]

Тўсинларда чегаравий ҳолатлар вужудга келишидан олдин улардаги салқиликлар $f = 3,2 - 4,0\text{мм}$ гача етиши кузатилди.

Намуна тўсинларининг тажрибаларда аниқланган ва назарий ҳисоблар бўйича топилган салқиликларини таққослаганда уларнинг қониқарли даражада мос тушиши аниқланди (1-4-расмларга қаралсин).

Намуна тўсинларинингэксплуатация юкларига (0,5-0,65 M_{ult}) мос келувчи салқиликлари қуйидаги қийматларни ташкил этди:


I серия тўсинлар учун : $f_{mid} = 2,8\text{мм}$, $\frac{f_{mid}}{l} = \frac{l}{750} < f_{ult} = \frac{l}{200}$

II серия тўсинлар учун : $f_{mid} = 2,4\text{мм}$, $\frac{f_{mid}}{l} = \frac{l}{875} < f_{ult} = \frac{l}{200}$


III серия тўсинлар учун : $f_{mid} = 3,0\text{мм}$, $\frac{f_{mid}}{l} = \frac{l}{700} < f_{ult} = \frac{l}{200}$

IV серия тўсинлар учун : $f_{mid} = 3,2\text{мм}$, $\frac{f_{mid}}{l} = \frac{l}{656} < f_{ult} = \frac{l}{200}$


Ҳисоблардан кўриниб турибдики, тўсинларнинг салқиликлари меъёрларда йўл қўйиладиган чегаравий қийматлардан ошмас экан.




1-расм. I-серия намуна тўсинларда салқиликларнинг ривожланиши:



2-расм. II-серия намуна тўсинларда салқиликларнинг ривожланиши:



3-расм. III-серия намуна тўсинларда салқиликларнинг ривожланиши:



4-расм. IV-серия намуна тўсинларда салқиликларнинг ривожланиши:

Композит арматурали эгилувчи бетон элементларда чегаравий ҳолатлар юзага келишидан аввал уларнинг мустаҳкамлиги билан биргаликда, бикрлиги ҳам таъминланган бўлиши талаб этилади. Шу сабабли, мустаҳкамликка ҳисоблардан ташқари, улар салқиликка ҳам ҳисобланиши шарт.

Намуна тўсинлардаги назарий (ҳисобий) салқиликларни аниқлаш қўйидагича бажарилади. [1]

Конструкциялар элементларини салқиликлар бўйича ҳисоблаш қўйидаги шартдан келиб чиққан ҳолда бажарилади:

$$f \leq f_{ult} \quad (1)$$

бу ерда f - элементнинг ташқи юк таъсиридан салқиланиши;

f_{ult} - элементда йўл қўйиладиган чегаравий салқилик.

Конструкцияларнинг салқиликлари курилиш механикасининг умумий қоидалари бўйича элемент узунлиги бўйича унинг кесимларидаги эгувчи, силжувчи ва ўк бўйича деформацион характеристикалари (эгрилик, бурчаклар, силжиш ва ш.к.лар)га боғлиқ ҳолда аниқланади.

Элемент узунлиги бўйича кўндаланг кесими доимий бўлган, ёриқларга эга бўлмаган эгилувчи элементлар учун салқиликлар кўндаланг кесимлар бикрлигидан фойдаланган ҳолда курилиш механикасининг умумий қоидалари бўйича аниқланади.

Эгилувчи элементларнинг тўлиқ эгрилиги қўйидаги формулалар бўйича аниқланади:

- чўзилган зонасида ёриқларга эга бўлмаган участкалар учун

$$\frac{1}{r} = \left(\frac{1}{r}\right)_1 + \left(\frac{1}{r}\right)_2 \quad (2)$$

- чўзилган зонасида ёриқларга эга бўлган участкалар учун

$$\frac{1}{r} = \left(\frac{1}{r}\right)_1 - \left(\frac{1}{r}\right)_2 + \left(\frac{1}{r}\right)_3 \quad (3)$$

бу ерда:

$\left(\frac{1}{r}\right)_1, \left(\frac{1}{r}\right)_2$ - мос равишда қисқа вақтли юкларнинг нодавомий ва доимий ҳамда

вақтинчалик узоқ вақтли юкларнинг давомий таъсир қилишидан ҳосил буладиган эгриликлар.

$\left(\frac{1}{r}\right)_1$ – деформациялар бўйича ҳисоблаш олиб бориладиган барча юкларнинг давом

этмайдиган таъсиридан ҳосил буладиган эгрилик;

$\left(\frac{1}{r}\right)_2$ – доимий ва вақтинчалик узоқ вақтли юкларнинг давом этмайдиган таъсиридан

ҳосил буладиган эгрилик;

$\left(\frac{1}{r}\right)_3$ – доимий ва вақтинчалик узоқ вақтли юкларнинг давом этадиган таъсиридан

ҳосил буладиган эгрилик.

Тегишли юклар таъсиридан ҳосил буладиган эгрилик $\frac{1}{r}$ - қўйидаги формуладан аниқланади

$$\frac{1}{r} = \frac{M}{D} \quad (4)$$

бу ерда M - ташқи юкдан (бўйлама куч N дан ҳосил буладиган моментни ҳисобга олган ҳолда) юзага келадиган эгувчи момент бўлиб, шу момент таъсир қилиш текислигига нормал йўналган ўққа нисбатан ҳосил бўлади ва элементнинг келтирилган кўндаланг кесими оғирлик марказидан ўтади;

D - элемент келтирилган кўндаланг кесимининг эгувчи бикрлиги бўлиб, унинг қиймати қўйидаги формуладан аниқланади

$$D = E_{b1} \cdot I_{red} \quad (5)$$

бу ерда E_{b1} – сиқилган бетоннинг деформация модули, бу модул юклар таъсирининг давомийлигига ва ёриқларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ ҳолда аниқланади;

I_{red} - келтирилган кўндаланг кесимнинг шу кесим оғирлик марказига нисбатан инерция моменти, бу момент ёриқларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Чўзилган зонасида ёриқларга эга бўлмаган ва ёриқларга эга бўлган элементлар учун бетоннинг деформация модули E_{b1} нинг ва келтирилган кесим I_{red} инерция моментининг қийматлари белгиланган кўрсатмаларга мувофиқ аниқланади.

Чўзилган зонасида ёриқларга эга бўлмаган участкада конструкция элементининг бикрлиги

Темирбетон элемент D нинг ёриқларга эга бўлмаган участкадаги бикрлиги (5) формула бўйича аниқланади.

Элемент келтирилган кўндаланг кесимининг шу кесим оғирлик марказига нисбатан инерция моменти I_{red} бетон кесимининг бутун юзасини ва арматурани бетонга келтириш коэффициенти билан арматура кесими юзасини ҳисобга олган ҳолда яхлит жисм учун эластик элементлар қаршилигининг умумий қоидалари бўйича аниқланади

$$I_{red} = I + I_f \cdot \alpha_f \quad (6)$$

бу ерда I бетон кесимининг элемент келтирилган кўндаланг кесими оғирлик марказига нисбатан инерция моменти:

I_f – чўзилган арматура кесими юзасининг элемент келтирилган кўндаланг кесими оғирлик марказига нисбатан инерция моменти;

α_f – арматурани бетонга келтириш коэффициенти,

$$\alpha_{f1} = \frac{E_f}{E_{b1}} \quad (7)$$

I нинг қиймати эластик элементлар геометрик характеристикаларини ҳисоблашнинг умумий қоидалари бўйича аниқланади.

I_{red} инерция моментини арматурани ҳисобга олмасдан аниқлашга руҳсат этилади.

Бетон деформациясининг (5) ва (7) формулалардаги қийматлари қўйидагиларга тенг қилиб қабул қилинади:

- юкларнинг нодавомий (давом этмайдиган) таъсирида

$$E_{b1} = 0,85 \cdot E_b \quad (8)$$

- юкларнинг давомий (давом этадиган) таъсирида

$$E_{b1} = E_{b\tau} = \frac{E_b}{1 + \varphi_{b,cr}} \quad (9)$$

бу ерда $\varphi_{b,cr}$ - бетоннинг судралувчанлик коэффициенти (характеристикаси). бетоннинг сиқилишдаги классларида $\varphi_{b,cr}$ нинг қиймати қўйидагиларга тенг қилиб қабул қилинади: В15-4.8, В20-4.0, В25-3.6, В30-3.2, В35-3.0, В40-2.8, В50-2.4, В55-2.2, В60-2.0.

Чўзилган зонасида ёриқларга эга бўлган участкада конструкция элементининг бикрлиги

Конструкциялар элементларининг чўзилган зонада ёриқларга эга бўлган участкаларидаги бикрлиги қўйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

- деформациялангандан кейин кесими ясен ҳолатда қолади;
- бетоннинг сиқилган зонадаги кучланиши эластик жисм учун аниқланганидек аниқланади;
- чўзилган бетоннинг нормал ёриқка эга бўлган кесимдаги иши ҳисобга олинмайди;
- чўзилган бетоннинг нормал йўналган ёнма-ён ёриқлар орасида жойлашган участкадги иши ψ_f воситасида аниқланади.

D элементнинг ёриқларга эга бўлган участкаларидаги бикрлиги (5) формула бўйича аниқланади ва унинг қиймати ёриқларга эга бўлмаган элемент бикрлигидан катта бўлмайди.

Сиқилган бетон деформация модули E_{b1} нинг қийматлари қўйидаги формула бўйича аниқланадиган деформация келтирилган модули $E_{b,red}$ нинг қийматларига тенг қилиб қабул қилинади:

$$E_{b,red} = \frac{E_{b,ser}}{\varepsilon_{b1,red}} \quad (10)$$

бу ерда $\varepsilon_{b1,red}$ - бетоннинг нисбий деформациялари, қўйидагича қабул қилинади:

юкларнинг нодавомий таъсир қилишида оғир бетон учун - 0.0015;

юклар давомий таъсир қилганда оғир бетон учун - 0.0034.

Элемент келтирилган кўндаланг кесимининг шу кесим оғирлик марказита нисбатан инерция моменти I_{red} бетон кесимининг фақат сиқилган зонаси юзаси ва арматурани бетонга келтириш коэффициенти α_{f1} билан чўзилган арматура кесим юзасини ҳисобга олган ҳолда эластик элементлар қаршилигининг умумий қоидалари бўйича аниқланади


$$I_{red} = I + I_f \cdot \alpha_f \quad (11)$$

бу ерда I_b , I_f мос равишда бетон сиқилган зонаси ва чўзилган арматуранинг чўзилган зона бетонини ҳисобга олмасдан келтирилган кўнадаланг кесим оғирлик марказига нисбатан инерция моментлари.

I_f нинг қиймати материаллар қаршилигининг умумий қоидалари бўйича аниқланади, бунда бетоннинг энг сиқилган толасидан келтирилган (α_{f1} келтириш коэффициенти билан) кўндаланг кесимнинг оғирлик марказигача бўлган масофа чўзилган зонадаги бетонни ҳисобга олмасдан қабул қилинади (5-расм). Эгилувчи элементлар учун

$$y_{cm} = x_m \quad (12)$$

бу ерда x_m - бетон сиқилган зонасининг ёриқлар орасидаги чўзилган бетон ишининг таъсирини ҳисобга оладиган ўртача баландлиги (5-расмга қаранг).



I_b ва y_{cm} ларнинг қийматлари эластик элементлар кесимларининг геометрик характеристикаларини ҳисоблашнинг умумий қоидалари бўйича аниқланади.

Эгилувчи элементлар учун нейтрал ўкнинг ҳолати (бетон сиқилган зонасининг баландлиги) қўйидаги тенгламадан аниқланади

$$S_{b0} = \alpha_f \cdot S_{f0} \quad (13)$$

бу ерда S_{b0} ва S_{f0} -мос равишда бетон сиқилган зонаси ва чўзилган арматуранинг нейтрал ўққа нисбатан статик моментлари.

Тўғри тўртбурчакли кесимлар учун

сиқилган зонанинг баландлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$x_m = h_0 \left(\sqrt{(\mu_f \alpha_{f1})^2 + 2\mu_f \alpha_{f1}} - \mu_f \cdot \alpha_{f1} \right) \quad (14)$$

бу ерда $\mu_f = \frac{A_f}{b \cdot h_0}$

Номарказий сиқилган ва номарказий чўзилган элементлар учун нейтрал ўкнинг ҳолати (сиқилган зона баландлиги) қўйидаги тенгламадан аниқланади.

$$y_N = \frac{I_{b0} + \alpha_{f1} \cdot I_{f0}}{S_{b0} + \alpha_{f1} \cdot S_{f0}} \quad (15)$$

бу ерда y_N – нейтрал ўкдан тўлик кесимнинг (ёриқларни ҳисобга олмасдан) оғирлик марказидан $e_0 = \frac{M}{N}$ масофага ортга қоладиган бўйлама куч N нинг қўйилиш нуқтасигача бўлган масофа;

$I_{b0}, I_{f0}, S_{b0}, S_{f0}$ – мос равишда бетон сиқилган зонаси ва чўзилган арматуранинг нейтрал ўққа нисбатан инерция моментлари ва статик моментлари.

Элемент кесими геометрик характеристикаларининг қийматлари эластик элементлар кесимларини ҳисоблашнинг умумий қоидалари бўйича аниқланади.

Эгиладиган темирбетон элементлар бикрлигини қўйидаги формула бўйича аниқлашга рухсат берилади

$$D = E_{b,red} \cdot A_f \cdot z \cdot (h_0 - x_m) \quad (16)$$

бу ерда z - чўзилган арматура кесимининг оғирлик марказидан сиқилган зонадаги тенг таъсир этувчи кучларнинг қўйилиш нуқтасигача бўлган масофа.

Тўғри тўртбурчакли кесимга эга бўлган элементлар учун “ z ” нинг қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$z = h_0 - \frac{1}{3} x_m \quad (17)$$

Тўғри тўртбурчак, тавр (сиқилган зонада полкали) ва қўштавр шаклларидаги кўндаланг кесимларга эга бўлган элементлар учун z нинг қийматларини $0.8h_0$ га тенг қилиб қабул қилишга рухсат берилади.

Чўзилган арматурани бетонга келтириш коэффициентларининг қийматлари қўйидагиларга тенг қилиб қабул қилинади:

$$\alpha_{f,1} = \frac{E_{f,red}}{E_{b,red}} \quad (18)$$

бу ерда $E_{b,red}$ - сиқилган бетон деформациясининг келтирилган модули. $E_{f,red}$ – чўзилган арматура деформациясининг келтирилган модули бўлиб, мазкур модул чўзилган арматуранинг ёриқлар орасида ишлашининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$E_{f,red} = \frac{E_f}{\psi_f} \quad (19)$$

Коэффициент ψ_f нинг қийматини $\psi_f = 1$ тенгликда қабул қилишга рухсат берилади.

Элементларнинг салқиликларини $\left(\frac{1}{r}\right)$ эгрилик ўрнига бевосита эгувчи бикрлик характеристикалари D дан фойдаланиб, эластик эгувчи характеристикалар EI ни ҳисобий боғлиқликларда D нинг кўрсатилган характеристикалари билан алмаштириш йўли билан қурилиш механикасининг умумий қоидалари бўйича аниқлаш мумкин, D нинг характеристикалари (5), (6), (7) формулалар билан ҳисобланади. [7]

Қисқа вақтли ва узоқ вақтли юклар биргаликда таъсир қилганда элементларнинг чўзилган зонасидаги ёриқларсиз ва ёриқларга эга бўлган тўлиқ салқилиги тегишли юклардан ҳосил бўлган салқиликларни (8) ва (9) бўйича эгриликларни кўшишга ўхшаш тарзда қўшиш йўли билан аниқланади, бунда бикрлик характеристикалари D ни қаралаётган юкларнинг шу пунктда кўрсатилган таъсир қилиш давомийлигига боғлиқ ҳолда қабул қилиш тақозо этилади.

Чўзилган зонасида ёриқлари бўлган элементларнинг бикрлик характеристикалари D ни аниқлашда ψ_f коэффициентни $\psi_f = 1$ қийматда қабул қилишга рухсат берилади. Бундай ҳолда қисқа ва узоқ вақтли юкларнинг биргаликда таъсиридан элементларда юзага келган ёриқларга эга бўлган тўлиқ салқилик қисқа вақтли юкнинг нодавомий таъсиридан ва узоқ вақтли юкнинг давомий таъсиридан ҳосил бўлган салқиликларни қўшиш йўли билан аниқланади, бунда бикрлик характеристикалари D нинг тегишли қийматларини ёриқларсиз элементлар учун қабул қилинганидек, ҳисобга олиш талаб этилади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, композит арматурали эгилувчи бетон элементлар ҳам юклар остида худди темирбетон конструкциялар каби ишлар экан. Бунда композит арматура ҳам худди пўлат арматура сингари бетон билан биргаликда қаршилиқ кўрсатиши, конструкция эса юклар таъсири остида ишончли ишлаши аниқланди.

Хулосалар

1. Кучлар остида намуна тўсинларда салқиликларнинг куч қийматига мос ҳолда ошиб бориши кузатилди.
2. Тажриба тўсинларига кичик юклар таъсирида салқиликлари деярли тўғричизикли конуният асосида ортиб борди.
3. Тўсинларга юқори даражадаги юклар таъсир этганда тўсинларнинг салқиликларининг кескин ортиши кузатилди.
4. Тажрибада аниқланган салқиликлар миқдори назарий ҳисобланган қийматлар билан қониқарли даражада мос келиши кузатилди.
5. Тажрибадан олинган қийматлар меъёрий хужжат ШНК 2.03.14-18 «Композит полимер арматурали бетон конструкциялар» да қабул қилинган ҳисоблаш усули асосида биргаликда конструкциянинг реал ишини тўғри баҳолашидан далолат беради.

Адабиётлар

- [1]. ШНК 2.03.14-18 «Композит полимер арматурали бетон конструкциялар» -Т, 2018, 157 б.
- [2]. Махкамов Й. М., Мирзабабаева С. М. Прогибы изгибаемых железобетонных элементов при действии поперечных сил и технологических температур //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145).
- [3]. Махкамов Й. М., Мирзабабаева С. М. Температурные прогибы железобетонных балок в условиях воздействия технологических температур //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 11-1 (144).
- [4].ГОСТ 31938-2012. Арматура композитная полимерная для армирования бетонных конструкций. Общие технические условия. М.:Издво Стандартиформ, 2014., с.26-28.
- [5]. Акрамов Х.А., Умаров Ш.А. Турсунов Б.А. “Перспективы применения композит арматуры в строительстве”. // ФарПИ Илмий техник журнал. Фаргона - 2020. №1. б. 157-160.
- [6]. Акрамов Х.А., Махкамов Й.М, Умаров Ш.А. “Прочность изгибаемых железобетонных элементов при действии поперечных сил в условиях воздействия повышенных и высоких температур”. //СамДАКИ“ Меъморчилік ва қуриш муаммолари” (ilmiy-technikjurnal). Самарқанд – 2020. – №2. б. 57–62.
- [7]. Акрамов Х.А., Умаров Ш.А. “Glass kompozit lireinforcing them with concrete bite cases”. // ISSN: 2456-6683 International Journal of Research Culture Society. Monthly, Peer-Reviewed, Refereed, Indexed Journal (№23) Scientific Journal Impact Factor: 4.526, Volume - 3, Issue - 11, Nov – 2019. Received on : 17/11/2019 Accepted on : 28/11/2019 Publication Date: 30/11/2019. Available online on - www.ijrcs.ORG India. P. 120-123.
- [8]. Акрамов Х.А., Умаров Ш.А. “Research of stressed-deformed condition of beams with composite reinforcement”.//ISSN: 2456-6683 International Journal of Research Culture Society. Monthly, Peer-Reviewed, Refereed, Indexed Journal (№23) Scientific Journal Impact Factor: 4.526, Volume - 3, - 12, 12 – 2019 – 2019. Available online on - www.ijrcs.ORG India. P.1-4.
- [9]. Акрамов Х.А., Умаров Ш.А. “Эгилувчи тўсинлар арматураланишини оптималлаштириш ва композит арматураларни қўлланилиши масалалари”. // “Актуальные проблемы внедрения инновационной техники и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях ” 1-Международная научно- практическая конференция. Том-3, 24-25 май, Фергана, 2019.- б.-154-156.

УДК 631.672.

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОР СУВ КЎТАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ

З.Э. Абдулхаев, М.М. Мадрахимов, А.Р. Иброхимов

Фаргона полтехника институту, zokhidjon@farpi.ru, Tel: +998936422030
(Қабул қилинди 29.04.2021 й.)

The article discusses the advantages and disadvantages of hydraulic shock in water supply networks. The article also deals with the practical application of the phenomenon of hydraulic shock, which is based on theoretical data and calculations obtained from laboratory equipment. Practical issues have been resolved and recommendations have been made on this basis.

Key words: hydraulic shock, pump aggregate, gate valve, valve.

В статье рассматриваются преимущества и недостатки гидроудара в сетях водоснабжения. В статье также рассматривается практическое применение явления гидравлического удара, основанное на теоретических данных и расчетах, полученных на лабораторном оборудовании. На основании этого решены практические вопросы и даны рекомендации.

Ключевые слова: гидравлический удар, насосный агрегат, задвижка, клапан.

Мақолада сув узатиш тармоқларида ҳосил бўладиган гидравлик зарбнинг салбий ва фойдали томонлари ёритилган. Бундан ташқари мақолада гидравлик зарб ҳодисасидан амалда фойдаланиш масаласи ҳам ёритилган бўлиб, бунда назарий маълумотлар ва лаборатория қурилмасидан олинган натижалар асосида ҳисоблаш ишлари олиб борилган. Амалий масалалар ечилиб, шу асосида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: гидравлик зарб, насос агрегати, задвижка, клапан.


Кириш. Гидравлик зарба асосида ишлайдиган сув кўтариш қурилмалари турли манбаларда турлича номланади, масалан сув кўтаргичлар, гидравлик насослар, гидравлик таран ва ш.к.. Гидравлик таран қурилмалари билан шуғулланган олимларнинг берган маълумотларига кўра, уларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

1772-йили инглиз муҳандиси Джон Уайтхёрст (J. Whitehurst) биринчи марта “Уайтхёрст қурилмаси” деб номланувчи гидравлик таранга ўхшаш кўл билан бошқарилувчи қурилмани яратган[1]. Автоматик тарзда бошқариладиган гидротаран қурилмасининг биринчи нусхаси 1796 йили француз олимлари Жозеф Мишель Монгольфье (J.Mongolier) ва Ами Арганд (F.Frgand) ҳамкорликда яратган ихтиро учун 1797 йилда Буюк Британия Патентига эга бўлганлар. Патентини олиш тадқиқотчилар Серно (J.Serneau) ва Халлет (S.S.Hallet) ларга 1809 йилда насиб этган. 1839 йилда америкалик тадбиркор Стрoубридж (Strawbridje) гидравлик таран қурилмаларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Россияда Н.Е.Жуковскийнинг гидравлик зарба назарияси асосида ишлайдиган гидравлик таран қурилмаларини назарий ҳисоблаш усулларини профессор С.Д.Чистопольский ўзининг 1930 йилда чоп этилган “Гидравлик таран” номли асорида ёритган[2], [3].

Қурилманинг технологик ҳисоби. Гидравлик таран қурилмасининг

ишлаш принципи юқорида таъкидланганидек, бундан қарийб юз йил аввал рус олими проф. Н.Е. Жуковский томонидан ишлаб чиқилган “Гидравлик зарба назарияси”га асосланган.

Қувур тармоқларда гидравлик зарба ҳодисаси оқимнинг тезлиги ёки босими кескин ўзгарганида суюқликнинг деформацияланиши ва унинг тармоқ узунлиги бўйича



1-расм. Гидравлик зарба ҳисобига ишлайдиган гидронасос қурилмаси. 1-қурилмани сувдан бўшатувчи жумрак; 2-сувни олиб кетувчи босимли тармоқ; 3-ҳаво камераси (қалпоқ); 4-сувни кўтарувчи тик тармоқ; 5-зарба клапанини таъминловчи тармоқ; 6-сув босимли иккиламчи бак; 7-босимли бакдан бошқарувчи сувни олиб кетувчи бошқариладиган қувур тармоқ; 8-бирламчи босимли сув бакнинг ташлама тармоғи; 9-бирламчи сув босимли бак; 10-таъминловчи тармоқ жумрағи; 11-кириш тармоғи жумрағи; 12-сувни қурилмага узатувчи кириш тармоғи; 13-бирламчи бакдан ортиқча сувни ташловчи тармоқ; 14-гидравлик зарба ҳосил қилувчи клапандан ортиқча сувни ташловчи тармоқ; 15-гидравлик зарбани ҳосил қилувчи клапан; 16-ҳаво камерасида жойлашган иккинчи клапан.

тарқалиш жараёнидир. Гидравлик зарба оқибатида қувурларда бўйлама ёриқлар ҳосил бўлиши, гидродинамик босим остида ишлайдиган қурилма ва жиҳозлар носоз ҳолатга келиши мумкин[4], [5].

Гидравлик зарба ҳодисаси илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлгани учун азалдан кўпчилик олимлар ва муҳандислар эътиборини ўзига тортган. Қувур тармоқларнинг асосий элементларида кечадиган физикавий ва гидродинамик жараёнлар адабиётларда тўла ёритилмаган. Мураккаб гидравлик системаларда реал шароитларда суюқлик ҳаракат тартибининг ўтиш даври жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари- зарба тўлкинининг қувур узунлиги бўйича тарқалиши мураккаб муҳандислик масалаларидан бири ҳисобланади.

Жуковский назариясига кўра гидравлик зарба натижасида қувурда босимнинг ортиши ва орттирилган босим тўлкинининг тарқалиш тезлиги қуйидаги формулалар билан ифодаланиши мумкин[6]:

$$P = \rho v c \quad (1)$$

бу ерда ρ – сувнинг зичлиги, кг/м³;

v – таъминловчи тармоқда сув оқимининг тезлиги, м/сек;

c – гидравлик зарба оқибатида ҳосил бўладиган орттирилган босим тўлкинининг қувурнинг бош қисми томон тарқалиш тезлиги, м/сек;

Жуковский формуласига суюқлик узатилаётган қувурнинг узунлиги киритилмаган. Ваҳоланки, қисқа қувурларда гидродинамик босим узун қувурларга нисбатан камроқ бўлади. Шунинг учун қисқа қувурлар нисбатан самарасиз ишлайди[7]. Бундан ташқари таъминловчи қувурнинг узунлиги гидротараннинг унумдорлигини ҳам белгилайди. Қувур тармоқда сув оқимининг тезлиги тармоқнинг нишаблиги, қувурнинг кўндаланг кесими ва диаметрига боғлиқ.

Қувур тармоқ диаметри 100 мм дан кам бўлганда:

$$v = \sqrt{35.5 \frac{h_1}{L} d_1^{0.68}} \quad (2)$$

Қувур тармоқ диаметри 100 мм дан ортиқ бўлганда:

$$v = \sqrt{35.2 \frac{h_1}{L} d_1^{0.625}} \quad (3)$$

Узлуксизлик тенгламасига кўра қувур тармоқда оқётган сувнинг сарфи қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$Q = \frac{\pi d_1^2}{4} v \quad (4)$$

Гидравлик зарба пайтида босимнинг ортиши ҳисобига сув оқимининг бир қисми аккумуляторга зарб билан кириб, ундаги ҳавони сиқади ва босимли d_2 тармоқ ёрдамида сувни юқорига узатади. Бунда ҳавонинг қаршилигини енгиш учун сув энергисининг бир қисми сарфланиши ҳисобига сувнинг тезлиги камади, яъни:

$$v_1 = -\frac{2gh_2}{C} + \sqrt{\left(\frac{2gh_2}{C}\right)^2 + v^2} \quad (5)$$

Гидравлик зарба ҳосил қилувчи клапаннинг бир циклида гидроаккумуляторга кирадиган сувнинг массаси:

$$m = v_1 \frac{\pi d^2}{4} \frac{2L}{C} \rho \quad (6)$$

Гидроаккумуляторда сиқилган ҳавонинг ҳажми:

$$V = \frac{m(\rho c v + p_0)}{\rho(\rho c v - \rho g h_2)} \quad (7)$$

У ҳолда гидроаккумуляторнинг геометрик ҳажми қуйидаги ифода билан аниқланиши мумкин:

$$V_0 = V \frac{\rho g h_2 + p_0}{p_0} \quad (8)$$

Тадқиқотлар натижаларига кўра, гидроаккумуляторнинг ҳажми таъминловчи қувур тармоқдаги сув оқимининг ҳажмидан кам бўлмаслиги лозимлиги тавсия этилади. Мазкур формулалар бўйича олинган рақамли натижалар асосий жараёнларни аниқ очиб бермасда, гидротаран қурилмаларининг асосий элементларини лойиҳалашда таянч-омил бўлиб хизмат қилади.

Гидравлик таран қурилмаси икки хил режимда самарали ишлаши мумкин:

- сув узатиш унумдорлиги энг юқори бўладиган режим;
- фойдали иш коэффициенти энг юқори бўладиган режим.

Қурилма сув манбаидан $L=180$ м масофада, таъминловчи напор $H_1=15.3$ м, сув ни талаб этиладиган кўтариш баландлиги $H_1=40$ м, таъминловчи босимли қувурнинг узунлиги $L_{кат}=120$ м, сув сарфи $Q=60$ л/сек бўлган ҳолатни кўриб чиқамиз:

$Q=60$ л/сек сув узатиш унумдорлиги учун арман олими В.М. Овсепян тавсиясига асосан гидравлик таран диаметри $D=250$ мм бўлиши лозим.

Сув м анбаидан қурилмагача бўлган масофа нисбатан узоқ, яъни $L_1=180$ м, бўлгани учун, ҳаво идиши кўзда тутилиши лозим бўлади. Қурилманинг таъминловчи қувур тармоғи узунлиги қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$L = \frac{900}{N^2} \cdot \frac{H}{d} = \frac{900 \cdot 14}{1600 \cdot 0.25} \approx 30 \text{ м}$$

Бунда, $N=40$ зарба/мин – бир дақиқада гидравлик импульс клапанининг очилиб-ёпилишлари сони, $H=14$ м – сувни кўтариш баландлиги.

Ҳаво идишигача бўлган сув узатувчи қувурнинг узунлиги:

$$L_n = 180 - 30 = 150 \text{ м}$$

- [6]. Domuladzhonov I.X., Domuladzhonova Sh.I., Yuldasheva G.X. Wastewater pollution of reservoirs. Materials of the 16th International Scientific and Technical Conference (May 30 - June 03, 2016 Odessa). ATM, Kiev, 2016 .-- p. 31-36.
- [7]. Domuladzhonov I.X., Domuladzhonova Sh.I., Latipova M.I. The state of small rivers in the Fergana Valley. Collection of scientific papers dedicated to the 25th anniversary of the Interstate Coordination Water Commission of Central Asia [Text] / Under total. ed. Prof. V.A. Spiritual. - Tashkent: SIC ICWC of Central Asia, 2017 .-- p. 194-201.
- [8]. Domuladzhonov I.X., Domuladzhonova Sh.I., Mirzaolimov M.A., Valiev Z.A. Soil condition of Fergana region. International scientific-practical conference "Problems of desertification: dynamics, assessment, solutions" December 13-14, 2019, Samarkand. SamSU, Samarkand, 2019.- p. 55-56.
- [9]. Domuladzhonov I.X., Makhmudov S.Yu., Domuladzhonova Sh.I. Choosing a site for the construction of an industrial facility taking into account the climatic conditions of the city of Kuvasay Journal "Universum: technical sciences" No. 4 (73) 25.04.20, No. 6, M: 2020.- p.15-17.
- [10]. Domuladzhonov I.X., Makhmudov S.Yu., Domuladzhonova Sh.I., Polvonov X.M. Standards of maximum permissible emissions of harmful substances into the atmosphere from the Kuvasay subsidiary enterprise of reinforced concrete products. Journal "Universum: technical sciences" No. 4 (73) 25.04.20, No. 6, M: 2020.- p.18-25.

УДК 639.3

M22

КИЧИК ЮЗАЛИ (0,5; 1,0; 1,5 ГЕКТАР) СУНЬИЙ ТУПРОҚ ХОВУЗЛАРИДА СУВ АЙЛАНИШ ТИЗИМИНИ ХОСИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ПОЛАКУЛЬТУРАДА, ИНТЕНСИВ УСУЛДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

А.У. Мамажонов, Э.М. Юнусалиев, Э.У. Мадалиев, С.М. Мирзабабаева

*Фаргона политехника институту
(Қабул қилинди 23.01.2021 й.)*

In the "Fish-breeding Innovation Center" of the Fergana State University, the opportunity to increase the fish productivity of ponds by 4 times was substantiated with the technology of intensive methods of growing carp fish in polyculture, taking into account the climatic features of the technology of extensive fish farming in the republic without the use of aerators, and by creating water circulation for a favorable hydrobiological condition for fish growth in artificial ground ponds with a smaller area (0.5; 1.0; 1.5 ha).

Key words: *See carp fish, intensive method, convenient hydrobiological condition in water, dissolved oxygen in water, dense fish stocking, intensification, organic mineral fertilizers, liming, balanced compound feed, polyculture, productivity.*

В "Рыбоводный инновационный центр"е Ферганского Государственного университета обосновано возможность увеличить рыбопродуктивность прудов на 4 раза при технологии интенсивных методов выращивания карповых рыб в поликультуре с учётом климатических особенностей технологии экстенсивного рыбоводства республики без применения аэраторов, а с созданием циркуляции воды для благоприятного гидробиологического условия росту рыб в искусственных грунтовых прудах с меньшей площадью (0,5; 1,0; 1,5 га).

Ключевие слова: *Види карповых рыб, интенсивный метод, удобное гидробиологическое условие в воде, растворенный кислород в воде, плотная посадка рыб, интенсификация, органические минеральные удобрения, известкования, сбалансированный комбикорм, поликультура, продуктивность.*

Фаргона Давлат университети “Балиқчилик инновацион маркази”да, Республикамиз иқлим шароитидаги экстенсив ҳовуз балиқчилик технологиясида аэраторлар қўлланмасдан, ҳавза сувида сув айланишини (циркуляцияланишини) ҳосил қилиш орқали балиқлар учун қулай гидробиологик шароитни ҳосил қилиб, юзаси кичик (0,5; 1,0; 1,5 га) бўлган сунъий тупроқ ҳовузларида интенсив усулда, поликултурада карп туридаги балиқларни парваришлаш орқали, балиқ маҳсулдорлигини 4 баробар ошириш мумкинлиги асосланган.

Таянч сўзлар: Карп туридаги балиқлар, интенсив усул, сувдаги қулай гидробиологик шароит, сувда эриган кислород, тизиз балиқлантириш, интенсификация, органик минерал ўғитлар, оҳаклаш, тўлақонли омукта ем, поликултура, маҳсулдорлик.

Кириш: Маълумки, балиқ ва балиқ маҳсулотлари инсон озукасида муҳим ўрин эгаллайди. Балиқ гўштида бошқа ҳайвон организмларида учрамайдиган аминокислоталар, витаминлар, микро ва макро элементлар ҳамда омега уч моддаси мавжуд. Шу маънода, инсон озиқ-овқат рационидида балиқ маҳсулотлари бўлиши жуда муҳимдир.

Тиббий меъёрларга кўра бир киши йил давомида ўртача 14 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши тавсия этилади.

Республикамиз аҳолисини тиббий меъёр бўйича балиқ маҳсулотларига бўлган талаби 350 минг тоннани ташкил қилади. Республика аҳолиси сонини ўсиб бориши балиқ маҳсулотларига бўлган талабни янада кўпайтишига олиб келмоқда. 2021 йилда 160 минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилган.

Қарийб икки минг йилдан ортиқ давр мобайнида инсоният балиқларни сунъий сув ҳавзаларида етиштирмоқдалар. 1960-1980 йилларни ўз ичига олган даврда Ўзбекистонда иқтисодийнинг янги – сунъий ҳовузларда балиқ урчитиш ва етиштириш – аквакультура тармоғи барпо этилди. Шу бугунда ҳовуз хўжалилари республиканинг барча вилоятларида ҳам мавжуд ва улар турли мулкчилик асосий балиқ ишлаб чиқарувчилар ҳисобланадилар.

Республикамиз балиқчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, балиқ човоқларини кам ва биомассасини кичик етиштириш ҳамда ўткан асрнинг 60-80 йилларида қурилган ва ҳозирда оммавий равишда қурилаётган сунъий тупроқ сув ҳавзаларидан самарасиз фойдаланиш балиқчилик тармоғининг энг заиф бўғини ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги ва унинг ечими: Балиқчилик тармоғидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2017 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2939-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ балиқчиликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва дунё тажрибасидаги самарали технологияларни балиқчилик тармоғига тадбиқ қилиш учун ҳудудларда балиқчилик инновацион марказларини ташкил қилиш белгиланди [1]. Ушбуга асосан Фарғона шаҳар балиқчилик йўналишидаги “Ўроғбой ота” фермер хўжалиги ҳудудида Фарғона Давлат университетининг “Балиқчилик инновацион маркази” (кейинги матнда марказ деб номланади) ташкил қилинди.

Маълумки Республикамизда етиштирилаётган балиқларнинг асосий қисми чуқурлиги 0,8-1,7 метр бўлган сунъий барпо қилинган товар балиқ етиштирувчи тупроқ ҳовузларида-қўлларда етиштирилмоқда. Ушбу қўлларнинг юза қисмининг катталиги (5-50 га) ва чуқурлиги етарлик чуқурликка эга эмаслиги ва ёзнинг ўта иссиқ кунларида сувни ортиқ даражада иситиш сабабли, қўлларни кам миқдорда, 2000-3000 дона карп туридаги балиқлар билан балиқлантирилиб, поликултурада, ярим интенсив усулда парваришлаш амалга оширилади. Етиштирилган балиқларга сувдаги эриган кислород миқдори етарлик эмаслиги натижасида балиқларнинг озиқланиши сусайиб, балиқлар етарлик семизликни-юкни олмай жуссаси кичик этилади. Кўлнинг маҳсулдорлиги 2,0-3,0 т/га ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ҳовуз балиқчилиги ривожланган хорижий давлатлар балиқчилигидаги кўрсаткичидан 25-35 баробар камдир [2]. Шунингдек гоҳида ёзнинг ўта иссиқ кунлари сувни ўта гуллаши ёки ис газини чиқиши оқибатида қўлларда балиқларни ёппасига нобуд бўлиш (замор) ҳолатлари содир бўлиб туради.

Инсон иштирокида сунъий ҳовузларда балиқ етиштиришда маҳсулдорлик бир гектарга 2-3 тонна атрофида бўлса, бу экстенсив усул ҳисобланади, 4-9 тонна бўлса – ярим интенсив, 10,0 тонна ва ундан ортиқ бўлса интенсив бадиқ етиштириш усули ҳисобланади [3].

Республикамызда интенсив балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий хорижий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг қўламда жорий қилиш, балиқчилик тармоғини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди ва уларга асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар хокимликларининг узлуксиз сув таъминлаш имконияти бўлган сунъий сув ҳавза майдонлари мажуд бўлган жўхаликларни босқисма – босқич интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Янгитдан ташкил этиладиган сунъий сув хавзаларида балиқ етиштириш лойиҳаларига ер участкалари: кичик юзали ҳовузларда, фақатгина интенсив усул ва ресурс тежамкор технологиялар қўлланганда; сув билан кафолатли таъминлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсири йўқлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг ҳулосаси асосида ажратилади.

Балиқчиликда аграр усулдан саноат усулига ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этапти. Хитой, Вьетнам, Венгрия, Германия каби давлатларда ўзини оқлаган интенсив усулларни изчил татбиқ қилишимиз зарур. Бунда, асосан, Хитой усулига аҳамият берилляпти. Унинг афзаллиги шундаки, хавзаларни маълум даражада кичиклаштириб, аэраторлар қўйиш ўртача маҳсулдорликни 15-20 центнердан 65-70 центрга кўтариш имконини беради. Шу каби илғор усуллар шарофати билан яқин йилларда Ўзбекистонда харидоргир бўлган зоғорабалиқ етиштиришни 70 фоиз ошириш мўлжалланаётгани қувонарли [4].

Аэрация кислородни сувга қўшиш жараёнидир. Сувда эриган кислород концентрациясини сақлаб қолиш, сув ҳавзасида сувнинг энг муҳим кўрсаткичидир. Бу ҳовузда балиқлар ривожланишида ҳамда мавжуд ўлик ўсимликлар ва бошқа озуқалар қолдиқларини, шунга ўхшаш зарали органик моддаларни фойдали минералга айланиши натижасида сувни азот, фосфор каби биогенлар билан тўйинтирилади. Ушбу жараён сувда аэроб шароитида юз бериши мумкин. Аэробик парчланиш доимий кислород манбаи талаб қилади. Жараён, сувда кислород концентрациясига тўйинганлик даражасида (6-8мг/л) имкон қадар тезроқ давом этади.

Кейинги йилларда ҳовуз балиқчилигида эришилган ижобий тажрибаларимиздан келиб чиқиб, маҳсулдорликни ошириш ва шу билан бирга сувни тежаш мақсадида, мавжуд балиқчилик биомеъёрлардан четлашга тўғри келмоқда. Яъни кичик юзали ҳовузларда айраторлар қўллаб ҳамда сувни айланиши (циркуляцияланиши)ни таъминлаб, тиғизроқ балиқлантириб, поликультурада интенсив усулда балиқ етиштириш орқали ҳавза маҳсулдорлигини ошириш мумкин.

Юзалари 0,5; 1,0 ва 1,5 гектар, ўртача чуқурлиги 3,5-4 метр сунъий тупроқ ҳовузларида сувни айланишини ҳосил қилувчи тизим ёрдамида карп туридаги (сазан, оқ дўнгипешона, чипора дўнгипешона ва оқ амур) балиқларини интенсив усулда етиштириш технологияси: Таклиф этилаётган интенсив усулда балиқ етиштириш технологиясининг ўзига хослиги қуйидагича. Марказда ишлаб чиқилган балиқ етиштириш технологиясига асосан товар балиқ етиштириш қўлларининг юза қисми 0,5-1,5 га бўлиб, бу юзанинг 45-50 % қисмининг чуқурлиги 4-6 м, 50-55 % саёз қисми эса 1,0-1,5 м чуқурликда қурилиб, ўртача чуқурлиги 3,5-4,0 метрни ташкил қилади. Ҳавза сувига тиғиз ташланган балиқларни етарлик даражада (5-8 мг/л) эриган кислород билан таъминлаш ҳамда ҳовуз сувида балиқлар учун қулай гидробиологик муҳитни яратиш мақсадида, ҳавонинг ҳароратига қараб, сувни буғланиши ва филтрацияланиши ҳисобига нисбатан 2-3 баробар кўпроқ, яъни, ҳовузларга 1,0 га сув сатҳи ҳисобига 2,5-4,5 л/сек сув тўхтовсиз берилади.

Сувнинг 1,5-3,0 л/сек атрофидаги қисми ҳовуздан сувни чиқариб юборувчи иншоот - монахдаги шандорнинг пастки қисмига ўрнатилган мослама – металл бурчакли рамкага пайвандланган: оралатиб диаметри 1.0-1.5 см.дан бўлган доира шаклидаги ёриқлар ҳосил қилинган қалинлиги 2-3 мм металл лист ёки, ячейкалари 1.5x1.5 см Ø=8мм пўлат симдан тайёрланган сетка (1.0 гектарлик сув ҳавзасига юзаси, диаметри 100-120 мм. атрофидаги кувур юзасини ташкил қилади) орқали чиқариб турилиши ҳисобига ҳовузда сувни айланиши амалга оширилади. Ҳавзадан чиқариладиган сув яна ирригация тизимига қайтарилади. Мослама вақти-вақти билан ўзига ёпишган турли хил чўкмалар (ахлатлар)дан тозалаб турилади. Бунинг натижасида кўлдаги тигиз ташланган балиқлар етарлик даражадаги эриган кислород билан таъминланади ва маълум миқдордаги зарарли чўкмаларни ҳавзадан чиқиб кетиши ҳисобига сувнинг гидробиологик ҳолати ёмонлашмайди. Мавжуд биомеъёрларга кўра ҳовузлар бир гектар ҳавза ҳисобига вазни 25-30 гр бўлган 4,5-5,0 минг дона атрофида кап туридаги балиқ чавақлари билан балиқлаштирилади. Биз таклиф қилаётган усулда ҳовузлар, ҳар бирининг вазни 200-400 гр бўлган 8000-10000 дона атрофидаги карп, оқ дўнгпешана, чипори дўнгпешона, оқ амур балиқлари билан балиқлантирилади.

Маълумки, сунъий сув ҳавзаларидаги ҳовуз балиқчилигида, балиқчилик самарадорлигининг ўсишига, комплекс технологик тадбирлар (ҳовузлар мелиорацияси, ўғитларни қўллаш, оҳаклаш, балиқларни озиклантириш, турли хил балиқларни ҳовузда биргаликда парвариш қилиш) ни амалга ошириш ҳисобига эришилади[2].

Марказда, товар балиқ етиштирувчи ўлчамлари: юзаси 0,5; 1,0; 1,5 га, ўртача чуқурлиги 3,5-4,0 м, бўлган сунъий тупроқ ҳовузларида таклиф қилинаётган интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси, мавжуд технологиялардан фарқли, қуйидаги тартибда амалга оширилади [5]:


- кеч кундаги ёки эрта баҳордаги данба йўллари, ирригация тизимини ва ҳовузларни галдаги жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади;

- сувга органик ва минерал ўғитлар киритилади;

Балиқчилик ҳавзаларига ўғитлар киритиш балиқларга табиий ем омборининг кенг ҳолатда ривожланишига олиб келади.

Балиқларнинг табиий озуқа ем омборлари[3]:

-ҳовузлар балиқлар ташланишидан камида 15 кун олдин сув билан тўлдирилади ва



1 – расм. Балиқларнинг озикланиши.

балиқлантирилгандан сўнг ҳар куни тўхтовсиз равишда 2,5-4,5 л/сек миқдорда сув билан таъминланади; Ҳовузларга, дарё, сой ва табиий кўлларнинг тоза сувларини киритиш керак. Сув аввало, сувдаги лойқаларни чўктирувчи ва сувни куёш таъсирида иситувчи оцитойник ҳовузига қўйилади. Бегона балиқлар тушиб қолмаслиги учун ҳовузга сув капрон матодан тайёрланган сузгич ёки пўлат симли сетка орқали


киритилади.

- ҳавонинг ҳароратига қараб, 1 ва 15 март оралиғида, ҳовузларнинг сув билан таъминланиш ва ҳовузларда сувнинг айланиш имкониятларига қараб, ҳовузлар 1,0га ҳавза ҳисобига, ҳар бири 200-400 гр. бўлган 8000-10000 дона карп туридаги, илиқ сувда

ривожланувчи балиқлар билан балиқлантирилади(балиқлар катталиги қанчалик юқори бўлса шунча яхши);


ховузлар минерал ўғитлар билан ўғитланади;

Минерал ўғитларни ҳовузларга киритиш сув қуйилганидан кейин ҳарорат 8°C дан ошганда қўлланади. Биринчи порциялари балиқ ҳовузга ўтказилгандан сўнг 3-4 кун ўтгач солинади. Республикамиздги барча балиқчилик хўжаликларида ҳозирга қадар 30 кг/га миқдорда аммиакли селитра ва 15 кг/га миқдорида суперфосфат ёки аммофос киритилади, кейинги порцияси эса ҳар 7-10 кунда қайтарилади. Сувда ўғитлар тезда эриб, сув ўти ва сувдаги бошқа организмлар томонидан утилизация қилинади. Ўғитлар сув юзасига солинади, уларни эриган кўринишда киритиш айниқса кўп самара беради. Шунинг учун махсус идишларда ўғитлар эритилиб ҳавзага солинади. Бунда минерал ўғитлар органик ўғитлар билан биргаликда тайёрланиши мумкин. Кичик ҳовузларда уларни қирғоқдан ёки кираётган сув оқимларидан солиш мақсадга мувофиқ [2]. Катта ҳовузларда ўғитлар қайқдан киритилади, бизнинг мисолда ўғитлар эритмаси қирғоқдан киритилади.



2 – расм. Балиқ йитиштириш ҳовузлари.

Иш тажрибамиздан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳовузларга кунига минерал ўғитлар эритмаси бериш яхши натижа бермоқда. Об-ҳавонинг ҳароратига қараб биринчи 4-6 кунда ҳар бир гектар ҳисобига 10-20 килограммдан аммофос ва аммиак селитраси бериб, фитопланктон ва зоотанктонларнинг сувдаги концентрациясини яхшилаб, қолган кунларда ҳар куни октябрь ойининг охиригача 3-8 кг аммофос 2-5 кг аммиак селитраси бериш етарли даражада фитопланктон ва зоотанктонларн



3 – расм. Балиқларнинг озиклантириш жараёни.

инг чиқишини таъминлаши натижасида, ўтхўр балиқлар ишта билан озикланадилар. Баъзи кунлари ҳовузларни икки маротаба ўғитлашга тўғри келади.

- ҳовузлар ҳар 10-15 кунда охакланади;

Оҳак [2]:

- сув қатламидаги муаллақ органик моддаларни катта миқдорда чўктиради (сувни тиндиради) ва микроорганизмлар ривожланиши ҳамда органик моддаларнинг минералга айланиш жараёни тезлашиши учун мувофиқ шароит яратади;

Оҳак баҳорда ҳовузнинг қуруқ тубига, у сувга тўлдирилгандан кейин - сув устига солинади. Баҳорда оҳак ҳар 15 кунда, ёзда оҳак ҳар 7-10 кунда киритиб турилади [2]. Оҳак солинган кун минераль ўғитлар киритилмайди.

- балиқлар озиклантирилади;

Ҳовуз балиқчилиги технологиясида балиқларни ем маҳсулоти билан озиклантириш жараёни асосий интесификация усули ҳисобланади.

Балиқларни озиклантириш йилнинг 15 мартдан – 30 октябригача бўлган ораликда амалга оширилади.

Озиклантириш жараёнида сув ҳавзаларидаги кислороднинг ҳам аҳамияти катта. Кислороднинг 4 мг/л га тушиб кетиши балиқларнинг иштаҳасини бўғади, шунингдек бир пайтда овқатни ҳазм қилиши пасаяди. Кислород танқислиги натижасида ўсиш ҳам, рацион ҳам пасаяди. Кислороднинг 2 мг/л гача пасайиши рационни 2-4 марта пасайишга олиб келади [4]. Ҳавзада сувни айланттириш бундай ҳолатини содир бўлишга олиб келмайди.

Кўп йиллик етиштириш тажрибамиздан маълумки, республикамиз иқлим шароитида вегетатив кўпайиш даврида еми ишлатиш ойма-ой кўпайтириб борилади: март, апрель - 4%, май - 9%, июнь -16%, июль - 25%, август - 32% ва сентябрь, октябрь -14% ни ташкил қилади. Балиқ шундай қилиб емининг 73 % ини деярли уч ой ичида - июнь-августда олади. Шунинг учун озиклантиришни тўғри ташкил қилиш, шароитларга қараб сифатли ем танлаб, еми тўғри ишлатиш катта аҳамиятга эга бўлиб, стандарт оғирликдаги балиқларни етиштиришга сабаб бўлади.

Карп балиғининг овқатланиши учун турли хил емаклар (ўсимликлар, шунингдек хайвонотга ҳос, омухта емлар, қишлоқ хўжалиги чиқиндилари, озик-овқат, балиқ, микробиологик чиқиндилар) озуқа бўла олади [3].



Донадор омухта емлар намланиб, босим остида тайёрланади, брикет ҳолда сувга таъсирчанлигини юқори даражада кўрсатади. Улар ҳар хил катталиқда тайёрланади. Карп балиғининг ёшига қараб аниқланади. Балиқ чавоқлари учун доначалр 1-3, икки ёшлилар учун – 3-6 мм ни ташкил қилади.

Сувга ташланган емларнинг иложи борича ҳаммасини балиқлар еб тугатсалар яхши бўлади. Бунинг учун сув бетида сузиб юривчи емлардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқдир. Бунда балиқшунос еми балиқлар томонидан истеъмол қилиниш самарасини кузата олади. Керагидан ортикча берилган ем балиқларнинг таннархини ошириб юборади. Шунингдек, истеъмол қилинмаган ем сувни ифлослантиради, сувда аммоний ва нитрат ионларининг кўпайишига олиб келади. Ем камроқ берилса вақтдан ютказилиб, балиқнинг ўсиши секинлашади, бу эса ҳовуз маҳсулдорлигини камайишига олиб келади.

Катта қалинликдаги балиқлантиришда тўлақонли емлар билан озиклантириш - балиқларнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлайди. Емларни ҳовузларга киритишда эътиборли бўлиш керак. Емларни кун давомида бир неча (3-4) мартаба киритиш еми тежайди ва балиқлар еми яхши ҳазм қилиб, унинг ўсиши тезлашади. Охириги ем берилгандан сўнг 1-1,5 соат ўтгач, емларни балиқлар томонидан истеъмол қилинишини текшириб бориб, зарурат бўлганда кунлик ем бериш рационига ўзгартириш киритилади.

Бизнинг мисолда, ҳавонинг ҳароратига қараб балиқларни кунига бир неча марта озиклантириш маъқулдир: сувнинг ҳарорати 18-20°C бўлганда - 2 марта, 20-25 °C да-3 марта, 25 градусдан кўпроқ - 4 марта. Бу кўпроқ бирданига кўп ем ташлашда кузатиладиган ҳолатни, омухта емдаги фойдали моддаларни йўқотилишини камайтиради. Бундай ҳолатда балиқларнинг ўсиши кунда бир марталик озиклантиришга нисбатан кўпаяди. Биринчи озиклантириш эрталаб соат 6-8 да, кейингилари ҳар 3-4 соатдан кейин ўтказилади. Охириги озиклантириш қоронғи тушишидан 2 соат олдин бажарилади, охириги озуқани беришдан 1-1,5 соатдан сўнг унинг ёйилиши текширилади [3] .

Емларни киритиш услубларига алоҳида эътибор бериш зарур. Еми киритишнинг оптимал миқдори сувнинг ҳарорати, сувдаги кислород миқдори ва ҳовуздаги балиқларнинг умумий биомассасига ҳамда емининг тўйимлилиқ даражасига боғлиқ. Ҳар куни сув ҳарорати ўлчанади, ҳар 10 кунда назорат овларини ўтказилади, балиқлар оғирлигини билиб ва керакли ҳужжатларни тўлдириб борилади – ҳовузда қанча балиқ борлигини ва қанча ем бериш кераклигини билиш учун, тажрибали балиқшунослар еми озуқа коэффицентини ҳисоблашни ёқлашади. Озуқа коэффицентини – 1 кг балиқ етиштириш учун сарфланиши керак бўлган озуқа миқдори (килограммда берилади). Бу кўрсаткич саноат емларининг паспортида кўрсатилади. Бу кўрсаткич емининг сифат кўрсаткичи бўлиб, балиқларни ўсиш миқдорига қараб бир кунда ва бутун мавсум давомида



қанча ем сарфланишини аниқлаб беради.

Ем коэффициентлари қанчалик кичик бўлса, ем шунчалик сифатли ва балиқ етиштириш маданияти шунчалик яхши бўлади. Биз ҳам балиқларни кунли, ойлик, мавсум давомида озиклантириш ритмини ва миқдорини аниқлашда ем коэффициентидан фойдаланганмиз.

Балиқларни озиклантириш қаттиқ тупроқли, юзаси тозаланган 4 м² ли майдончаларда амалга оширилади. Бир боқиш жойи 100 дона товар балиқларга мўлжалланади. Балиқларнинг ўсиши давомида балиқ боқиш жойлари кўпайтириб борилади. Балиқ боқиш жойларини бир-биридан 50 метр масофада шахмат усулида, сув ҳавзаларининг 0,6-1,5 метр чуқурликда жойлаштирилади. Ҳар бир боқиш жойига белги (байроқчали найза) қўйиш зарур.

Мавсумда боқишни бошлашдан олдин, ҳар бир ҳовуз учун балиқларнинг озиклантириш ва ўстириш режасини тузиш лозим. Балиқларнинг ўсиши назорат ови натижаларидан кўринади, биламизки бу назорат ҳар 10 кунда ўтказилади. Назорат натижаларига кўра ўғит ва озуқа солишга ўзгартиришлар киритиш лозим [3].

Балиқларни озиклантириш ведомости.

Ҳовуз № _____ Майдон _____ га ўртача чуқурлиги _____ м. Сув билан таъминланиши: қониқарли, яхши, аъло.

Назорат ови №	кун	йил _____ ой _____				
		Бир дона балиқнинг ўртача био-массаси, гр	Балиқларнинг сони, дона,	Балиқларнинг оғирлиги, кг,	Ем миқдори, кг	Ем тури ва коэффициентлари
1	2	3	4	5	6	7
1						Омухта (гранул) 2,5
2						Омухта (гранул) 2,5
3						Омухта (гранул) 2,5
4						Омухта (гранул) 2,5
жами:					Σ	

Марказда балиқларни озиклантириш, озуқа коэффициентлари 2,2-2,5 бўлган, Ёзёвон туманида жойлашган “Фарғона балиқчилик агрофирмаси” МЧЖ да тайёрланган диаметри 5 мм бўлган грануллиланган омухта ем билан амалга оширилган.

1,0 гектар сув ҳавзаси ҳисобига 50%-емхўр (карп) - 4500 дона ва 50% ўтхўр (оқ дўнгпешана-4000 дона, чипори дўнгпешана -250 дона, оқ амур-250 дона) -4500 дона балиқлар учун вегетация давомида, 10 % табиий чикит ҳисоби билан мавсум охирида, ҳар бирининг ўртача вазни 1,5 кг.ни ташкил қилса, сарфланадиган омухта ем миқдори қуйидагича аниқланади (1,0 га сув ҳавзасидаги балиқларнинг табиий озуқа ҳисобига ўсиш миқдори-200 кг/га ва ҳавзага ташланадиган балиқларнинг ўртача вазни -0,3 кг, бўлганда – уларнинг умумий оғирлиги:

$$(0,3 \text{ кг} \cdot 4050 \text{ дона} = 1215 \text{ кг}).$$

- емхўр балиқларни етиштиришга:

$$[4050 \text{ дона} : 1,1 \cdot 1,5 \text{ кг} - (200 \text{ кг} + 4050 \text{ дона} \times 0,3 \text{ кг})] \cdot 2,5 =$$

$$= [4050 \text{ дона} \cdot 1,5 \text{ кг} - (200 \text{ кг} + 1215 \text{ кг})] \cdot 2,5 (6075 \text{ кг} - 1415 \text{ кг}) \cdot 2,5 = 4660 \text{ кг} \cdot 2,5 = 11650 \text{ кг}$$

- ўтхўр балиқларни етиштиришга:

Кўп йиллик балиқ етиштириш амалиётидан маълумки, ўтхўр балиқлар сувга киритилган ўғитлар таъсиридан ҳовузда ҳосил бўладиган табиий озуклар ва кўк ўтлардан ташқари, емхўр балиқларни озиклантиришга киритилган емнинг маълум қисмини истеъмол қилади. Бу миқдор ҳовузгаа 50:50%= емхўр : ўтхўр балиқлар ташланганда, емхўр балиқлар истеъмол қиладиган емнинг тахминан 20-30 % ни ташкил қилади. Яъни, 11650 кг · 0,25=2912,5 кг. омухта ем.

Вегетация мавсуми (март-октябрь) давомида, 1,0 гектар сув ҳавзаси ҳисобига ҳар бирининг вазни 1,5 кг. бўлган 12,0 тоннадан ортиқ емхўр ва ўтхўр балиқлар етиштиришга жами:

$$11650 \text{ кг} + 2912,5 \text{ кг} = 14562,5 \text{ кг. омухта ем сарфланади.}$$

$$0,5 \text{ га ҳовузга: } 14562,5 \text{ кг} \cdot 0,5 = 7281,25 \text{ кг.}$$

$$1,0 \text{ га ҳовузга: } 14562,5 \text{ кг}$$

$$1,5 \text{ га ҳовузга } 21843,75 \text{ кг}$$

$$\text{Жаъми: } 43687,5 \text{ кг}$$

Бизнинг мисолда емлар ҳовузларга қирғоқдан киритилган. Бир кунлик озиклантириш цикли ва миқдори (рацион) амалда аниқ ўлчовлар асосида аниқланган, яъни, сувнинг ҳароратига, сувда эриган кислород миқдорига ва ҳавзадаги бир дона емхўр(карп) балиқнинг вазнига ва уларнинг умумий биомассасига қараб аниқланган.

Балиқларни бир кунда озиклантиришга сарфланадиган омухта ем миқдори (кг) қуйидагича аниқланади:

- емхўр балиқлар учун:

$$g = \frac{a \cdot m \cdot k}{100}$$

қуйидагилар: a-10 % табиий чиқит ҳисоби билан 1,0 гектардаги балиқлар сони, дона; m – сув ҳавзасига ташланаётган балиқларнинг ўртача вазни, кг; k – ҳовуздаги сувнинг ҳароратига ва балиқларнинг ўртача вазнларидан келиб чиқиб ўзгарувчан бўлади ва саноат ишлаб чиқарган емларнинг паспортда берилади ёки тажриба асосида ҳам аниқласа бўлади, % берилади.

$$\frac{4050 \text{ дона} \cdot 0,3 \text{ кг} \cdot 2,5}{100} = \frac{1215 \text{ кг} \cdot 2,5}{100} = \frac{3037,5 \text{ кг}}{100} = 30,4 \text{ кг.}$$

омухта ем.

- ўтхўр балиқлар учун:

$$30,4 \text{ кг} \cdot 0,25 = 7,6 \text{ кг. омухта ем.}$$

$$\text{Жами: } 30,4 \text{ кг} + 7,6 \text{ кг} = 38,0 \text{ кг. омухта ем.}$$

Бир гектар ҳовузда балиқ етиштиришга турли кунларда омухта ем саофини аниқлаш:

№	Сувнинг ҳарорати °С	Кислород миқдори	Ҳовуздаги балиқлар вазни, кг.	Ҳовуздаги балиқларнинг вазнидан, %	Кун давомида озиклантириш цикли	Кунлик бериладиган ем миқдори рацион, кг
1	2	3	4	5	6	7
маълум кунда						

ХИМИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ И ЭКОЛОГИЯ

1	15-20	5-8	1518,75	2,0%	1-озиқлантириш = соат 10 ⁰⁰ 2-озиқлантириш = соат 16 ⁰⁰	15,2 15,3 Σ 30,4
маълум кунда						
2	20-25	5-8	6000,0	2,0-2,5%	1-озиқлантириш = соат 8 ⁰⁰ 2-озиқлантириш = соат 12 ⁰⁰ 3-озиқлантириш = соат 16 ⁰⁰	45,0 45,0 45,0 Σ 135,0
маълум кунда						
3	25-30	5-8	10000,0	2,5-3,0%	1-озиқлантириш = соат 6 ⁰⁰ 2-озиқлантириш = соат 10 ⁰⁰ 3-озиқлантириш = соат 14 ⁰⁰ 4-озиқлантириш = соат 18 ⁰⁰	68,75 68,75 68,75 Σ 275,0
маълум кунда						
4	32- ундан юқори	5-8	12000,0	1,5%	1-озиқлантириш = соат 7 ⁰⁰ 2-озиқлантириш = соат 13 ⁰⁰	90,0 90,0 Σ 180,0

Оқ амурни озиқлантириш учун турли хил ўсимликлар – йўнғичка, регарс ва майса кўк ўтлари, жўхори пояси ва бошқалардан фойдаланилади. Рационал озиқлантириш учун ўсимликларни кесиб, майдалаб, янчиб ҳовузга солиш керак.

- ҳавзадаги поликультурада, интенсив усулда, етиштирилаётган балиқлар ҳолати ҳамда ҳавза суви тартиботи ва сифати устидан доимий равишда назорат қилиб борилади;

Сув таркибида эриган кислород даражаси етарли бўлишини таъминлаш, ҳовуздаги сувнинг ифлосланиши билан курашиш, ҳовузга балиқлар учун йиртқич бўлган бошқа барча организмлар тушиб келишини олдини олиш ишлари амалга оширилади.

- балиқлар касалликларини олдини олиш (профилактика қилиш), зарурат ҳосил бўлса касалликларини аниқлаш ва касалликларни даволаш ишлари амалга оширилади;

- балиқларни ячейкалари 3,5x3,5 см бўлган капрон ипли тўрлар (невод, бредень)да овланади;

Тўр ҳавзанинг чуқур қисмидан саёз қисмига тортилади. Тўр тортишдан 20-30 дақиқа олдин ҳавзанинг саёз қисмига ем солинади, июнь ойидан бошлаб балиқларни овлаб реализация қилиш бошланади. Вазни 1,2 кг дан ортиқ бўлган балиқлар реализацияга чиқарилади, қолганлари озиқлантириб борилади. Мавсум охирида кўллардан овланган балиқларнинг ҳар бирининг вазни 1,2 – 2,0 кг га етади, миқдори эса кўлларга ташланган балиқларнинг миқдорининг камида 95 % ташкил қилади. Мавсум давомида кўллардан 12000 тн дан ортиқ балиқ маҳсулоти овланади;

• овланган балиқлар турли ўлчамдаги кичик оқар сувли бетон ҳовузларда сақланиб, реализация қилинади.

Ховузарнинг чуқурлиги 1-1,3 м, режадаги ўлчамлари 3 х 6 м атрофида бўлса, бу ховузга тирик балиқ ташувчи бир автоуловдаги балиқларни жойлаштира бўлади. Бу каби сақлаш ховузли балиқ турига ва уларнинг ёшлари (катта-кичиклиги)га қараб, бир нечта бўлиши балиқлар реализацияси (сотилиши)ни осонлаштиради. Балиқ сақланадиган ховузда етарли миқдорда эриган кислород таъминоти бўлиши учун улар тўхтовсиз керакли миқдорда (5-6 л/сек) сув билан таъминланиши шарт. Шунингдек, автоуловдан ховузга янги партия тирик балиқ туширилганда, берилаётган сув миқдорини бир неча бор кўпайтириш зарурий чора эканлигини унутмаслик керак. Чунки бунда балиқлар шок ҳолатидан тезроқ ўзларига келадилар. Балиқлар тетиклашиб олгандан сўнг уларни ортиқча ҳаракатланиб, безовта бўлмасликлари учун ховузда сувни юқори баландликда ушламаган маъкул.

Хулоса: Кичик юзали (0,5; 1,0; 1,5 га) сунъий тупроқ ховузлида сувни айланишини хосил қилиш орқали, ховуз сувида балиқлар яшаши учун қулай гидробиологик шароит яратиб, 1,0 га ховуз хисобига 12000 кг дан ортиқ сифатли балиқ маҳсулоти етиштирилди.

Адабиётлар:

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2939-сонли қарори. Ташкент шаҳри 2017 йил 1 май.
- [2]. Б. Г. Камилов, Р. Б. Қурбонов. Рыбоводство. Ташкент, 2008г., 18, 20,98с.
- [3]. Б. Г. Камилов, Б. Қ. Каримов. Кормление рыб в рыбоводстве. Ташкент, 2008г, 8, 20, 21, 23, 34с.
- [4]. Б. Г. Камилов, Б.К. Каримов Руководство по разведению рыб в прудах в бассейне Аральского моря. Ташкент 2008 г. 7, 55 с.
- [5]. А. У. Мамажонов, Р. Б. Қурбонов, М. Ж. Назаров, У. О. Усмонхўдаев, М. Маматқулов, З. Обидов Ўзбекистон Республикаси минтақаларида ховуз балиқчилигини интенсив усулда юритиш асослари. Фарғона, 2020й., 84-88, 149, 150 б.

УДК - 628.316.

МАМЛАКАТИМИЗ ХОМ АШЁЛАРИДАН НАТРИЙ СУЛЬФИД ПРЕПАРАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Хамракулова М.Х., Абсарова Д.К., Хошимов И.Э., Сайдазимов М.С.

Фарғона политехника институти, email: emmim1991@mail.ru
(Қабул қилинди 21.05.2021 й.)

Abstract. The goal of the project is to solve the environmental problem by increasing the share of local products and eliminating sulfide compounds from oil and gas fields and refineries, which lead to an increase in the level of toxicity in the atmosphere.

Key words: Sodium sulfide, additive, absorption, adsorption, polymodification, sodium sulfate, coal deposits, rock and pistachio powder (powder), sulfide compounds, oil and gas condensates, distillation, autoclave, pressure 7-8 atm., Temperature 1200°C, sodium sulfite and hydrosulfite sodium

Целью проекта является решение экологической проблемы за счет увеличения доли местных продуктов и устранения сульфидных соединений с нефтяных и газовых месторождений и нефтеперерабатывающих заводов, которые приводят к повышению уровня токсичности в атмосфере.


Ключевые слова: Сульфид натрия, добавка, абсорбция, адсорбция, поли модификация, сульфат натрия, угольные месторождения, порода и фисташковый порошок (порошок), сульфидные соединения, нефтегазоконденсатным, перегонка, автоклав, давление 7-8 атм., температура 1200°C, сульфит натрия и гидросульфит натрия.

Аннотация. Мқолада мақсад маҳаллий маҳсулотлар улушни кўпайтириши ҳамда нефть ва газ конлари ва қайта ишлаш корхоналаридан атмосферага ажралиб, захарлилик даражасини оширишга олиб келаётган сульфидли бирикмаларни йўқотиши орқали экологик муммаони хал қилишга қаратилган.

Таянч сўзлар: Натрий сульфид, ошловчи модда, абсорбция, адсорбция, полимодификация, натрий сульфат, кўмир конлари, тош ва пистакўмир кукунлари (хока), сульфидли бирикмалар, нефть газ конденцатлари, дистилляция, перогонка, автоклаф, 7-8 атм босим, 1200°С температура, натрий сульфит ва натрий гидросульфит.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари тамонидан кўп қўлланиладиган натрий сульфид перепаратини маҳаллийлаштириш натижасида кўп тармоқларни иқтисодий ва экологик ютуқларга эришиши кўзда тутилган. Бизга маълумки натрий сульфид перепарати тери ошловчи корхоналарда тук ва жунлардан тозаловчи, лакокраска саноатида олтингугуртли бўёқлар олиш, целлюлоза ишлаб чиқариш, аналитик кимё соҳасида регант олиш ва бир қанча сохалар учун энг қулай восита бўлиб, уни маҳаллийлаштириш сохалардаги янги имкониятлар эшигини очади.

Лойиҳа натрий сульфид перепаратини Ўзбекистондан маҳаллийлаштиришдан ташқари Нефть ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экологик тоза атмосферани ҳосил қилишга қаратилган. Мамлакатимизда Натрий сульфат ва кўмир каби табиий конлар мавжуд бўлиб, бундан натрий сульфид перепаратини ишлаб чиқариш имкони мавжуд: Ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги тенглама асосида;



олиб борилиб, кўриниб турганидек захарли газларни атмосферада ҳосил бўлиши кам. Нефть ва газларни таркибидаги сульфидли бирикмалардан тозалаш уларнинг маҳсулотлари сифатига ва ишлаш жараёнидан учувчан захарли сульфид газларидан тозалаш муҳим аҳамият касб этади.



Ҳосил бўлган натрий сульфид тозалик даражаси билан қайтариш методи билан олинган сульфидга нисбатан афзал бўлиб, илмий аналитик ишларида, флацион реагент сифатида рангли металлларни ажратиш олишда ҳамда сульфидли бўёқлар ишлаб чиқаришда қўлланиш имконини беради.

Юқорида тақидлаб ўтилганидек натрий сульфид перепарати тери саноатида, олтингугуртли бўёқлар ишлаб чиқаришда, целлюлоза ишлаб чиқариш, рангли металллар ажратиш олиш учун флацион реагент сифатида, текстил саноатидаги табиий матоларни бўйашда, тиосульфат ва гидросульфид ишлаб чиқаришда, натрий полисульфид олишда бу полисульфидлар эса шелк материаллари ишлаб чиқаришда, ўсимликларни зараркунанда занбуруғларга қарши фунгицид, сувдаги зарарли бактерияларни тозалашда ва полисульфидли резиналар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бу перепаратни маҳаллийлаштириш юқоридаги ишлаб чиқарувчиларни маҳсулотларини сифатини ошириб тан нарҳини арзонлаштиради.

Лойиҳанинг илмий ютуқлари нефть ва газ конденцатларини ишлаш жараёнидаги захарли ва ёқимсиз (палағда тухум) хидларни бартараф этишга хизмат қилиб, корхонани янги қимматли маҳсулот билан таминлайди ва янги иш ўринлар очилади.

Тижоратлаштириш истиқболлари: Мамлакатимизга фақат бир йўналиш учун яъни тери ошловчи корхоналари тамонидан йилига 10 000 тоннадан зиёд натрий сульфид перепаратининг 1 тоннаси импорт сифатида ўртача 1 200 \$ (12,5 млн сўм) дан олиб келинмоқда. Бизнинг илмий лойиҳа бўйича 1 тонна натрий сульфид 3 – 4 млн сўм атрофида тегишли корхоналарга таклиф қилинади. Ишлаб чиқариш жараёни Институтнинг тижоратлаштириш бўлими тамонидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш марказидан

ташқари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ёки Фарғона азот заводларига уларнинг технологик схемаларига асосланган, ишлаб чиқариш лойиҳаси: технологик конструкция ва йўриқнома тақдим этилади. Бундан ташқари илмий ютуқлар барча ахборот узатиш воситалари тамонидан ёритиб борилади.

Лойиҳани молиялаштириш ҳажмининг (сўралган маблағнинг) йиллар бўйича тақсимоти

биринчи йилда (2022 й.) – 428,7 млн. сўм 12 ой муддатда илмий тадқиқот лаборатория ва синов ишлаб чиқариш қурилмаларини қуриш, илмий ходимларни иш ҳақлари ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги хом ашё манбаларини анализ қилиш ишларига сарфланади. Бундан ташқари тегишли ҳамкор корхоналарини ҳамкорлик ишларига, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун камондровка харажатларини ўз ичига олади.

иккинчи йилда (2023 й.) – 121,3 млн. сўм синов ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотни ишлаб чиқариш учун керакли хом ашёлар билан таминлаш ҳамда эришилган ютуқларни ахборот комуникация орқали ёритиб бориш, халқаро ва маҳаллий журналларда илмий мақолалар чоп этиш, илмий ходимларни иш ҳақларига сарфланади.

Лойиҳада ҳал этилиши кўзда тутилган илмий муаммо

Кимё саноатининг долзарб вазифаларидан бири, табиий бўлмаган турли кимёвий моддаларни ишлаб чиқаришни маҳаллилаштириш ва четга бўлган талабни камайтиришдан иборат. Хозирда жуда катта аҳамиятга эга бўлган натрий сульфид тузини маҳаллий хом ашёлардан қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган илмий мумоммолардан биридир. Ватанамиз тупроғида сульфат тузларининг миқдори юқори бўлиб, айнан сульфат тузларини кўмир ёрдамида қайтариш жараёни натижасида натрий сульфид тузларини маҳаллийлаштириш шунингдек нефть маҳсулотлари чиқинди сув таркибида олтингугуртнинг водородли ва сульфидли бирикмаларидан фойдаланиб натрий сульфид тузини ҳосил қилишдан иборат.

Хозирги кунда Ўзбекистонда натрий сульфат конлари очилиб уни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Кўмир конларида эса писта кўмир, тошкўмир каби углеродга бой кўмирлар 2 млрд т атрофида мавжуд. Бу имкониятлар орқали Натрий сульфид перепаратини ўзбекистонда маҳаллийлаштиришнинг илмий ишланмалари ишлаб чиқилади.

Хозирги кунда нефть ва газ кондецатлари таркибидаги сульфид ва сульфидли бирикмалардан тозалашни бир неча хил усули мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:



Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида каталитик тозалаш орқали сульфид бирикмаларидан эркин олтингугурт ажратиб олинади. Лойиҳанинг илмий изланишлари бу

жараёнга абсорбция калоннасини олиб кирилиб, натрий сульфид перепарати ишлаб чиқаришга қаратилган.

Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари

Лойиҳа натижаларида нефт ва газ конденцатларидан сульфид ва органик олтингургурт бирикмалардан тозаланади. Хемосорбция методи орқали сульфид бирикмалари ютилиши жуда самарали бўлганлиги сабабли атмосферага сульфид каби захарли газларни кўтарилишини олдини олади. Олинган натрий сульфид перепарати жуда кўп соҳаларни ривожланишига сабаб бўлади.

Масалан:

-Тери саноатида тери тукларини тўкиш учун олиб келинадиган хорижий перепаратни маҳаллий арзон перепаратга алмаштириш натижасида саноатнинг маҳсулотлари тан нархи камайишига сабаб бўлади;

-турли сульфидли бўёқлар ишлаб чиқаришда;

-тўқимачилик саноатида пахта матоларини бўйашда;

-таркибида темир, рух ва қўрғошин тутган бирикмаларини флотация усули билан ажратиб олиш учун;

-рухли қопламали қотишма ишлаб чиқаришда;

-кўмирни турли хил аралашмалардан тозалашда,

-натрий сульфатдан кимёвий тоза моддалар яъни, сода ва ўювчи ишқор ишлаб чиқаришда;

-сувнинг таркибидаги бактерияларни йўқотиш ва захарли катионларни чўктириш хоссаси мавжудлигидан сув тозалаш хавзалариди;

-натрий сульфидни кучли ишқорий хусусияти ва унинг осон алмашилиш реакцияларда қатнаша олишлиги учун мамлакатимизда кўп учрайдиган даломит минерали билан конвертация қилиниб, калцинирланган сода ва гидролизловчи агент калций, магний сульфидлар ишлаб чиқариш ишлари олиб борилади.

Нефть ва нефть маҳсулотлари таркибида олтингургурт ва олтингургурт бирикмаларининг бўлиши, нефтни қайта ишлашда қўлланиладиган катализаторлар фаолиятинга кучли таъсир этади, шунингдек олтингургуртнинг органик бирикмалари нефтдан олинадиган ёқилғилар таркибида бўлиб, ёқилғиларни ёқиш жараёнида ифлослантириш эҳтимоли юқори бўлади. Кўп йиллар давомида шу муоммони хал қилиш учун жуда кўп усуллар ишлаб чиқилган лекин буни хал қилишни усуллари топилмади. Нефть таркибидаги олтингургуртни ажартиш қийин бўлиб қолди. Нефть таркибидаги олтингургуртни ажартиш усуллари энг оддий қайта ишлаш усулидан мураккаброқ бўлган усул яъни олтингургуртли бирикмаларни камайтириш олиб ташлашга асосланган қўлланиладиган усулларга қуйдагилар киради:

Абсорбция

Экстракция


Оксидланиш

гидродесульфурлаш

Олтингургурт бирикмани бадбўй хидни камайтиришга қаратилган.

Натрий сульфид қуйдаги усуллар билан ишлаб чиқарилади:


1. Натрий сульфатни қаттиқ углерод ёрдамида қайтариш.
2. Натрий сульфат тузини газсимон қайтарувчилар билан қайтариш.
3. Водород сульфидни натрий гидроксидга ютилиши.
4. Варий сульфидни сульфат, карбонат ва натрий гидроксид билан ўрин алмашилиб парчаланишидан ҳосил бўлиши;
5. Электролитик усул (амальгама);
6. СНГ да натрий сульфид ишлаб чиқариш учун юқоридагилардан учта усул қўлланилади. (1.3 ва 4) қолган усуллар товар сифатида натрий сульфат ишлаб



Қўлга киритилиши режалаштирилаётган якуний натижа (янги ишланма, технология, маҳсулот)нинг тавсифи


Лойиҳанинг кўзда тутилган натижасида мамлақтимиз ҳом ашёларидан шихта печи ёрдамида натрий сульфатни қайтариш усули билан натрий сульфид (Na_2S) перепаратига эришиш ҳисобланади. Натрий сульфат $800 - 900^\circ\text{C}$ да углерод тутган манбалар ёрдамида қайтарилади.

Бу жараён ҳом ашёлар майда холган келтирилгандан сўнг. Шихта печида $1000-1200^\circ\text{C}$ хароратда очиқ аланга билан қайтарилиш жараёни амалга оширилади.




Реакциядан кўришиб турибдики бу усул билан маҳсулот олинганда атмосферага зарарли газларни чиқиши жуда кам микдорда. Натрий сульфатни парчаланишидан ҳосил бўлган Кўшимча газ маҳсулотлари ҳосил бўлган актив сульфид тузи билан реакцияга киришиб, оралик маҳсулот натрий сульфит ва натрий тиосульфатни ҳосил қилади. Ҳосил бўлган бу туз яна жараёндаги мавжуд қайтарувчилар орқали яқуний маҳсулот сульфидга қайтарилади.





Биринчи босқичда: Диспропорцияланиш жараёни



Иккинчи босқичда:



Бундан ташқари:



Кўришиб турибдики реакция жараёндаги ҳосил бўлаётган моддалар якуни Натрий сульфид ҳосил бўлиши билан яқунланмоқда.

Шихта печидан ҳосил бўлган суюқ ламада кўзда тутилмаган реакциялар орқали Na_2S , Na_2SO_3 , Na_2SiO_3 , Na_2CO_3 , С каби моддалар мавжуд бўлади. Бу қайноқ лама совутилиб олингандан сўнг, босим билан эритиш қурилмасига (Автоклаф) ўтказилади ва у ерда эримайдиган кўшимчалардан ажратилаб, натрий сульфид одатдаги шароитда эрувчан шаклдаги кристологидрат холига келтирилади ($\text{Na}_2\text{S} \cdot n\text{H}_2\text{O}$). Одатда товар натрий сульфид 62-65% актив моддадан иборат бўлади.

Бундан ташқари лойиҳа доирасида натрий сульфид перепаратини олишнинг нефть ва газ конденсатларидаги сульфидли бирикмаларни тозалаш орқали амалга ошириш ҳам киритилган.

Хозирда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида сульфидли бирикмаларни хайдаш орқали ажратиб олиб, “Клаус” методи ёрдамида турли аминларга юттирилиб, уларни хаво кислороди орқали чала оксидлаш орқали (албатта қиммат кобальт(II)фталоцианин катализатор иштирокида) олтингугурт кукунига эришилмоқда.

Лойиҳадан кўзланган мақсад эса хайдаб ажратиб олинган H_2S газини абсорбер ёрдамида Натрий гидроксидга юттирилиб, натрий сульфид моддасини ажратиб олишдан иборат.



Натрий гидроксид эритмасини қайта-қайта айлантириб, то эритма тўйингунча абсорберга юборилади. Тўйинган эритма совутилиб, натрий сульфид кристаллари ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган кристаллар центрифуга орқали ажратиб олинади ва мавҳум қайнаш усули билан қуритилиб қадоқланади.

Лойиҳа натижаларининг тижоратлаштириш салоҳияти (имконияти, даражаси)

Илмий иш натижасида иккита амалий мақсад кўзда тутилган: биринчи навбатда республикамиз корхоналарида кенг миқёсда қўлланиладиган натрий сульфид перепаратини маҳаллийлаштирилиши бўлса, иккинчи навбатда нефть ва газ углеводородлари таркибидаги водород сульфид ва органик сульфид бирикмаларни йўқотиш ҳамда уларни фойдали маҳсулот натрий сульфид, натрий гидросульфид, натрий тиосульфит перепаратларига айлантиришдан иборат.

1 тонна 63% ли маҳаллий натрий сульфид перепаратини назарий калькуляцияси

(Асосий харажатлар учун)

№	Керакли хом ашё	Керакли массаси	1 тонна миқдори нархи (сўм)	Сарф миқдори суммаси (сўм)
1.	Натрий сульфат	2,1 тонна	2 000 000	4 200 000
2.	Кўмир (углеродга бой)	0,7 тонна	650 000	455 000
3	Сўндирилмаган охак	0,015 тонна	700 000	10 500
4	Сув	3–7 м ³	1 300	6 500
5	Электр энергия	300 кВт*с	450	135 000
6	Табий газ	0,4 м ³	660	3 300
7	Қайта тиклаш харажатлари	10%	4 800 000	480 000
8	Ўз ўрнини тўлдириш	1%	4 800 000	48 000
9	Транспорт харажати	1%	4 800 000	48 000
10	Иш хақи	15%	4 800 000	720 000
11	Кўзда тутилмаган харажат	5%	4 800 000	240 000
Жами				6 336 300
Жами валютада				600,6 \$
Солиқ ҚҚС сиз				30 \$
Умумий нарх				630,6 \$

Демак бу моддани ишлаб чиқариш ва уни тижоратлаштириш осонгина амалга оширилади. Институтнинг илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш ва уни тижоратлаштириш унитар корхонасида бу перепаратни кичик масштабда ишлаб чиқариб, натрий сульфиддан фойдаланувчи тегишли корхоналарда унинг амалий ахамияти синовдан ўтказилади ҳамда уларга таклиф этилади. Корхоналар хулосаси ва ҳамда тегишли ташкилотларнинг сертификатини олингандан сўнг. Фарғона азот А.Ж завоидига илмий ва тижорий ишланмалар билан ишлаб чиқариш таклифи берилиб, улар билан хўжалик шартномаси асосида иш олиб борилади. Бундан ташқари нефть газ корхоналарига шу лойиҳа асосида фойдали таклифлар берилади.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг янги вазибаларини белгилаб берди. Президент томонидан 2017 йил 4 августда имзоланган фармон.
- [2]. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Т.: “Шарқ”, 1996. 4-5-бет.
- [3]. Мирзаев Д. М., Хошимов И. Э. ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ ХИМИЧЕСКОГО СВОЙСТВА БЕЗАЛКОГОЛЬНЫХ НАПИТКОВ //The Scientific Heritage. – 2020. – №. 56-3.
- [4]. Хошимов И. Э., Сайдазимов М. С. ПРОИЗВОДСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ ПОВЕРХНОСТНО АКТИВНОГО ВЕЩЕСТВА С АМФОТЕРНЫМ СВОЙТСВОМ //The Scientific Heritage. – 2020. – №. 55-2. – С. 3-7.
- [5]. Абсарова Д. К. и др. Каталитическая полимеризация фурано-эпоксидных олигомеров //Universum: технические науки. – 2019. – №. 12-2. – С. 51-54.

ORGANIZATION OF THE EDUCATION PROCESS BASED ON A CREDIT SYSTEM,
ADVANTAGES AND PROSPECTS

O.S. Olimova¹, M.X. Oxunov¹, M.Ya. Abdul-Azalova²,
N.M. Mamatova², Ю.В. Писецкий²

¹Ferghana polytechnic institute,
Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi,
E-mail: Olimovaodinaxon0@ferpi.uz
(Received March 3, 2021)

This article to the analysis of credit system introduction to the education process, it's futures and perspectives in educational system of the Republic of Uzbekistan, especially in TUIT is devoted. This article the fundamental position in the modern assessment system in the field of education. The introduction of a credit system raises the need to compare similar modernization steps in the experience of other countries are describes. The introduction of the credit system in Uzbekistan requires a comprehensive analysis of the optimal approach in the process of its implementation. This the article reflects the educational practice in countries with economies in transition regarding the introduction of a credit system for assessing knowledge gained on the basis of experimental work.

Key words: credit education system, credits, educational process.

Данная статья посвящена анализу внедрения кредитной системы в образовательный процесс, ее будущего и перспектив в системе образования Республики Узбекистан, особенно в ТУИТ. В статье изложены фундаментальные позиции в современной системе оценивания в сфере образования. Внедрение кредитной системы вызывает необходимость сравнения аналогичных этапов модернизации с описанием опыта других стран. Внедрение кредитной системы в Узбекистане требует комплексного анализа оптимального подхода в процессе ее внедрения. В статье отражена образовательная практика стран с переходной экономикой по внедрению кредитной системы оценки знаний, полученных на основе экспериментальной работы.

Ключевые слова: кредитная система обучения, кредиты, учебный процесс.

Ушбу мақолада кредит тизимининг таълим жараёнига жорий этиши, таҳлил қилиши, тизимнинг келажаги ва истиқболлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида тутган ўрни тўғрисида маълумотлар баён этилган. Ушбу мақола таълим соҳасидаги замонавий баҳолаш тизимидаги асосий позиция хисобланган омилларни ўз ичига олган. Кредит тизимининг жорий этилиши бошқа замонавий мамлакатлар тажрибасидаги замонавийлаштириши босқичларини таққослаш зарурлигини келтириб чиқаради. Ўзбекистонда кредит тизимини жорий этиши уни амалга ошириши жараёнида оптимал ёндашувни ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади. Мақола экспериментал иш асосида олинган билимларни баҳолашнинг кредит тизимини жорий этиши бўйича ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг таълим амалиётини акс эттиради.

Таянч сўзлар: кредит таълими тизими, кредитлар, ўқув жараёни.

1. Introduction

Social and economic development of the Republic of Uzbekistan was a prerequisite Root of Perfection I Higher Education. The priority issue was the training of personnel, the creation of conditions for the retraining of higher education specialists at the level of international standards.

Based on the modern requirements of social life and the economy, one of the main tasks of modernizing the higher education system is the introduction of modern forms and technologies into education based on the study of international experience.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the sphere of information technologies and communications" dated February 19, 2018 and the decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve and increase the efficiency of the personnel training system at the Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi" of July 24, 2018 provide for a radical improvement and increase in the effectiveness of personnel training in this university, as well as its

branches. An important step in the ongoing system of innovations is the introduction from the 2018-2019 academic year of a credit training system for training personnel in the field of information technology and communications in order to ensure the university's entry into the list of the most prestigious universities in the world. [1]

2. Literature Review

Currently, the most widespread and mature credit systems are the United States Credit System (USCS), which has been in use since the end of the 20th century, and the European Credit Transfer System (ECTS), which began to form in the mid-1980s. biennium and since 1997 has been adopted by the European Commission as a unified system for comparing learning outcomes in the educational space of the EU countries. Since June 1999, after the European countries signed the Bologna Declaration (where the introduction of a credit system of education is the main criterion for the country's entry into the Single European Educational Space), these processes began to spread more and more intensively. [4]

The analysis of the literature made it possible to state that the credit system is an asynchronous (as opposed to the traditional - "linear") model of the organization of the educational process. It includes all the mechanisms that support it, including credit accounting technology, a system for selecting training courses, principles of grading, a set of criteria for obtaining a diploma, rules for transferring from course to course, rules for converting credits received when transferring to another university, etc.

At the same time, a loan is understood as a unified unit of measurement of the volume of a student's / teacher's academic work, corresponding to 45 academic hours of total labor intensity for any academic period in a bachelor's program, 60 academic hours in a magistracy and 75 academic hours in doctoral studies. Therefore, a credit based system (CBS) is a subject-based educational model based on the requirement to complete the volume of academic work, expressed in credits, in order to obtain a professional qualification or degree.

Comparative analysis of traditional and CBS shows significant differences between them in a number of signs: the duration of the academic year, vacations, semesters, sessions, in the forms and methods of monitoring and assessing the quality of education, the movement of students from university to university, the trajectory of training, the electivity of courses and disciplines, mobility and etc.

The comparison of the credit system and the traditional (linear) education system allows us to say that it is the credit system that has the ability to prepare students for professional activity in the conditions of a modern information (post-industrial) society and, with the correct organization and construction of the educational process, can become a guarantee of high quality education. [2]

According to the Rules for organizing the educational process on CBS, every 15 academic hours of classroom work is accompanied by 30 hours of students' independent work. It is independent work that is the main advantage of the credit system. The free choice of subjects, teachers, schedules gives students the opportunity to be independent, active, mobile, plan and carry out their educational activities as they please. Other advantages of the credit system include: a high degree of academic freedom; the independent nature of the educational activities of students; developing style of teaching activities of the teacher; independent search educational activity of students; innovative content of educational programs; expanding the volume of the university component of educational programs; an increase in the proportion of active, problem-stimulating, interactive teaching methods; predominance of practical forms of conducting classes; systematic, step-by-step control of students' academic work; productive, research level of knowledge assimilation; diversification of the content and terms of mastering educational programs; compatibility with any national educational system; the possibility of international credit transfer. [5]

It should be emphasized that the advantages of the credit system relate primarily to three interacting parties - students, teachers and the educational institution. And each side benefits from this in its own way. For students, the benefits are: free choice of subjects, teachers and

timetables; cumulative rating system, i.e. the ability to assess your knowledge during the learning process, and not after it; enhanced communication capabilities, skills of quick adaptation to a new environment, communication and exchange of information; confidentiality of the student's information about his grades, the number of credits collected, provided by the assignment of an identification number. [4]

Teachers also benefit a lot from the credit system: students' interest in the subject makes the teacher's job much easier; a clearly graded grading system allows for a fair and transparent assessment of student progress; the opportunity to receive grades from students, opinions and recommendations on the subject.

As for the institution itself, the introduction of a credit system adds a significant amount of flexibility and adaptability to its policies. Unlike a traditional university, where the curriculum could remain constant for 10-15 years, a university of a new model has the ability to change the composition of the taught disciplines quite quickly, focusing on the demand for a particular specialty in the labor market, given its relevance given the existing market and social trends.

3. Research Method

The education credit system is based on a trend of transparency and student-centered selection and transfer of test units. This system is considered accumulative, that is, it provides for the growth of loans accumulated earlier at all stages of education.

Its importance lies in the fact that academic programs will be tailored to the requirements of the labor market. 50 percent of the subjects of the curriculum are selective and will be introduced into the information systems of the educational process. Individualization and differentiation of the education system is based on adaptation to changes in socio-economic conditions and educational and program documents.

Under the credit system, classes are conducted in an interactive form. During the week, the student performs independent work, after which the teacher gets acquainted with the results of the work and the weekly rating of students. A student at a university can observe the growth and decline of his rating in his chosen direction. If a student receives a low score or does not prepare for one lesson, then his average grade will decrease. If he does not attend lectures, does not participate in seminars, he is not allowed to take exams. Thus, this form of training necessitates constantly improving the knowledge of teachers and the work of students on themselves. [16]

Credit technology enables the student to choose a subject that is included in the working curriculum. Also, students have the opportunity to choose teachers. Taking into account the fact that first-year students do not yet know all the teachers, for the convenience and objectivity of the choice of teachers, the teachers of the disciplines are developing curricula (syllabus) of subjects. Having familiarized themselves with the curriculum, students will have an idea of the discipline and the requirements for each teacher individually. It is also necessary to note the factor that students, having the opportunity to choose a teacher, do not always choose teachers objectively. Demanding, strict, highly qualified teachers can be left without a student. But this is a matter of time; subsequently, students will choose just such mentors in order to achieve their goal - to gain in-depth knowledge in the chosen direction.[15]

It should be noted that the education system should meet the modern requirements of a dynamic of increasing globalization and informatization development process, in order to prepare highly qualified personnel having high demand in the job market. And for this reason, the importance of introducing a credit system into training for the formation of specialists is so that they can find and process the necessary information, analyze and effectively use it in their future work.

The use of information technologies at the Tashkent University and its operating branches of the credit education system will provide an opportunity to prepare highly qualified specialists who are competitive in the current unstable international labor market, as well as to ensure a high rating of an educational institution among 1000 universities in the world. [6]

In accordance with the government decree "On measures to radically improve and increase the efficiency of the training system at the Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi" at the Tashkent University of Information Technologies named

after Muhammad al-Khwarizmi and its branches, starting from the 2018-2019 academic year, a credit education system for training personnel in the field of information and communication technologies was introduced. The main goal is to ensure the entry of the university into a number of prestigious universities in the world by introducing a credit education system.

The main advantages of the credit education system:

- Academic mobility - the possibility of continuing the student's studies in foreign educational institutions;
- High level of quality of education - attracting highly qualified industry specialists from foreign educational institutions and leading enterprises to the training;
- Development of curricula, based on the experience of foreign higher educational institutions, in order to ensure the intensification of the learning process;
- Possibility of students' choice of disciplines, etc. [13]

It should be noted that under a credit education system, the level of a student's mastering of a certain course depends on the accumulation of a certain number of credits based on various criteria. The total number of credits earned by a student is determined on the basis of the student's active participation in the classroom, the results of tests during the course, the results of scientific research, oral and written examinations, and practice. The introduction of the credit system of education in the educational process of the university will radically improve the system of training highly qualified specialists who are competitive in the changing international market, and TUIT will also enter the TOP 1000 prestigious universities in the world. directions for its further development were developed. [7]

Academic Credit System is standards assessment systems, which determines the effectiveness of student learning in higher education. In some cases, only admitted students must first complete a special course in the credit system.

The evaluation criteria are similar to the evaluation criteria of the previous system, but they have their own specifics. Typically, the teacher gives the grade, taking into account student attendance, test results, research and final written work. Also, credit scores differ depending on the composition and complexity of the courses, as well as on how well it fits in the chosen direction. For example, a course that requires a lot of research work has the highest score. It should also be noted that the final control tests are conducted by a special department, which determines the transparency and objectivity of the assessment of students' knowledge. [6]

4. Results

In the Republic of Uzbekistan, the introduction of the credit system in the educational process is due to the desire to improve the level of education, and the desire to comply with world requirements. The introduction into the educational process of the credit system, which is widespread in many higher educational institutions of the world, will allow our educational institutions to become one of the most prestigious universities in the world.

The implemented system has a number of advantages for students:

First, the credit scores collected do not change, they can be transferred when transferring to study at another, more suitable university.

Secondly, the student has the opportunity to choose any subject at will. Of course, there are subjects, the study of which is necessary, but he can choose other disciplines on his own.

Education is determined according to different levels of mastering the course by the student, which depends on the amount of credit. [13]

At the stage of implementation of the credit system, the concept was formed that this system is something completely new. In fact, for, for a student, there is nothing new. If we look in more detail, the following aspects can be identified:

-Visit. Attendance in the educational process has always been a mandatory criterion, which has remained in the credit system. If in the old system 72 hours of passes was the limit, then in the credit system each item is counted separately (7 items * 5 passes = 35 passes or 70 hours).

-Tasks. In this criterion, too, little has changed, only strict time frames have been set. If in the old system a student could not complete tasks until the end of the student and only by the end of the

semester take assignments at a time, then in the credit system, for each assignment, a due date is set after which the student is not given the opportunity to retake. This will make it necessary for students to submit assignments on time and free teachers from the need to accept assignments in large numbers in a short period of time.

-Scholarship. In this aspect, little has changed either, if in the old system scholarships were deprived of arrears and later expelled, then in the credit system a student can be a debtor for up to 7 years.

4. Conclusion

In conclusion, it should be noted that the introduction of the credit system into the education process will make it possible to raise the level of education to a new qualitative level, through the effectiveness of training and student mobility - the possibility of recognizing the loans acquired in other educational institutions, as well as to eradicate the shortcomings that existed in the old system.

References:

- [1]. Decree of the President of the R. Uz. "On measures to further improve the field of information technology and communications" dated 19 .02. 2018 g of .
- [2]. Obidov, J. G., & Ibrohimov, J. M. (2021). Application and research of energy-saving lighting devices in engineering networks. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(4), 1370-1375.
- [3]. Sagimbaeva G.S., Darvish O.B. Features of the training of future specialists in the conditions of the credit system of education (on the example of Kazakhstan) // Modern problems of science and education. - 2014. - No. 6.
- [4]. V. I. Baydenko Bologna Process: Course of Lectures. M., 2004.
- [5]. Baidenko V.I. Bologna Process: Searching for Commonality of European Education Systems (TUNING Project). M., 2006.
- [6]. Burtsev A.K., Zvonova V.A. The Bologna Process. Foundational materials. M., 2006.S. 29.
- [7]. Bushin N.I., Druzhinina T.G. et al. Training of competitive specialists in the system of professional education. Ufa, 2003.
- [8]. Grebennikova I.D. Innovative aspects of the modern educational process in the context of Russia's accession to the Bologna Convention // Legal Education and Science, 2007, N 1.
- [9]. Majidov X., Mirzoev PP Independent work of students in the credit education system. // Questions of psychology and pedagogy, Kurgan-Tyubinsk State University. 2009. No. 3, pp. 52-54
- [10]. Madzhidov X., Mirzoev PP, Tabarova M.A. Credit technology of education and the main factors affecting the improvement of the quality of training bachelors. / LHajik branch of the international academy of sciences of higher education, 2009, №2. p.
- [11]. Martynenko O.O. Implementation of a credit system in a Russian university: the first results of an experiment on the transition to a credit system of the Vladivostok State University of Economics and Service-Vladivostok: VSUES Publishing House, 2005.
- [12]. Obidov J. G. O. About safety technique and issues of supplying electricity of the textile industry //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 9. – С. 123-127.

Используемые сайты:

- [1]. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=9&article=016>
- [2]. <https://cyberleninka.ru/article/n/european-credit-system-of-education>
- [3]. <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=7336290608054849008&btnI=1&hl=ru>
- [4]. <http://ferpi.uz/>

ШАРҚ ВА ҒАРБ МАКТАБЛАРИДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ ВА АКЦИОЛОГИК ОНГ РИВОЖЛАНИШИГА ДОИР ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

У.А. АЗИМОВ, А.М. ҲАКИМОВ

*Фаргона политехника институту
(Қабул қилинди 15.04.2021 й.)*

This article describes the process of democratic renewal of society in Uzbekistan, the theoretical analysis of the axiological consciousness of man, especially young people as a very complex and controversial phenomenon, the need for an objective new approach, the formation of a philosophy of values.

Key words: value, axiological consciousness, national values, scientific values, spiritual values, universal values, evolution of values, Eastern and Western philosophy.

В данной статье описывается процесс демократического обновления общества в Узбекистане, теоретический анализ аксиологического сознания человека, особенно молодежи, как очень сложного и противоречивого явления, необходимость объективного нового подхода, формирование философии ценностей.

Ключевое слово: ценности, аксиологическое сознание, национальные ценности, научные ценности, духовные ценности, общечеловеческие ценности, эволюция ценностей, восточная и западная философия.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда жамиятни демократик янгилаш жараёни инсон, айниқса ёшларнинг аксиологик онгини зояга мураккаб ва зиддиятли феномен сифатида назарий таҳлил қилиш объектив тарзда янги ёндашувни тақозо қилиниши, қадриятлар фалсафасининг шаклланиши Шарқ ва Ғарб олимларининг қарашлари баён этилган.

Калит сўзлар: қадрият, аксиологик онг, миллий қадриятлар, илмий қадриятлар, маънавий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, қадриятлар эволюцияси, Шарқ ва Ғарб фалсафаси.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳамма соҳаларида демократик ислохотларни давом этиши аҳолининг маънавий ҳаётини тубдан ўзгаришига замин яратмоқда. Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ўтмишига, бугунги кунига ва истикболига янги нуқтаи назардан ёндашмоқда, айниқса, улар маънавий меросни ўзлаштириш, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, байрам маросимларини, умуман олганда, миллий қадриятларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларида[1] халқимизнинг қадриятларини тиклаш, юксалтириш, уларнинг мазмунини давр талаблари асосида маънавий жиҳатдан бойитиб бориш тўғрисида аниқ вазифаларни белгилаб берган.

Республика раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши – қадриятларни аҳамиятини ўсиб бориши ва ҳар томонлама юксалиб боришига кенг йўл очиб берди. Гап “Энг аввало ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданиятини ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда”[2]. Бу йўналишда давлатимиз сиёсий ва ижтимоий институтлари билан ҳамкорликда бозор муносабатларининг қонуниятларига таянган ҳолда инсон манфаатлари, эҳтиёжлари, қарашлари, айниқса меҳнат фаолиятини мукамал ўрганиб бориш ва энг олий қадрият сифатида тарғибот қилиш вазифаси кун тартибига қўймоқда.

Инсон салоҳиятини, унинг билими, маҳорати ва қобилиятини, аввалом бор илм-фан белгилаб беради, яъни фан билан мунтазам равишда шуғулланиш ижодий фаолиятга олиб келади. Натижада илмий изланишлар жамиятимизнинг долзарб муаммоларини бартараф этиш имкониятларини яратади. Фан – қадрият сифатида шаклланиши объектив жараён бўлиб, бир томондан – инсон фаолиятини илмий асосланган ғоялар билан бойитади, иккинчи томондан эса – бошқарув тизимини давр талаблари асосида ташкил этиш учун замин яратади. Илмий қадриятлар республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини боғланган ҳолда ривожлантиради.

Маънавий қадриятларни шакллантириш мақсадида давлатимиз томонидан тегишли чоратадбирлар қўлланилмоқда. Яъни, миллий байрамлар, таниқли шахслар билан учрашувлар, тарихий саналарни нишонлаш каби анъаналар республика халқларининг ғоявий яқинлигини мустаҳкамламоқда ва сиёсий раванқини таъминламоқда.

Маънавий ҳаётимизда – дин масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Эътиқодий қарашларнинг илк давриларидаёқ тарихимизда чуқур илдиз қолдирган “Авесто” ноёб асарида ҳам, зардуштийлик динида қадрият сифатида эзгулик, осойишталик, фидойилик, маънавий поклик, инсонийлик каби фазилатларни моҳияти ва афзаллик жиҳатлари очиб берилган. Афсуски, шўролар даврида Ислоҳ динига мафқуравий тазйиқ ўтказилган, унинг мазмуни ва аҳамияти эса бир томонлама талқин қилинганлиги учун халқ онги, айниқса ёшлар онгини камситишга, керак бўлса, заҳарлашга қаратилган эди.

Мустақилликни ютуқларидан бири – миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларни уйғунлигида ривожланишидир. Фалсафа фанининг методологияси асосида таъкидлаш жоизки, миллийлик алоҳида намоён бўлмайди, агарда миллийликка ортиқча урғу берилиб, ўз ҳолига қўйилса,

оқибати миллатчилик туйғуларига олиб келади. Шу нуқтаи назардан миллий кадриятлар умуминсоний кадриятлар таркибида ривожланади ва унинг ўзгани ташкил этади. Мазкур жараёни қийинчилик жиҳатларини давлатимиз томонидан инобатга олинади ва уларни боғланишларини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир;

- аҳоли ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ватанпарварлик, фидойилик каби мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказиш;

- халқаро муаммоларни (терроризм, экстремизм, экологик ва ҳоказоларни) бартараф этишда республиканинг интеллектуал имкониятларидан фойдаланиш;

- халқаро анжуманларда мутахассислар иштирокини ташкил этиш ва улар билдирган фикр-мулоҳазаларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

- миллий байрам ва маросимларга бошқа миллат вакилларини ҳам жалб этиш ҳамда уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш;

- давлат тили билан биргаликда хорижий тилларни ўзлаштиришга ҳам шароитларни яратиб бериш шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, кадриятлар масаласи уларнинг манбалари, шаклланиши, структуравий ўзгариши, халқларнинг ҳаётида эгаллаб турган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, унинг ривожланиш қонуниятлари Ж.Туленов, С.Шермухаммедов, К.Назаров, С.Отамуродов, И.Каримов, М.Қаҳҳоров, А.Чориев[3] каби мамлакатимиздаги таниқли олимларининг илмий тадқиқотларида масаланинг айрим жиҳатлари очиқ берилган. Масалан, М.Қаҳҳоров фикрича: “Кадрият бу нарсанинг ўзи эмас, балки унинг ижтимоий аҳамиятини мужассамлаштиришдир” [4] - деб билдирилган фикри кадриятнинг моҳиятини англашга қўмақлашади, лекин кадриятлар жамият таркибида шаклланади, демак уларнинг маъноси ижтимоий жиҳатдан ташқари сиёсий ва иқтисодий аҳамияти билан ҳам белгиланади.

Халқ кадриятларининг тарихий илдизлари, яъни маънавий мероси билан ҳам белгиланади. Бу борада С.Отамуродов “Халқ меросини бош манба бўлган ва шундай бўлиб келади”[5] - деган хулосага келган, аммо жамият тараққиёти давомида мавжуд бўлган омилларнинг таъсир этиш кучи ўзгариб боради, бу борада ҳозирги даврни таҳлил этадиган бўлсак, халқнинг маънавияти бош манба функциясини бажармоқда, истиқболда ислохотлар натижасида янги манбанинг вужудга келиши объектив жараёндир.

Умуман шахс ва кадриятлар диалектикасини асосий маъноси жамият ривожланиши мобайнида шакл ва мазмуни ўзаро боғланиш характери, тузилиши ва мезонлари доимий равишда ўзгариб боради.

Кадриятлар муаммоси Ғарб фалсафасида антик даврдан бери тилга олинади ва бу борада турли концепциялар илгари сурилган. Масалан, Э.фон Гартман, А.Гойнби, Ф.Аквинский, Н.Кузанскийлар иррационалистик, Э.Гуссерль, М.Шелер – феноменологик, В.Дильтей – релятивистик, В.Виндельбанд, Г.Риккерт, Г.Торо – неокантчилик, Д.Дьюи, А.Бентли, У.Жеймс – бихевиористик, Э.Дюркгейм, М.Вебер, Г.Спенсер, К.Маркс – социологик, А.Швейцар, А.Печчеи – антропологик, М.Фуко, Ф.Фукуяма – этатистик концепцияларни илгари сурадилар.

Кадриятлар муаммоси ҳар доим файласуфлар ва бошқа тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келган, чунки Г.Риккерт ибораси билан айтганда, «кадрият инсон борлиги» ва «ҳаёти моҳиятига» оид воқелиқдир[6]. Аммо бундан кадриятларга оид муаммо колмади, улар тадқиқ этиб бўлинди, деган хулоса келиб чиқмайди. Ижтимоий-тарихий тараққиёт бетакрор ҳодиса экан, ундаги кадриятларни, мазкур кадриятларнинг социодинамикасини ўрганиш ва улардан шахс маънавиятини юксалтиришда фойдаланиш ҳам азалий масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Ж.Локк кадрли нарсаларни иккига ажратади: биринчисини табиат беради, уни инсон табиатдан тайёр ҳолда олади; иккинчисини эса инсон меҳнати, хатти-ҳаракатлари орқали яратади. Файласуфнинг фикрига кўра, инсон меҳнати билан яратган нарсалар биз учун кадрлироқдир[7].

Кадриятлар фалсафасининг шаклланишига И.Кант катта ҳисса қўшган. Унинг «ҳар қандай онгли мавжудот ўзи ўзига мақсаддир» деган ғояси негизида инсонга восита эмас, олий кадрият сифатида қараш зарур, деган фикр ётади. Қолган барча нарсалар, инсон майли, истаги, қизиқиши туфайли «нисбий кадрга эгадир»[8]. Нисбий кадрга эга бўлгани учун улар «нарсалар» деб аталади ва инсон эҳтиёжларини қондирувчи воситалардир. Онгли мавжудотлар «шахслар» деб аталади, чунки улар субъектив кадриятларга эгадир. Бу билан И.Кант фалсафага «абсолют кадрият» категориясини ҳам олиб кирди[8].

М.С.Каган кўп сонли кишиларни улар бир-бири билан таниш ёки таниш эмаслиги, бир-бири билан бевосита мулоқот қилиши ёки қилмаслигидан қатъий назар бирлаштирувчи ватанпарварлик,

фукаролик, миллий гурур, партиявий интизом каби таянч ижтимоий-сиёсий кадриятларни қайд этади[8].

Шаклланган тадқиқотчилик амалиётидан фарқли ўлароқ, биз назарий жиҳатдан ижтимоий кадриятларни ижтимоий тасаввурлар ва мўлжаллардан ажратамиз. Ижтимоий кадриятларни тавсифлаш учун М.С.Каган илгари сурган ғоялардан ташқари, социологлар У.Томас ва Ф.Знанецкий ҳамда аксиолог М.Рокич кадрият тушунчасига берган таърифлар, бизнингча, диққатга сазовордир. У.Томас ва Ф.Знанецкий кадрият тушунчасини таърифлашга позитивистик нуқтаи назардан ёндашганлар ва уни “таърифлаш мумкин бўлган мазмунга ва бирон-бир ижтимоий гуруҳ аъзолари учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай предмет” сифатида тавсифлаганлар. Шунингдек улар кадриятларнинг “гуруҳ ўз аъзолари ўртасида ҳаракатларнинг тегишли типларини тарқатиш, тартибга солиш ва сақлаш учун қўллайдиган хулқ-атвор қоидалари”[9], деган талқинини ҳам таъриф қилганлар.

Кадриятлар илдизи чуқур бўлса-да, бу тўғрисидаги фан – аксеология XIX асрнинг ўрталарида шаклланган бўлиб, маъқур атама илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи яримида немис аксеолог Э. Гартман ва француз олими Лапи томонидан киритилган ва ўзларининг асарларида қўллаганлар.

Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона, ҳикоят ёки дostonларида оламнинг кадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрининг маъноси, мазмуни, мақсади ҳамда ботирлик, оқиллик, хокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби кадриятларга изоҳ берганлар, ҳатто уларнинг баъзиларини илоҳийлаштирганлар.

Шарқ маданияти тарихида муҳим ўрин тутган буюк мутафаккир аллома Форобий ҳам кадриятлар масаласини илмий нуқтаи назардан ўрганиб борган. Унинг кадриятлар тўғрисидаги фикрлари “Мадина ал-Фозила” рисоласида ўз аксини топган. Аллома ўзининг фозил жамият тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган маънавий-ахлоқий кадриятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган. Форобий бундай жамиятда диний кадриятлар ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини, аммо унда Калом ва фикх вакиллари кишиларнинг маънавий-ахлоқий камолоти учун жавоб берадиган соҳаларни бошқаришлари, ижтимоий муносабатларнинг асосий соҳалари эса файласуф-ҳукмдорлар томонидан бошқариб борилишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, нафақат Оллоҳ ғоясини, балки инсон, жамият ва илм-фан кадриятларини камраб олган.

Кадриятлар масаласи Беруний асарларидан ҳам жой олганлигини таъкидлаш мумкин. Унинг фикрича, маънавий кадриятларнинг вужудга келиши ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғланган. Шунингдек, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик уларнинг бирлашиш эҳтиёжлари, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги ва душманлардан ўзининг ҳимоя қилиш зарурияти туфайли вужудга келганлигини таъкидлайди. Беруний ҳунар, савдо-сотик, мамлакатлараро маданий ва илмий алоқаларни кучайтириш, ижтимоий ҳаётда илм-фаннинг ривожлантириш, унинг ролини оширишнинг тарафдори бўлган. Шу билан бирга у араб босқинчилигини, уларнинг юртимиз маданий ёдгорликларини йўқотиш соҳасидаги сиёсатини қоралайди, маданий тараққиётидаги ворисликнинг зарурий эканлигини таъкидлайди.

Демак, юртимизда кадриятлар масаласи ўзининг ўтмишига эга, унинг илдизлари эса қадим замонларга бориб тарқалади. Кадриятшуносликнинг асл дурдоналарини нафақат Фарбдан, балки Шарқдан ҳам қидирилмоғи лозим. Кадриятшунослик фанига юртимиз тарихида ўз ўтмишига эга бўлган билимлар соҳаси сифатида қараш ва мамлакатимизда бу фаннинг замонавий ривожланишини белгилайдиган асослар бор, дейиш мумкин. Афсуски, масаланинг замонавий кадриятшунослик билан боғлиқ бу жиҳати ҳалигача тўла-тўқис ўрганилмаган ва ўзининг тадқиқотчиларини кутмоқда.

Кадриятларнинг тарбиявий аҳамияти кундан-кун ўсиб бормоқда, уларнинг моҳиятини билиш, эътиқод, ихлос қўйиш ёшларда миллий гурур, ватанпарварлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик фазилатларни камол топтиришга замин яратади.

Кадриятларга ҳолисона ёндошиш, улардан ижтимоий, тарбиявий масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг тарбия тизимида тарихан таркиб топган ўзига хос хусусиятлар туфайли ёшларимиз бошқа миллат ёшларидан ажралиб туради. Масалан, ота-она фарзандининг бирон-бир шармандали хатти ҳаракатидан уялиб, “Мени иснодга қўйдинг-ку, жон болам, энди мен эл-юрт юзига қандай қарайман, маҳалладан чиқиб кетмасам бўмайди”, дегандаёқ бу сўзлар замирида ўз обрўйи, оила обрўсини сақланаётганлигини фарзанд дарров тушуниб этади ва миллат шаънини ҳимоя

киладиган муқаддас тушунча – ориятлилик борлигини англаб етади. Демак, номуслилик, ориятлилик ҳам энг муҳим кадрятлардан биридир.

Умуман олганда, инсон фаолиятининг ижобий фазилатларини шаклланишида биринчи галда кадрятлар тарбиявий функция вазифасини бажаради. Мазкур жараёни намоеън бўлиши учун республикада қулай шароитлар яратилмоқда, натижада аҳоли ўртасидаги ғоявий ва мафкуравий аҳилликни мустаҳкамланиши ўзаро тушуниш, бир-бирининг ишига, ўқишига, илмий тадқиқот олиб боришига, бошқарув масалаларига, ўсиб бораётган авлодни тарбия қилишида ва умуман ижтимоий-сиёсий ҳаракатига кўмаклашишида кадрятлар мустаҳкам тизимга айланмоқда.

Ривожланган давлатларнинг демократлаштириш амалиёти аксиологик онгни, кишилар тафаккурини ўзгартирмай жамият ҳаётини сифат жиҳатдан янгилаш мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Кишилар онги-шуурини, тафаккур тарзини, руҳий сифатларини ўзгартириш муаммоси бугун бутун жаҳон прогрессив ҳамжамиятини ўйлантирмоқда. Шу боис сўнгги ўн йилликда демократик тараққиётнинг ташқи атрибутлари билан бир қаторда жамият аъзоларининг ички (ментал) хусусиятларини ҳам ўрганишга қизиқиш тобора ортмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни демократик янгилаш жараёни инсон, айниқса ёшларнинг аксиологик онгини ғоят мураккаб ва зиддиятли феномен сифатида назарий таҳлил қилиш объектив тарзда янгича ёндашувни тақозо қилади. Бундай янгича ёндашув эса жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида миллий таркибий қисм-миллий менталитетни албатта ҳисобга олиш заруратини туғдиради.

Адабиётлар:

- [1]. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. Юқсак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
- [2]. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устивор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2017 йил 16-январь.
- [3]. Ж.Туленов. Кадрятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон, 1998. С.Шермухаммедов. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: Фан, 2005. Қ.Назаров. Кадрятлар фалсафаси. – Т.: Маънавият, 2006. С.Отамуродов ва бошқалар. Ўзбекистонда маънавий руҳий покланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. Иброхим Каримов Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т.: Фан, 2001. М.Қаҳҳоров. Фалсафа. – Т.: Фан ва технология, 2005. А.Чориев. Инсон фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007.
- [4]. Қаранг: М.Қаҳҳоров. Фалсафа. – Т.: Фан ва технология, 2005.
- [5]. Қаранг: С.Отамуродов ва бошқалар. Ўзбекистонда маънавий руҳий покланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
- [6]. Риккерт Г. Науки о природе и науки о культуре (Избранное). –М.: Республика, 1998. –С. 369.
- [7]. Локк Дж. Сочинения в трех томах. Т.3. –М.: Мысль, 1988. –С. 286
- [8]. Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. Част 1. –М.: Мысль, 1965. –С. 269.
- [9]. Беккер Г., Босков А. Современная социологическая теория. –Москва: 1961. –С. 114-133

УЙ-РЎЗГОР БУЮМЛАРИНИ КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯЛАШ

К.Д. Мухамадсадиқов

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 23.02.2021 й.)

The article provides data on the protection of metal and wood products against corrosion at home, means for the preparation of anti-corrosion agents and ways of their safe use.

Key words: Corrosion, moisture, paint, inhibitor, acid, rust converter, orthophosphate, kerosene, beeswax, baking soda, lemon, paraffin, white vinegar.

В статье приведены данные по защите металлических и деревянных изделий от коррозии в домашних условиях, средства для приготовления противокоррозионных средств и пути их безопасного использования.

Ключевые слова: Коррозия, влажность, краска, ингибитор, кислота, преобразователь ржавчины, ортофосфат, керосин, пчелиный воск, пищевая сода, лимон, парафин, белый уксус.

Мақолада уй рўзгор шароитида буюмларни коррозиядан химоялаш, хусусан металл буюмларни, ёғоч материалларни, коррозиядан химоялашнинг оддий усуллари, химоялаш учун фойдаланиладиган материаллар ва улардан хавсиз фойдаланиш йўллари баён қилинган.

Калит сўзлар: Коррозия, намлик, бўёқ, ингибитор, кислота, зангни ўзгартирувчи, ортофосфат, керосин, асалари муми, озиқ овқат содаси, лимон, парафин, оқ сирка.

Коррозия жараёни ҳар йили дунё иқтисодиётига миллиардлаб доллар миқдорида зарар келтиради ва бу муаммони ечиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Коррозия натижасида на фақат металл йўқотилади, балки қиммат баҳо ускуналар яроқсиз холга келади. Қурилма таъмирлангунга қадар корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори камаяди.

Коррозия жараёни на фақат халқ хўжалигигагина эмас, балки инсонларнинг маиший ҳаётида хонадонларга ҳам катта зарар келтиради.

Индивидуал турар жойларни қуришда металлдан тайёрланган деталлар ҳар қачонгидан ҳам кўп ишлатилмоқда. Турли тўсиқлар, декоратив панжаралар, том деталлари, топ ёпиладиган тунука профиллар, темир бетон маҳсулотлари арматуралари барчаси ҳозирги кунда металлдан тайёрланмоқда.

Мисол учун: ёғоч ёки алюмин профиллардан тайёрланган эшик ромлар, турли металл панжаралар, маиший техника жихозлари, уй-жойларнинг металл қисмлари, темир бетондан тайёрланган фундаментлар ва шу каби жихозлар доимий равишда атмосферадаги намлик, атроф муҳитдаги зарарли элементлар юзага келтирадиган коррозия жараёни таъсирида бўлади ва вақт ўтиши билан улар емирила бошлайди.

Маълумки коррозиянинг асосий сабабчиси намлик бўлиб, у бино ичидаги металл юзаларга ҳам тушади. Шунинг учун ҳам металл юзаларни коррозиядан химоя қилишнинг самарали йўлларида бири юзани изоляцияловчи ва кимёвий қопламалар билан қоплашдир.

0,1 Намлик барча металл жихозларда, шунингдек маиший жихозларда ҳам коррозия жараёни тезлаштиради. Металл юзасида коррозия жараёни бориши металл юзасидаги сув миқдorigа ҳам боғлиқ.



фяуъвукрПРПи

1 расм. Коррозия тезлигининг металл юзасидаги сув қалинлигига боғлиқлиги. I-қуруқ атмосфера коррозияси ($\delta=1-10$ нм); II-нам муҳитдаги атмосфера коррозияси ($\delta=10-1000$ нм); III-хўл муҳитдаги атмосфера коррозияси ($\delta=1\text{мкм}-1\text{мм}$); IV-металлни тўлиқ сувга ботирилгандаги коррозияси ($\delta>1\text{мм}$).

Маълумки йил фаслларида атмосферадаги намлик микдори турлича бўлади. Бу эса металл юзасидаги коррозия жараёни тезлигини турлича бўлишига сабаб бўлади. Тадқиқотларга кўра [1] курук атмосфера коррозиясида коррозия қалинлиги 10-100 нанометрли ташкил қилади (1-расм). Мамлакатимизда йилнинг 6-7 ойида хаво курук бўлгани учун бу даврда намликдан хосил бўладиган коррозия тезлиги камроқ бўлади. Графикдан кўриниб турибдики II ва III худудлар чегарасида коррозия тезлиги энг юқори бўлиб сўнгра пасаяди. Бунинг сабаби металл юзасидаги намлик қалинлиги ортганда кислород диффузиясини қалин намликда амалга ошиши қийин бўлгани учун коррозия тезлиги пасаяди. Худди шундай жараён маиший жихозларда ҳам мавжуд.

Юқоридаги фикрлардан маълумки, уй шароитида фойдаланиладиган барча металл буюмлар коррозияга учрайди. Металл бор жойда занг бор. Металлдан фойдаланиш жараёнида эртами кечми занг хосил бўлади. Уйингиздаги коррозияга учраган жихозни ташлаб юборишга асло шовилманг. Уй шароитида коррозияни олдини олиш мумкин ёки занглаган буюмни зангдан тозалаб ундан яна узоқ муддат фойдаланинг.

Металл буюмларни коррозиядан уй шароитида химоялашнинг кенг тарқалган усули металл юзасига лак-бўёқ копланмаларини беришдир.

Уй шароитида металлларни бўёқлаш билан коррозиядан химоялашда асосий жараёнлардан бири бўёқ турини танлашдир. Хозирги вақтда бўёқларнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

1. Мойли бўёқлар. Бу бўёқ тури олиф асосида бўлиб хонадон ичидаги жихозларни бўйашда яхши самара беради, ташқарида турувчи жихозлар учун мойли бўёқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Атмосфера шароитида мойли бўёқнинг ранги тез ўчади, ёрилади, зангдан кучсиз химоя қилади ва 80 градусдан юқори хароратга чидамайди.

2. Алкидли бўёқлар. Бу бўёқлар бўялаётган юзага мустахкам ёпишади, шунинг учун ҳам уларни рухланган металл юзаларини бўйаш учун кўпроқ ишлатилади. Алкидли бўёқлар ҳам юқори хароратга чидамсиз ва осон алангаланadi.

3. Акрилли бўёқлар. Бу турдаги бўёқлар ички ва ташқи мухитлар учун ишлатилади. Улар узоқ муддат чидамли, экологик жихатдан зарарсиз, ранги ўчмайди, лекин ёнғинга хавфли. Юқори хароратга чидамлилиги бу бўёқларнинг асосий афзаллигидир. Шунинг учун бу бўёқлардан хонадонларда иситиш тизимини бўйаш яхши самара беради.

4. Эпоксид бўёқлар ўткир хидли бўлгани учун уй шароитида улардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Агарда мақсадимиз хонадонларимиздаги жихозларни бўйаш йўли билан коррозиядан химоя қилиш бўлса, таркибида махсус коррозияга қарши қўшимчалари бўлган бўёқлардан фойдаланишимиз керак. Бундай бўёқларнинг нархи бошқа бўёқларга нисбатан ортиқроқ бўлса ҳам самарадорлиги юқори.

Металлга бўёқ беришнинг шёткада ёки жўвада ва қисилган хаво ёрдамида пулвизатор билан бериш кенг тарқалган. Одатда бўёқ беришдан олдин бўяладиган юза яхшилаб тозаланади. Пайвандланган конструкциялар, панжаралар, скамейка каби буюмларни шёткада, теккис ва катта юзаларни жўвада бўйаш қулай. Бўёқ бир неча қатламда берилadi ва олдинги қатлам қуригандан сўнг кейинги қатлам берилadi. Бу бўёқни мустахкамлигини оширади.

Катта юзаларга бўёқ пневматик мосламаларда ҳам берилadi. Бўёқ беришдаги асосий талаб юзанинг тозаллиги ва бўёқни юзага бир теккисда берилишидир. Акс холда буюмда коррозия жараён юзага келadi.

Металл буюмларни коррозиядан химоя қилишнинг анъанавий усулларида дастлаб эски занг металл юзасидан механик усулда тозаланади, сўнгра зангни ўзгартирувчилар ёрдамида зангнинг қолдиқлари тозаланади. Кейинги босқичда эса металл юзаси грунтвоқаланади ва лак-бўёқли химоя қатлами берилadi.

Уй шароитида металл буюмларни коррозияга қарши курашишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Улардан айримларини кўриб ўтамиз.

Кучли кислоталарга ингибитор қўшмасдан зангни йўқотишда фойдаланиш ўта хавфли бўлиб кислота занг билан бирга металлни ҳам эритиши мумкин. Чунки темир фаол металл бўлиб ҳисобланиб кучли кислоталар билан ўзаро таъсирда бўлганда водород ажралиб чиқиб тузлар ҳосил бўлади.

Кислотали коррозияда занглари йўқотишда ингибитор сифатида картошка поялари ва баргидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун шиша банкага картошка барги ва пояларини солиб устига 5-7 % ли сульфат ёки хлорид кислота ботгунча қуйилади. Ҳосил бўлган массани 15-20 минут аралаштирилгандан сўнг бошқа идишга кислота қуйиб олинади ва занглаган жойга ишлов берилади.

Зангни ўзгартирувчилар зангни жигар рангдаги мустаҳкам қопламага айлантиради. Буюмга счётка ёки пульверизатор билан ортофосфор кислотанинг 15-30 % ли сувдаги эритмаси берилади ва очиқ хавода қуритилади. Ортофосфор кислотасини қуйидаги қўшимчалар билан ишлатилганда натижа янада яхши бўлиши мумкин. Мисол учун 4 мл бутил спирти ёки 15 грамм вино спиртни 1 литр ортофосфат кислотаси эритмасига қўшилади. Ортофосфат кислотаси занг компонентларини ортофосфат темирга (FePO_4) айлантиради ва металл юзасида химоя қопламаси ҳосил бўлади. Кучли зангланган металл юзаларга қуйидагича ишлов берилади. 50 грамм сут кислотаси ва 100 мл вазелин мойини аралашмаси метал юзасидаги зангни эритиб темир лактат тузини ҳосил қилади. Тозаланган юзани вазелин мойига ботирилган латта билан артилади.

Занглаган гайкани керосин, скипидар ёки олеин кислотаси билан намланса маълум вақт ўтгандан сўнг гайкани буралиши осон бўлади. Бу болт ва гайкани ажратилиши учун етарли бўлади. Занглаган болт ва гайкани осон бўшатишни йўлларида яна бири қизиган кавшарлагични гайкага яқинлаштирилади, гайка метали кенгайиб ундан занг қўчади, сўнгра ҳосил бўлган тирқишга бир неча томчи керосин томизиб, гайкани ключ билан бураш мумкин бўлади.

Занглаган болт – гайкани ажратишни янада оддий усули мавжуд. Занглаган гайка атрофига асалари муми ёки пластилиндан косача ясалади, косача сатхи гайка сатхидан 3-4 мм баландликда бўлиши керак. Косачага аралаштирилган сульфат кислотаси қуйиб, рух бўлаги солинади. Бир суткадан сўнг гайка ключ билан осонгина буралади. Кислотали коса ва темир асосидаги металл рух – митти галваник элемент бўлиб ҳисобланади. Кислота зангни эритади ва ҳосил бўлган темир катионлар рух юзасида тикланади. Бу вақтда гайка ва болт метали кислотада эримайди, чунки кислотадаги рух темирга нисбатан кимёвий жихатдан фаол металл бўлиб ҳисобланади.

Хонадондаги дурадгорлик ёки чилангарлик асбобларини занглашдан сақлаш учун уларга 10 грамм асалари мумини 20 мл бензиндаги эритмаси билан шёткада суркалади. Асалари мумини бензинда эритиш учун сув хаммомидан фойдаланилади. Қайноқ сувда харорати кўтарилган бензинда мум эрийди. Бу ҳолатда очиқ оловдан фойдаланиш ёнғинга хавфли бўлиб ҳисобланади.

Сайқалланган асбобни коррозиядан химоя қилиш учун унинг юзасига 5 грамм парафиннинг 15 мл керосиндаги эритмаси суркалади. Металлни уй шароитида коррозиядан химоя қилиш учун қадимдан қуйидаги композициядан фойдаланганлар. 100 грам эритилган чўчка ёғига 1,5 грамм комфора қўшилган, аралашма юзасидаги кўпикни олиб ташлаб унга кукун холига келтирилган графит қўшилади ва таркиб қора рангга киради. Совиган суркама асбобга суртилади ва бир суткадан сўнг жун мато билан артиб жилоланади. Агарда вазелин ва графит аралашмасини қотирилаётган болт ва гайка резбаларига суртилса брикма очиқ хавода бир неча йиллар тургандан кейин ҳам ключ ёрдамида брикмани осон ажратиш мумкин.

Уй шароитида жихозларни коррозиядан химоя қилишнинг оддий усулларида яна бири қиздирилган пўлат юзага сув буғи билан ишлов бериш. Буғнинг металл юзаси билан ўзаро таъсири натижасида металл юзасида оксид плёнка ҳосил бўлади ва бу плёнка металлни занглашдан химоя қилади. Фақатгина суви қайнаётган чойнақдан чиқаётган юқори хароратли бўғдан химояланиш учун чойнақ чумагига резина шланг кийдириш керак.

Металл юзасига оддий соч учун ишлатиладиган лакни сепиб куригандан сўнг буюмни 120 градусгача қиздирилса металл юзасида ҳосил бўлган плёнка металлни занглашдан сақлайди. Коррозиядан ҳимоялашнинг бу усулидан қадимий тангаларни йиғувчи коллекционерлар кенг фойдаланадилар. Бу усулдан автомобил кузовини чиришдан сақлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Уй шароитида коррозияга қарши курашишда икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Эритувчилар ва ўзгартувчилар. Эритувчилар фақатгина коррозия маҳсулоти зангни йўқотади, ўзгартувчилар эса металл структурасига таъсир қилиб металл юзасида ҳимоя қатлами ҳосил қилади. Коррозия билан муваффақиятли курашиш учун нафақат кимёвий моддалардан унумли фойдаланиш, балки коррозиядан ҳимояланадиган юзани турли хил чиқиндилардан ва ёғлардан сифатли тозалаш талаб этилади. Металл юзасидаги зангни турли хил кимёвий брикмалар билан бирга механик усуллар билан тозалаш ҳам яхши самара беради. Агарда коррозиядан ҳимояланадиган юза кичик бўладиган бўлса жилвир қоғозлар, металл шётка ва куракчалардан фойдаланиш мумкин, агарда тозаланадиган юза катта бўлса унда электрлашган сайқалловчи машина (болгарка) дан фойдаланиш мумкин. Тозаланган юзани майин жилвир билан жиллолаш юзадаги нотекисликларни камайтиришга имкон беради. Металл юзасида турли нотекисликларни бўлиши уларда намлик ва бошқа агрессив суюқликларни йиғилиб қолиши ва коррозияни юзага келишига имкон яратади.

Қуйида уй шароитида коррозияга қарши крашишнинг энг оддий усуллари билан танишамиз.

Лимон кислотаси. Металл юзасида ҳосил бўлган зангни биринчи марта йўқотилаётганда лимон кислотасидан фойдаланилади. Кукун холидаги лимон кислотани барча озиқ-овқат дўконларидан сотиб олиш мумкин. Пластмасса идишга унча кўп бўлмаган миқдорда кукундан солиб устига қайноқ сув қуйилиб тозаланадиган метал ботириб қўйилади ва 8-12 соат туради. Ундан сўнг метал яхшилаб тоза суда чайқалади ва куритилади.

Шавел кислотаси. Ортофосфор кислотаси ва занг бир – бирига қарама қарши брикмалардир. Ортофосфор кислотаси топилмаган холларда металлдаги зангни йўқотиш учун шавел кислотасидан фойдаланиш мумкин. Фақатгина шавел кислотасидан фойдаланаётганда нафас йўллари респираторлар билан ҳимояланиши ва қўлга резина перчатка кийилиши керак. Занглаган буюм дастлаб ювилади, сўнгра иссиқ сув ва шавел кислотасидан иборат бўлган эритмага солинади. Эритма қуйидагича тайёрланади: 250 мл сувга 5 чой қошиқ шавел кислотаси солинади. Тозаланадиган буюм ярим соат мобайнида тайёрланган эритмага ботириб қўйилади ва шётка билан ювиб куритилади.

Совун билан картошка ҳам худди шавел кислотаси каби таъсир қилади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун картошка кесилиб унга совун суркаб, бир неча соат давомида занг бор жойга қўйилади. Бу усул билан фақатгина кичик участкалардаги занглари тозалаш мумкин.

Озиқ-овқат содаси уй шароитида коррозияга қарши курашнинг универсал воситаси бўлиб ҳисобланади. Уни унча кўп бўлмаган сув билан аралаштириб, ҳосил бўлган бўтқани металл юзасига суркалади. Бир неча соатдан сўнг содани метал юзасидан шётка билан тозаланади ва буюм сувда ювилади. Аралашмани тайёрлаш бўйича маълум пропорция йўқ, уни кўз билан чамалаб тайёрланади.

Оқ сирка. Сирка билан зангни йўқотиш усуллари олдиндан маълум. Металлдаги зангни йўқотиш учун металл сирка билан намланади ёки сиркага метал ботириб қўйилади. Бир неча соатдан сўнг шётка билан металл юзасидаги занг осон тозаланади.

Лимон ва туз. Металлнинг занглаган юзасига туз сепилади ва устига лимон шарбати қуйилади. Ҳосил бўлган аралашма тахминан 3 соат давомида темирни захарлаб зангни ажратади. Металл юзасидан тузни йўқотиш учун лимон пўстлоғидан фойдаланилади.

Дизель ёнилғисидан фойдаланиб металл юзасидаги зангни йўқотиш учун ёнилғи идишга қуйилади ва унга тозаланадиган буюм ботирилади ва тахминан ярим соатлардан сўнг буюмни олиб шётка билан тозаланади. Идишдаги дизель ёнилғисидан бир неча марта

фойдаланиш мумкин. Зангни тозалашни бу усули уй шароитида нокулайлик туғдириши мумкин, лекин дала ховли шароитида яхши самара беради.

Замонавий газланган ичимликлар таркибида фосфор кислотаси мавжуд бўлиб, улар темир оксидини эритиш хусусиятига эга. Унча катта бўлмаган занглаган буюмни газланган ичимликка ботириб, маълум вақт ушлаб турилгандан сўнг буюмдаги занг осон тозаланади. Ҳар бир оилада тайёрланадиган помидор шарбати билан унча катта бўлмаган зангларни 10-15 минут давомида йўқотиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки ҳар бир хонадонда металл буюмлар ва жихозлар мавжуд, уларни оддий усуллар билан коррозиядан химоялаш мумкин ва натижада уй рўзгор буюмларини хизмат муддати ортади, металл ва маблағ тежалади.

Шуни унутмаслик керакки коррозиядан химояловчи воситалардан фойдаланилганда албатта хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши ва коррозиядан химояловчи воситалар экологияни ифлослантирмаслиги керак.

Адабиётлар

1. А.С.Неверов. Коррозия и защита материалов. Минск. Высшая школа 2007 222 стр.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАШ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ МУРАККАБ ЮЗАЛИ ДЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Ш.Н. Файзиматов., С.М. Юсупов, А.М. Гафуров

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 23.02.2021 й.)*

This article provides information about the methods of processing complex surface parts using automated design systems at domestic manufacturing enterprises.

Key words: *project, production, digital program management, software, design programs, G-codes, position, computer graphics, database.*

В данной статье приведены сведения о методах обработки сложных поверхностных деталей с использованием автоматизированных систем проектирования на отечественных производственных предприятиях.

Ключевые слова: *проект, производство, управление цифровыми программами, программное обеспечение, проектные программы, G-коды, позиция, компьютерная графика, база данных*

Ушбу мақолада маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларидан фойдаланиб мураккаб юзали деталларга ишлов бериш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: *лойиҳа, ишлаб-чиқариш, рақамли дастурлар билан бошқариш, дастур, лойиҳа дастурлари, G-кодлар, позиция, компьютер графикаси, база.*

Саноат маҳсулотларининг ҳаёт цикли бир қатор босқичларни ўз ичига олади. Бунга лойиҳа, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш (ИЧТТ), маҳсулотни сотиш, ишлатиш ва утилизация босқичлари киради. Вақт ҳар қандай саноат корхонасининг фаолиятида муҳим омил ҳисобланади. Маҳсулотнинг ҳаёт цикли жараёнининг ҳар бир босқичининг давомийлиги унинг иқтисодий самарадорлигига тубдан таъсир қилади.

Лойиҳани комплекс автоматлаштириш АЛТ(САПР) томонидан амалга оширилади, бу саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳаёт цикли жараёнининг асосий босқичларини қамраб олади. АЛТ(САПР) муҳандислик саноати таркибий қисмлари ҳисоблаш тизимлари ва САЕ-SYSTEM (Компьютер Aided Engineering), CAD-SYSTEM (Компьютер Aided design) лойиҳа тизимлари, САМ-SYSTEM (Компьютер Aided Manufakturing) технологик жараёнларини лойиҳалаш тизимларини ўз ичига олади. САЕ ва АЛТ(САПР) тизимлари лойиҳа босқичлари, САМ тизими ишлаб чиқаришни тайёрлаш босқичига тегишли.

CAD/CAM/CAE тизимларини мувофиқлаштириш PDM тизими (Produkt Data Management) лойиха маълумотларини бошқариш тизими орқали амалга оширилади. Автоматлаштирилган лойиха тизимлари (АЛТ(САПР)) ҳақида умумий маълумот кўплаб лойиха ишларида тасвирланган.

Бундан ташқари, мураккаб юзали деталларга ишлов беришда САМ-тизимларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:


1. ишлов беришнинг технологик жараёнларини лойиҳалаш;
2. РДБ дастгоҳлари ва саноат роботлари учун бошқарув дастурларини ишлаб чиқиш;
3. ишлов бериш жараёнида асбоб ва иш қисмининг нисбий ҳаракати траекториясини куриш;
4. қайта ишлаш жараёнларини моделлаштириш;
5. РДБ дастгоҳларининг муайян турлари учун пост-процессорларни яратиш;
6. Қайта ишлаш вақтини ҳисоблаш;
7. технологик ҳужжатлар тўплами шаклида технологик лойиха натижаларини шакллантириш ва лойиҳалаш.

Кўп мақсадли РДБ дастгоҳларида ИЧТТ автоматлаштиришнинг мавжуд даражаси замонавий CAD/CAM тизимларининг имкониятларини кўриб чиқиш орқали тақдим этилиши мумкин.

АЛТ(САПР)/САМ тизимлари ҳақида умумий маълумот: CAD/CAM/CAE-юқори даражали тизимлар бўйича жаҳон етакчилари CATIA (Dassault SYSTEM компанияси), NX ёки Unigraphics тизими (Siemens PLM Software ёки UGS), Pro/Engineer (PTC). Ушбу тизимлар муҳандислик фаолиятининг кўплаб соҳаларида, жумладан, РДБ-дастгоҳлар (Manufacturing)да ишлов бериш дастурларини автоматлаштиришни таъминлайди.

Ушбу ишда энг катта қизиқиш РДБ фрезалаш-пармалаш ва пармалаш дастгоҳлари, шунингдек, РДБ дастгоҳлари ишлаб чиқариш комплекс технологик тайёрлаш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни яратиш учун тизимлар имконияти ҳақида аниқ дастурлаштириш, автоматлаштириш ҳисобланади. Шунинг учун, САМ тизимларини кўриб чиқиш бизни қизиқтирган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилади. Бундан ташқари, ўрта даражадаги тизимларга алоҳида эътибор қаратилган.

Сатиа, NX, Pro/Engineer дастурларида 3D моделлаштириш ва маҳсулот хусусиятларини оптималлаштириш амалга оширилади. Уларнинг барчаси лойиха, лойиҳалаш, малакали, технологнинг барча муаммоларини ҳал қилувчи бир қатор модуллардан иборат. Умуман олганда, тизимлар ҳар қандай РДБ дастгоҳ билан ҳар қандай фрезалаш ускуналари, ишлов бериш, лазерли кесиш ускуналари, юқори босимли сув ва бошқалар учун мўлжалланган.



1.1-расм. EdgeCAM. Тана деталларига ишлов бериш дастури.


Машинасозликда маҳаллий ишлаб-чиқариш корхоналари: UzSUNGWOO ҚК МЧЖ, UZ-HANWOO ENGINEERING ҚК МЧЖ, «Автоойна» МЧЖ автомобилсозлик корхоналарида АЛТ(САПР) тизимлари орасида энг кўп қўлланиладиган тизимлар EdgeCAM тизимлари (Pathtrace Ltd), SurfCAM Velocity (Surfware Inc.), ФеатуреСАМ (DelCAM), Powermill (Delcam), ГиббсСАМ (Gibbs and Associates), SprutCAM (Sprut Technology Ins.), Т-Флех (Топ тизимлари), ГеММа-3D ва бошқалар.

EdgeCAM-тизими дастур тўплами ва хизмат кўрсатиш тартиблари тўпламидир. Ушбу

дастурлар ва рутинлар РДБ кодларини фрезалаш, ишлов бериш учун кулай шаклда олиш имконини беради.

EdgeCAM-да ишлов бериш технологиясини лойиҳалаш ва моделлаштириш ягона график муҳитда амалга оширилади. мураккаб юзали деталларни қайта ишлашда EdgeCAM тизими уларнинг аниқлигини ҳисобга олмайди, шунинг учун мураккаб юзали деталларни қайта ишлаш дастурлаш қўлда амалга оширилиши керак, бу эса ўз навбатида жуда кўп вақт талаб этади ва технологдан бу соҳада яхши билим талаб қилади. Бундан ташқари, тизим дастгоҳни созлаш учун қўшимча ҳужжатларни тақдим эта олмайди. Кодлаш дастури фойдаланувчиларга РДБ-дастгоҳларини бошқариш учун зарур бўлган асосий маълумотлар тузилмалари ва форматларини хал қиладиган оддий шаблон ёрдамида код генераторларини созлаш имконини беради.

SurfCAM тизими-NURBS сирт моделлари ва мувофиқлаштирилган РДБ дастгоҳлари учун назорат дастурларини тайёрлаш асосида турли даражадаги мураккабликдаги қисмларни ишлаб чиқаришни автоматлаштирилган лойиҳалаш ва тайёрлаш тизими, SURFCAM асбоблари ва материаллари тавсия этилган ишлов бериш усуллари ҳақида маълумотларни ўз ичига олади, турли хил асбоб материаллари ва ишлов берилган қисмлар учун кесиш тезлиги ва суриш тезлигини белгилайди.



1.2-расм. SurfCAM. Тана деталларига ишлов бериш дастури.

SURFCAM ҳар хил турдаги РДБ дастгоҳлари ва тизимлари учун тайёр пост-процессорларнинг катта тўпламига эга (300 дан ортиқ), шунингдек, пост-процессор асосида янги пост-процессорларни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Тешикка ишлов бериш модули тешикларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштиради. Одатда, тез-тез ишлатиладиган ишлов бериш жараёни шаблони бир марта яратилади. Бундай Андоза, масалан, бир неча тешик қайта ишлаш

операциялари мажмуини ўз ичига олиши мумкин. Тез-тез ишлатиладиган жараёнлар учун керакли шаблонларнинг ҳар қандай сонини яратиш ва маълум бир қисмни қайта ишлашга хос параметрларни ўзгартириш мумкин. Тешикларнинг чуқурлигини аниқлайдиган эксенел чизиқлар билан диаметрлар бўйича тартибланган нуқталар, доиралар шаклида ўрнатилиши мумкин. Тешикни қайта ишлаш тартиби турли оптималлаш усуллари ёрдамида ўрнатилади ва бошқарилади. Бу энг қисқа траекторияларни яратишга имкон беради ва минимал дастгоҳ вақтини таъминлайди. Тўғри жойлашишни аниқлаш режими юқори аниқликни таъминлайди, ҳар бир тешикни озиклантиришни камайтириш ва бир йўналишда ёндашишни таъминлайди.

Бирок, EdgeCAM каби, SurfCAM тизими тешикларни қайта ишлашда уларнинг аниқлигини ҳисобга олмайди. Аниқ тешикни қайта ишлаш маршрутнинг мақсади технолог томонидан қўлда амалга оширилади ва шаблон сифатида сақланади. Тизим автоматик равишда дастгоҳни созлаш учун қўшимча ҳужжатларни ярата олмайди.

FeatureCAM тўплами Power Solution комплексини тўлдиради ва ишлаб чиқариш муаммоларини хал қилиш учун мутлақо янги имкониятлар яратади. FeatureCAM модуллари 2,5-5 координатли ишлов беришни дастурлаш имконини беради. FeatureCAM-нинг энг муҳим учта технологияси мавжуд: бу маълумотлар базасига асосланган технология (қайта ишлаш маълумотларни тўплаш имконини беради), ишлов бериш элементларига асосланган технология (осонроқ ва тезроқ дастурлаш имконини беради) ва бошқа АЛТ(САПР) тизимларидан импорт қилишда ушбу элементларни таниб олиш қобилияти (импорт қилинган АЛТ(САПР) моделидан максимал маълумотни олиш имконини беради).

Автоматик кесувчи асбобларни танлашдан олдин, технолог тана деталини қайта ишлаш

Ушбу мақсадга эришиш учун қўйидаги тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш керак:

1. РДБ дастгоҳларида детал маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун технологик тайёргарликнинг узок муддатларини сабабларини ўрганиш.
2. Автоматлаштирилган режимда оптимал ишлов бериш технологиясини яратиш, кесувчи асбобларни танлаш ва САМ тизимида ишлаб чиқариш учун маълумотлар тайёрлаш имконини берадиган мураккаб тизимлар математик моделини ишлаб чиқиш.
3. Дастгоҳни созлаш учун зарур бўлган технологик ҳужжатларни АЛТ(САПР) тизимида автоматлаштирилган алгоритминини яратиш, ишлаб чиқиш.
4. Ушбу ғояларни деталларни қайта ишлаш жараёнларини технологик лойиҳалаш учун дастурий таъминот шаклида амалга ошириш, кейинчалик АЛТ(САПР)/САМ тизимларининг бир қисми сифатида фойдаланиш.

Адабиётлар

- [1]. Автоматизация проектирования технологии в машиностроении/Б. Е. Челищев, И. В. Боброва, А. Гонсалес-Сабатер; Под ред. Акад. Н. Г. Бруевича.-М.: Машиностроение, 1987.-264 с.-(Гибкие производственные системы).
- [2]. Барун В. А. Станки с программным управлением и программирование обработки/В. А. Барун, А. А. Будинский.-Л.: Машиностроение, 1694.-348 с.
- [3]. Борисов Е. И. Обработка корпусных деталей на многоцелевых станках с программным управлением/Е. И. Борисов.-М.: Машиностроение, 1976.-64 с.
- [4]. Быков А. АDEM-VX-на острие атаки//АЛТ(САПР) и графика. 2007.-№5.
- [5]. Юсупов С. М. и др. Диффузияли борлаш усули билан абразив ейилиш шароитида ишловчи штамп пластиналарининг мустаҳкамлигини ошириш//Science and Education.-2020.-Т. 1.-№. 1.-С. 138-144.
- [6]. Fayzimatov Sh. N., Yusupov S. M., Abdullaev B. I. Increasing Durability of Working Elements of Dividing Dies//International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology.-2020.-Т. 7.-№. 4.
- [7]. Файзиматов Ш. Н. и др. Использование современных программных технологий при проектировании штампов//Universum: технические науки.-2021.-№. 3-1 (84).-С. 11-13.
- [8]. Файзиматов Ш.Н., Гафуров А.М. Support of Software Projects at Local Industrial Enterprises., International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 12, December 2019.
- [9]. Файзиматов Ш.Н., Гафуров А.М. РДБ дастгоҳларида мураккаб сиртларни кўп координатали фрезалаш самарадорлигини ошириш истикболлари. АндМИ. МИТЖ №1. 01.08.2020 й.
- [10]. Файзиматов Ш.Н., Гафуров А.М., Маткаримов Б.Б. «Технология получения пенополистирольных моделей» ТГТУ. “Ресурсо-и энергосберегающие инновационные технологии” МН и НТК. 13-15.04.2021г. Ташкент.-С. 360-361.

СТРУЯЛИ АППАРАТ КИНЕМАТИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Қ.Т. Рахимов¹, А.Р. Бабаев², У.Р. Чоршанбиев²

¹Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти,

²Тошкент давлат транспорт университети, E-mail: askar.babayev@mail.ru

(Қабул қилинди 2.03.2021 й.)

In this article theoretical foundations based on kinematic parameters namely mean flow velocity in the suction pipe of the jet device is designed for clean water, power-ups from a change in the pressure in the mixing chamber. The problem considers a single-phase flow, that is, the density of the working fluid and the intake fluid are the same..

Key words: : flow, flow rate, lost pressure, Reynolds number, lost pressure in length, water flow rate.

В данной статье рассматриваются теоретические основы зависимости кинематических параметров в частности средней скорости потока во всасывающем трубопроводе струйного аппарата предназначенного для очистки водоемов отзаиления от изменения давления в камере смешения. В задаче рассматривается однофазный поток, то есть плотность рабочей и всасываемой жидкости одинаковы.


Ключевой слова: поток, скорость потока, потерянное давление, число Рейнольдса, потерянное давление в длине, расход воды.

Мазкур мақолада сув хавзаларини лойқадан тозалаш учун яратилган струяли аппарат сўрувчи қувурнинг кинематик параметрлари, жумладан оқимнинг ўртача тезлигининг аралаштириш камерасида босим ўзгаришига боғлиқлигининг назарий асослари кўриб чиқилган. Масалада суюқлик бир фазали, яъни ишчи ва сўрилувчи суюқлик зичликлари бир хил деб қаралган.

Таянч сўзлар: Оқим, оқим тезлиги, босим, қувурлар юзаси, йўқотилган босимлар, Рейнольдс сони, узунлик бўйича йўқотилган босимлар, сув сарфи.

Сув хўжалигида сув омборлари ва тиндиргичлардан жуда кенг фойдаланилади. Улардан фойдаланиш жараёнида дуч келинадиган асосий муаммолардан бири иншоотнинг лойқага тўлиб қолиши ва бунинг натижасида иншоот фойдали хажмининг камайиб кетишидир. Иншоотларни лойқадан тозалаш ишлари катта энергия ва маблағларнинг сарф бўлишига сабаб бўлади. Ҳозирги кунда халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори сув хавзаларини лойқадан тозалаш ёки лойқа босишини олдини олиш ишларида ҳам энергияни тежаш, қайта тикланадаган энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Ушбу тадбирлардан бири сув хавзаларини лойқадан тозалашда сув хавзасидаги оқимнинг ўзининг потенциал энергиясидан фойдаланишдир. Иншоотда турган оқимнинг юқори потенциал энергиясини кинетик энергияга айлантириб ва унинг ёрдамида тубдаги чўкиндиқларни ҳаракатга келтириб, пастки бьефга чиқариб ташлаш имконини берувчи қурилмалардан бири струяли (оқимчали) аппаратдир [1,2].

Струяли аппаратда иш бажарувчи асосий предмет бу ишчи оқимдир [2,3]. Аралаштириш камерасига сопло орқали кириб келган, катта кинетик энергияга эга бўлган оқим бу ердаги босимни тушиб кетишига сабаб бўлади ва сўрувчи қувурдан келаётган лойқали оқимнинг ҳаракати интенсивлигини оширади [3]. Яъни бундан кўринадики, босимнинг пасайиши қанча кўп бўлса струяли аппарат ишининг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Мақолада струяли аппарат аралаштириш камерасидаги босим ўзгаришининг сўрувчи қувурнинг самарадорлигига таъсирининг гидравлик асослари кўриб чиқилган.



1-расм. Струяли аппарат аралаштириш камерасидаги гидравлик жараён.

Аралаштириш камерасига кириб келаётган ишчи оқим ва сўрилувчи оқимларнинг ўзаро қўшилишларининг параллел бўлган қуйидаги ҳолатини кўриб чиқамиз.

Аралаштириш камерасида оқимлар ўзаро аралашадиган жойдан қуйидаги 1-1 ва 2-2 кесимларни белгилаб ушбу оралиқда содир бўладиган гидравлик жараённи кўриб чиқамиз (1-расм).

Бу ҳолатда оқимлар ўзаро параллел қўшилди. Масалани ечиш учун ҳаракат миқдорининг ўзгариши ҳақидаги теоремадан фойдаланамиз.

Ҳаракат миқдорининг ўзгариши ҳақидаги теоремага асосан:

$$m_1 v_1 - m_1 v_x + m_2 v_2 - m_2 v_x = (p_x \omega_x - p_2 \omega_x) dt \quad (1)$$

Бу ерда: v_1 — ишчи оқимнинг аралаштиришдан олдинги тезлиги; m_1 — ишчи оқимнинг массаси; m_2 — сўрувчи қувурдаги оқимнинг массаси; v_2 — сўрувчи қувурдаги оқимнинг тезлиги; ω_x — аралаштириш камерасидаги оқим кўндаланг кесим юзаси; v_x — аралаштиришдан кейинги оқимнинг ўртача тезлиги; p_2 ва p_x — аралаштиришдан олдинги ва кейинги босимлар.

Суюқликлар массаларини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\begin{aligned} m_1 &= \rho V_1 = \rho Q_1 dt \\ m_2 &= \rho V_2 = \rho Q_2 dt \\ \rho Q_1 (v_1 - v_x) dt + \rho Q_2 (v_2 - v_x) dt &= (p_x \omega_x - p_2 \omega_x) dt \quad (2) \end{aligned}$$

бу ерда: Q_1 -ишчи оқимнинг сарфи, Q_1 – сўрувчи қувурдаги оқимнинг сарфи.

Тенглама устида маълум математик амалларни бажаргандан сўнг ва тенгламанинг ўнг ва чап томонларини $\omega_x \gamma$ га қисқартиб қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\rho Q_1 \vartheta_1 - \rho Q_1 \vartheta_x + \rho Q_2 \vartheta_2 - \rho Q_2 \vartheta_x = p_x \omega_x - p_2 \omega_2 \quad / \omega_x \gamma \quad (3)$$

$$\frac{\vartheta_x \vartheta_1}{g} - \frac{\vartheta_x^2}{g} + \frac{\vartheta_2 \vartheta_x}{g} - \frac{\vartheta_x^2}{g} = \frac{\Delta p}{\gamma} \quad (4)$$

бу ерда: Δp – аралаштириш камерасидаги босим босимлар фарқи;

Агар қўшилаётган оқимлар бир нечта бўлса (1) формулани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\vartheta_x}{g} (\sum_{i=0}^n \vartheta_i - i \vartheta_x) = \frac{\Delta p}{\gamma} \quad (5)$$

Юқорида биз қараб чиқаётган масалада сўрувчи қувурдан келаётган оқимнинг ўртача тезлигини [4] қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\vartheta_2 = \left(\frac{\Delta p}{\rho g \vartheta_x} + \frac{2\vartheta_x}{g} - \frac{\vartheta_1}{g} \right) g \quad (6)$$

ёки:

$$\vartheta_2 = \left(\frac{\Delta p}{\rho \vartheta_x} \right) + 2\vartheta_x - \vartheta_1 \quad (7)$$

сўрувчи қувурдан келаётган сув сарфи:

$$Q_2 = \omega_2 \vartheta_2 \quad (8)$$

Сўрувчи қувурдан келаётган оқимнинг тўхташидан келиб чиқиб яъни:

$$Q_2 = 0 \quad (9)$$

Аралаштириш камерасида зарур бўладиган босимлар фарқининг чегаравий қийматини қуйидагича аниқлаймиз:

$$\frac{g a}{\vartheta_x} + 2\vartheta_x - \vartheta_1 = 0 \quad (10)$$

бундан:

$$a = \frac{(\vartheta_1 - 2\vartheta_x)\vartheta_x}{g} \quad (11)$$

бу ерда:

$$a = \frac{\Delta p}{\gamma} \quad (12)$$

Шундай қилиб струяли аппарат сўрувчи қувуридаги оқимнинг ўртача тезлигининг аралаштириш камерасидаги босимга боғлиқлиги назарий асосланди. Струяли аппарат сўрувчи қувурида сўрилаётган суюқлик ҳаракатга келиши учун аралаштириш камерасидаги босимлар фарқининг чегаравий қиймати қуйидагича:

$$\Delta p > \rho(\vartheta_1 - 2\vartheta_x)\vartheta_x \quad (13)$$

бўлиши керак.

Адабиётлар:

- [1]. Соколов Е.Я., Зингер Н.М. Струйные аппараты. - Москва: Энергия, 1970.
- [2]. Арифжанов А.М., Рахимов К.Т., Самиев Л.Н., Ахмедов И.Г. Определение коэффициента расхода всасывающего трубопровода // Архитектура Қурилиш Дизайн. №3, 2015. – 50-52б.
- [3]. Arifdjanov A.M., Rahimov Q.T., Abduraimova D.A. Hydrotransport of exceptional flow in pipelines with various pulls // European Science Review. – Austria, Vienna, 2017. -124-126p.
- [4]. Рахимов К.Т., Абдураимова Д.А., Дускулова Н.А. Критическая скорость движения гидросмеси в цилиндрическом трубопроводе // Журнал Вестник ТГТУ, -Тошкент, 2012.-№1-2.-60б.

УДК.629

АВТОТРАКТОР ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ОВАЛСИМОН ДЕТАЛЛАРИ ЮЗАСИНИНГ СИФАТИНИ ИШҚАЛАГИЧ ЁРДАМИДА ИШҚАЛАШ УСУЛИ ОРҚАЛИ ОШИРИШ

Т. Алматаев, Н. Каримходжаев, И. Косимов

*Андижон машинасозлик институти, igosimov1970_andmi@gmail.com
(Қабул қилинди 10.05.2021 й.)*

A technology has been developed for grinding the surface of repaired or restored oval parts with an abrasive. The essence of this method is that the surface of the part is processed with an eccentric rotating brush with variable rotary motion using an abrasive granular emulsion, and the surface is polished, that is, a finish.

Key words: *wear, eccentric, rotary motion, brush, scraper, oval part, repair, restoration, shape, engine.*

Разработана технология шлифования поверхности ремонтируемых или восстановленных овальных деталей абразивом. Суть этого метода в том, что поверхность детали обрабатывается эксцентриковой вращающейся щеткой с переменным вращательного движения с использованием абразивной зернистой эмульсии, и поверхность полируется, то есть финишная отделка.

Ключевые слова: *износ, эксцентрик, вращение, щетка, притирка, поверхность, овальная деталь, ремонт, восстановления, форма, двигатель.*

Таъмирлаш ёки тикланган овалсимон деталлар юзасини ишқалагич ёрдамида ишқалаш усули билан силлиқлаш технологияси ишлаб чиқарилган. Бу усулнинг мохияти шундан иборатки, детал юзасига абразив доначали эмульсия ёрдамида ўзгарувчан айланма харакатли эксцентрик ротацион шётка билан ишлов берилиб, юза сиртлари силлиқланади, яъни якуний пардозланади.

Таянч сўзлар: *ейилиш, эксцентрик, айланма харакат, шётка, ишқалагич, овалсимон детал, таъмирлаш, тиклаш, шакл, двигател.*

Қириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонидан келиб чиқиб саноатни ривожлантириш бўйича комплекс чора тадбирлар кўйидагиларни ҳал қилишга қаратилган: корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мосланувчан технологияларни ва қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайитиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.[1]

Машинасозлик саноатнинг турли тармоқларини янги техника ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, барча соҳаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Инсоният ривожланиш босқичларининг бошларида оддий кўринишидаги технологияларидан фойдаланиб келган, масалан, тошдан ясалган меҳнат куролларини тайёрлаш. Инсон онгининг тараққий этиб ривожланиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш технологияси ўз навбатида такомиллашиб кетмоқда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар мураккаблашмоқда ва сифат кўрсаткиларининг даражаси ортиб бормоқда. Корхоналарда технологияларни оддийдан бошлаб мураккабларини қўллаш билан маҳсулотларни ишлаб чиқариш таъминланади, яъни кишилиқ жамиятининг тараққий этиш даражаси билан қўлланилаётган ёки қўлланиши мумкин бўлган технологиялар ўзаро боғлиқ ва улар бири иккинчисига таъсир этишга қодирдир.

Миллий автомобиль саноатимизнинг бундай тараққий этиши давлатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш баробарида, иқтисодиётнинг турли соҳаларида энг замонавий техника ва технологиялар билан самарали ишлаш имкониятини бериб, меҳнат ва хизмат сифатини оширишни таъминламоқда. Ўзбекистонда автомобиллар сони кундан кунга ортиб бормоқда, шу муносабат билан автотранспорт воситаларини таъмирлаш ишларининг сифатини ошириш ички ёнув двигателларининг самарадорлиги ҳисобланади ва замонавий автомобиль узел ва деталларини тиклаш ишлари, таъмирлаш соҳаси илмий техник ютуқлар

ва илғор тажрибалар асосида йўлга қўйилгандагина мувоффақиятли ривожланиши мумкин [2].

Илмий ишлар таҳлили. Машина бирикмалари таркибидаги деталлар ички ва ташқи омиллар таъсирида аста –секин ейилади, уларнинг геометрик ўлчамлари чегаравий ҳолатга етади. Замонавий автомобил узел ва деталларини тиклаш ишлари, таъмирлаш соҳаси илмий техник ютуқлар ва илғор тажрибалар асосида йўлга қўйилгандагина мувоффақиятли ривожланиши мумкин [3-4]. Шу борада Андижон машинасозлик институтида бир катор ишлар олиб борилмоқда, жумладан таъмирланган валсимон деталлар юзасини ишқалаш усули билан силлиқлаш технологияси ишлаб чиқарилди ва бу усул учун давлат ихтиро патенти- IAP 03685 ва деталларнинг ишчи юзасини силлиқлаш мосламаси учун рационализаторлик шаҳодатномаси (№ 27 «Деталларни ишчи юзасини силлиқлаш мосламаси») олинган.

Ейилган юзаларни таъмирлашдан ёки тиклашдан сўнг юза қисмларга ишлов бериш бўйича машинасозлик деталларини чиниқтириш самарадорлиги 20-30 % ошиши мумкин . Бу усулнинг мохияти шундан иборатки, детал юзасига абразив доначали эмулсия ёрдамида ўзгарувчан айланма ҳаракатли эксцентрик ротацион шётка билан ишлов берилиб, юза сиртлари силлиқланади, яъни якуний пардозланади.


Пардозлаш сирт тозалигининг 11-14 класс ва аниқлигини 1,3 мкм атрофида бўлишни таъминлайди бу операция жуда аниқ деталлар юзасидан унча катта бўлмаган ейилишларни йўқотишда, шунингдек бир детални иккинчисига аниқ мослаш учун қўлланилади. Силлиқлаш операцияси эксцентрик тукли шёткада тайёрланган ишқалагич ёрдамида бажарилади. Ишқалашда абразив аралашма суюқликни (эмулсияни) оқизишидан фойдаланилади. Улар ишқаланишни камайтиради ва асбобларни ва ишлов бериладиган қисмни хаддан ташқари

иссиқлик ва коррозиядан химоя қилади, иш жойидан абразив чанг ва майда заррачаларни самарали равишда олиб ташлайди ва усқунанинг асосий элементларининг тез эскиришини олдини олади.

Деталларни ишчи юзасини силлиқлаш мослама ихтироси машинасозлик технологияларида детал ва мосламаларга юқори аниқликда финишли пардозлаш ишларида фойдаланилади. Патентланган ушбу усул “Х иновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар” Республика ярмаркасида катнашиб республика вилоятларида ишлаб чиқариш фермер хўжаликлари билан жами 355 млн. сўмли шартномалар тузилиб, жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон республикаси давлат патенти идораси томонидан берилган "Детал юзини ишқалагич усули ва ишқалагич" ихтиро патенти ИАП 03685 га асосан “Таъмирлаш ишлари сифатининг ички ёнув двигателларга самарадорлиги ва экологик таъсири” дастурлар ишлаб чиқарилди.

Ушбу патент- «Детал юзини ишқалаш усули ва ишқалагич »дан фойдаланиланиб детал юзасига ишлов беришнинг принципиал схемаси куйидаги 1-расмда курсатилган.



1-расм. Детал юзини ишқалаш усули ва ишқалагичда ишлов беришнинг принципиал схемаси. 1- дастгоҳ; 2- овалсимон детал; 3- ротацион эксцентрик ишқалагичли шётка; 4- қувур йўналтиргич; 5- бункер; 6- кран; 7- сопла; 8- халқали ушлагич; 9- шётка туклари; 10- шётка вали; 11- эксцентрик фланец; 12- болт; 13- халқали шайба.

Тажриба ўтказиш методлари. Силлиқлаш дастгохи 1 ишга туширилган холда ишлов берилётган овалсимон детал 2 айланма харакатни амалга оширади. Бундай холда, айланадиган ротацион эксцентрик ишкалагичли шётка 3 ишлов бериладиган қисмнинг айланишига қарши 2 айланади, ишлов бериладиган овалсимон детал юза бўйинлари 2 айланади. Ишлов бериладиган юза бўйини ва ротацион эксцентрик ишкалагичли шётка орасига кувур йўналтиргич 4 сопло 7 ёрдамида абразив аралашмани бир текисликда бутун юзасига тақсимлайди ва шу билан ишлов бериладиган деталь юзининг сиртини 2 силлиқлайди. Чунки шётка хар хил баландлик ўлчамлардан ясалган туклари 9 эксцентрик доира бўйлаб айланиш тезлигидан икки баравар тезликда айланади. Ишлов бериладиган қисмнинг 2, ишлов берилган юзанинг ўзгарувчан туклар 9 таъсир кучини ўзгартиради. Бу холда, хар бир тукнинг 9 эксцентрик айлана бўйлаб хар хил баландлик ўлчамлари туфайли хар бир нуқтада ишлов берилган юзада хар хил таъсир қилади, бунинг натижасида сиртлар 2 қисмнинг ишлов берилган юзасидан кўпроқ ғадир-будирликларни ишлов берилади, бу эса 2-қисмнинг ишлов берилган юзасининг тозалиги, таъмирлаш ёки тикланиш жараёнида якуний чиниктириш сифатининг самарадорлиги оширилади [4,6]

Шу мақсадда айланма имконияти билан ўрнатилган, деталь юзасига таъсир кўрсатувчи пардозлагичнинг ишчи юзасига боғловчи суяқлик билан абразив доналари суртишни ўз ичига олган деталь юзасини пардозлаш деталь юзасига таъсир тукларининг баландлиги айланма бўйлаб ўзгарадиган ротацион эксцентрик четка кўринишида бажарилган пардозлагич воситасида даврий равишда ўзгариб турадиган қаттиқлик ва кучланиш билан амалга оширилади. Ишлов берилётган деталь қаршисига айланиш имконияти билан вал устига ўрнатилади

Тирсақли валнинг бўйинларини токарлик станогида универсал мосламасида эксцентрикли ротацион шетка ишкалагич билан ишқаланишдан фойдаланилади. Стендни харакатлантириш учун 1квтли электик двигателдан фойдаланилади. Валнинг айланиш частотаси 150-200 айл/мин атрофида кискичларнинг босиш кучи 100-120 Н бўлиши керак [5-6].

Таркибида вал устида ва ўзаро маҳкамланган ҳалқасимон элементлари бир пардозлагич эксцентрик фланец ёрдамида вал устида ва ўзаро маҳкамланган ҳалқасимон



2-расм. ИЁД валлар юзини пардозлашда эксцентрик ротацион шётка. 1-ротацион шётка. 2-эксцентрик вал. 3-шайба. 4-болт.

1-жадвал.

Ишкалагич турлари ва ротацион шётка билан ишлов беришнинг синов натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Айланма жилвирлаш тоши + эмулсия	Тери тасмали брус	Чинни брус 4-5	Ротацион шётка абразив аралашмаси билан
1	Силлиқлаш сифати, бал	6	8	7	9
2	Салфетканинг ифлосланиши, г	1,25 ^{±0,51}	1,02 ^{±0,31}	1,12 ^{±0,22}	0,85 ^{±0,13}
3	Тирсақли вал бўйинларини силлиқлаш вақти, мин	5	5	5	5

элементларни ўз ичига олган ва периферия бўйича баландлиги айланма бўйлаб ўзгарадиган туклар билан таъминланган, ротацион эксцентрик шётка кўринишда бажарилади (2-расм).

Тадқиқот натижалари. Андижон машинасозлик институтида бир катор ўтказилган тадқиқотлар бўйича ишкалагич турлари ва ротацион шётка билан ишлов беришнинг таққослаш синов натижалари қуйидаги 1-жадвалда берилган.

Тирсақли вал бўйинларини силлиқлаш самарадорлигини ошириш учун қисмларнинг сиртини силлиқлаш учун ишчи қисмларнинг конструкциясини ўтказилган тажрибалар асосида турли хил барабан ўлчамлари билан айланадиган шўткалар ишлаб чиқарилган. Синовлар пайтида улар силлиқлаш дастгоҳига ўрнатилди ва унинг патронларидаги тирсақли валлари ўрнатилди. Синовлар шуни кўрсатдики, эксцентрик айланиш марказига эга бўлган ротацион шўткалар силлиқлашнинг сифати ва силлиқлаш вақти бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга. 2-жадвалда синовларда ИЁД деталларини ротацион шётка билан силлиқлаш кўрсаткичлари.

2-жадвал.

ИЁД деталларини ротацион шётка билан силлиқлаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Д=70 мм, цилиндрикли	Д=20 мм, цилиндрикли	Эксцентрикли
1	Силлиқлаш сифати, бал	8,3	8,7	9,2
2	Салфетканинг ифлосланиши, г	0,89±0,14	0,92±0,23	0,72±0,19
3	Тирсақли вал бўйинларига силлиқлаш вақти, мин	5	5	5

Хулоса. Ейилган юзаларни таъмирлаш ва тиклашдан сўнг юза қисмларига ишлов бериш бўйича машинасозлик агрегат механизм деталларни чиниқтириш самарадорлигини 20-30 % ошириш бўйича ихтиро патенти ИАП 03685 детал юзини ишқалагич усули ва ишқалагич мохияти суоқликлари аралаштирилган абразив доначали эмулсия ёрдамида айланиб ишлов берилаётган юза айланма эксцентрикли ротацион шётка билан жилвирланади.

Бу ихтиро машинасозлик технологияларига боғлиқ, айниқса юқори аниқликда якуний чиниқтириш услуги ёрдамида машина деталлари ва мосламаларга, ички ёнув двигателлари деталларига механик ишлов берилгандан сўнг фойдаланилади. Замоनावий таъмирлаш ишлаб чиқариш корхоналари хилма-хил тиклаш ва нуқсонларни бартараф қилиш усулларига эга. Лекин бу усул тикланган деталларнинг узок муддат сифатли ишлашини таъминлаши билан бирга двигателларни тежамкор. экологик холатлари эксплуатация давомийлиги ресурсини 10-15% дан кўп маротаба такрорланиш ишга имкониятлар очиб бермоқда. Деталларнинг ейилишга бардошлилигини ва узок ишлаш муддатини ошириш мақсадида ушбу технология бўйича аввал машиналар ёки ускуналар деталларининг ва валларни илмий натижалар, хисоблар асосида янги услуб, юза қисмларга ишлов бериш энерга-ресурсларни 2-3 баробар, материал хом ашёси ва мехнат ресурсларини 3-5 баробар камайишига, ИЁД таъмирлаш сарф харажатларини 1,5-2 баробар камайтиришни ва тахминан 1,5 баробарига ИЁД таъмирлараро оралиқ вақтини узайтиришини натижаларга эришилади. Бу эса илмий конструктив ютуқлар асосида автотрактор двигателларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ишлари сифатининг самарадорлиги ишончилигини оширади ҳамда ишлаб чиқарилаётган захарли газларни камайтиради.

Адабиётлар

- [1]. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. ЎЗР Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармони
- [2]. Қосимов И.С. Каримов А.А. Транспорт воситаси деталларининг иш қобилиятини қайта тиклаш технологияри фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари. "Машинасозлик" илмий хабарномаси АндМИ.2017 йил.№1
- [3]. Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Wood'ead Publishing Limited, 2015.
- [4]. Носиров И.З., Алматаев Т.О., Қосимов И.С. Ўзбекистон республикаси давлат патенти идораси томонидан берилган "Детал юзини ишқалагич усули ва ишқалагич" ихтиро патенти IAP 03685 2008 йил.

- [5]. Каримходжаев Н., Алматаев Т.О. Основные причины, вызывающие износ деталей автотранспортных средств эксплуатирующихся в различных природно-климатических условиях. *Universum: технические науки: научный журнал.* – № 5(74). Часть 1. М., Изд. «МЦНО», 2020. – 72 с. – Электрон. версия печ. публ. – <http://7universum.com/ru/tech/archive/category/57468>
- [6]. Косимов И.С. Повышение эффективности притирки деталей двигателя с использованием ротационной щетки. *Universum: технические науки: научный журнал.* – № 12(81). Часть 2. М., Изд. «МЦНО», 2020. – 41 с. – Электрон. версия печ. публ. – <http://7universum.com/ru/tech/archive/category/10994>

УДК 665.637.8

МОРОСТОЙКАЯ ПОЛИМЕР-БИТУМНАЯ КОМПОЗИЦИЯ

А.С. Ибодуллаев, А.Р. Бабаев, Б.Б. Якубов

*Ташкентский транспортный университет
(Получена 2.03.2021 г.)*

In this article, the paper presents the results of research on the modification of the properties of road bitumen with combined additives obtained on the basis of used rubber and gas-pyrolysis resin. It is established that the modified bitumen content of 7% by weight is optimal for the preparation of the composition. To obtain a bitumen road marks 60/90, BND 90/130 and with improved properties according to the "residue oxidation to deep-sea bitumen modification deep-sea bitumen SBS - compounding obtained bitumen tar" most optimal influence on the structure of bitumen SBS is from 3 to 7 wt. %.

Key words: *modifier, bitumen, composition, asfaltbeton, polymer-bitumen, penetration.*

В данной статье В работе представлены результаты исследований по модифицированию свойств дорожных битумов комбинированными добавками, полученными на основе отработанной резины и газопиролизная смола. Установлен, что для приготовления композиции оптимальным является содержание модифицированного битума 7% масс. Для получения дорожных битумов марок БНД 60/90 и БНД 90/130 с улучшенными свойствами по схеме «окисление гудрона до глубокоокисленного битума - модифицирование глубокоокисленного битума ГПС - компаундирование полученного битума с гудроном» наиболее оптимальной по влиянию на структуру битума является ГПС от 3 до 7% масс.

Ключевые слова: *модификатор, битум, композиция, асфальтабетон, полимер-битум, пенетрация.*

Мазкур мақолада: *Илмий шида иккиламчи резина ва газопиролиз смоласи асосида яратилган комбинацияланган модификатор билан йўл битумларини модификациялашни ўрганиши натижалари келтирилган. Композицияни таркибида модификацияланган битумнинг миқдори 7% бўлиши исботланган. БНД 60/90 ва БНД 90/130 йўл битумлари хоссаларини «гудронни чуқур оқидлаш – чуқур оқидланган битумни ГПС билан модификациялаш - битум билан гудронни аралаштириши» схемаси асосида яхшилашда ГПС нинг максимал миқдори 3-7% масс эканлиги кўрсатилган.*

Таянч сўзлар: *битум, таркиби, асфальтабетон, полимер-битум, пенетрация.*

Введение. До настоящего времени нефтяные битумы, как гидроизоляционные и вяжущие материалы в дорожном и гражданском строительстве, не имеют достойных конкурентов. Благодаря особенностям физико-механического свойства битума, а также относительной дешевизне и большому объему производства, они более ста лет используется, как основной вяжущий материал для производства асфальтобетона. Однако постоянно растущие нагрузки на автомобильные дороги требуют все более высокого качества используемых материалов [1,2]. Существенно повысить эксплуатационные характеристики битума можно посредством совмещения его с высокомолекулярными [3]. Совмещение битума и полимера способствует повышению его тепло- и морозостойкости, улучшению адгезионных свойств. Анализ литературного материала выявил высокий интерес исследователей к проблеме получения новых, ценных в практическом отношении полимер-битумных композитов (ПБК).

Особое место среди полимер-битумных композитов занимают композиционные материалы, в которых в качестве полимерной компоненты используется резина, так называемые, битумно-резиновые композиты (БРК). Особенно привлекательным с экономической точки зрения модификатором битумных связующих являются резинотехнические отходы, и, прежде всего, резина отработанных автомобильных шин, которая является ценным источником высококачественных синтетических каучуков с низкой стоимостью [4]. Однако очевидная перспективность битумно-резиновых композитов сопряжена со сложной проблемой совмещения битума с резиной, являющейся трудно растворимым материалом. Поэтому поиск более технологически простых и экономически выгодных процессов производства БРК является весьма актуальной задачей.

В данной статье представлены результаты исследований по модифицированию свойств дорожных битумов комбинированными добавками, полученными на основе отработанной резины и газопиролизная смола побочного сырья производства полипропилена Устюрского газо- химического комплекса .

Объекты и методы исследования. В качестве объектов исследования служили битум нефтяной дорожный (БНД), газопиролизная смола (ГПС) и резиновая крошка, произведенная из отработанных автомобильных покрышек (Р), а также ПБК и БРК, полученные на основе указанных ингредиентов. Многие существующие методы испытания битумных композиции являются условными и не вполне адекватно отражают их характерные физико-химические свойства. Вязкость определяли по ГОСТ 1929-87, растяжимость по ГОСТ 11505— 75, температура хрупкости по ГОСТ 11507-78, пенетрация по ГОСТ 11501 — 78, температура размягчения по ГОСТ 11506—76, эластичность по методике разработанная в НОЦ «Битумные материалы» РГУ нефти и газа имени И.М. Губкина.

Полученные результаты и их обсуждение. Модифицировали дорожный битум комбинированными добавками в массовых соотношениях: отработанная резина (Р) к газопиролизная смола (ГПС) равных 1,5:1; 2:1; 2,5:1, а битум марки БНД 40/60 с целью обеспечения показателей качества на марку битума БНД 60/90 - комбинированными добавками с повышенным содержанием газопиролизная смола в массовых соотношениях (Р:ГПС) равных 3:1; 4:1 [5].

По результатам анализа показателей качества модифицированных битумов




Рисунок 1. Фактор устойчивости битумов, модифицированных комбинированными добавками (Р+ГПС).

установлено, что модифицирование битума марки БНД 90/130 полученными добавками позволяет повысить его качество практически по всем показателям. У модифицированных битумов повышается температура размягчения и температура хрупкости, достигаются высокие значения пенетрации при 0°С, а также улучшаются значения изменения температуры размягчения и потери массы битумов

после прогрева. Адгезионные свойства битумов, модифицированных комбинированной добавкой (Р+ГПС) в массовом соотношении компонентов в ней 1,5:1,0 и 2:1. Показатели качества битума марки БНД 60/90, модифицированного комбинированными добавками, имели более высокие значения показателей качества по сравнению с требованиями стандарта. Полученные комбинированные добавки, содержат в своем составе резиновую

крошку, которая образует самостоятельную дисперсную фазу в битуме, что может повлиять на седиментационную устойчивость вяжущих при эксплуатации, транспортировании и хранении. Поэтому для модифицированных битумов были исследованы зависимости фактора устойчивости (рисунок) и размеров частиц дисперсной фазы от содержания комбинированных добавок.

Из полученных зависимостей установлено, что при увеличении содержания комбинированной добавки, 1,5:1,0 и 2:1, увеличиваются фактор устойчивости битума и размеры частиц его дисперсной фазы связано с увеличением сил ММВ между дисперсной фазой, образованной также крупными агрегатами резины и дисперсионной средой битума при данном соотношении компонентов в комбинированной добавке. При введении в битум комбинированной добавки с массовым соотношением компонентов (Р+ГПС) = 3,0:1,0 в количестве более 1% мас. устойчивость системы падает, а размер частиц дисперсной фазы имеет максимальное значение при введении 4% мас. добавки. Это, видимо, связано с образованием грубодисперсной системы за счет повышенного содержания агрегатов резиновой крошки в объеме битума. По зависимостям, представленным на рисунках, был установлен наилучший состав комбинированной добавки (массовое соотношение Р:ГПС=1,5:1) и ее содержание в битуме (2-4% мас.) с целью получения термодинамически устойчивых систем.

Результаты, исследование свидетельствуют о целесообразности использования битума, модифицированного комбинированными добавками (Р+ГПС), в качестве вяжущих для асфальтобетонных смесей. Исследования показали, что качества модифицированного битума комбинированной добавкой, полученной на основе отработанной резины и газопиролизная смола в массовом соотношении 2:1. Выбрано данное соотношение компонентов в добавке с целью вовлечения в исходный битум дополнительного количества ароматических соединений. Установлено, что полученные модифицированные битумы имели более высокие значения температуры размягчения и показателя адгезии, а значения температуры хрупкости удовлетворяли требованиям технических документов [6].

Результаты исследований свидетельствуют о возможности корректировки основных показателей качества некондиционных или нестандартных битумов комбинированной добавкой на основе отработанной резины и газопиролизная смола для производства битумов различных марок. На основе полученных результатов исследование композицию получили смешением на лабораторном лопастном смесителе путем первоначального подогрева при температуре 70-90 °С и смешения битума БНД 60/90, БНД 90/130 с модификатором. Модификатора добавили 2-10 мас. % от массы битума.

Исследование показали, что модификация битумов марок БНД 90/130 и БНД 60/90, с ГПС в количестве 5-10% масс. на битум структурирует его дисперсную структуру, увеличивая значения температуры размягчения и пенетрации. Анализ показателя адгезии битумов, модифицированных до 10% масс ГПС, показал, что она увеличивают адгезионные свойства битумов к минеральному материалу. Однако, применение этих добавок не всегда позволяет получить модифицированные битумы с показателями качества в соответствии с маркой БНД 60/90. Наблюдается отклонения от требований, свойств компаундированных дорожных битумов с температурами размягчения 47°С, полученных на основе модифицированного ГПС битума.

Показано, что при введении ГПС в битум происходит увеличение значений его температуры размягчения. ГПС до 5% масс. незначительно изменяют данный показатель, а 10% масс. в большой степени структурируют битум. С увеличением концентрации ГПС в битуме происходит увеличение пенетрации при 25°С и незначительное увеличение его потеря массы после прогрева, что, видимо, связано с увеличением содержания гудрона в компаундированных битумах. С увеличением плотности газопиролизных смол возрастают значения пенетрации и улучшаются адгезионные свойства, снижается температура хрупкости, а при оптимальных концентрациях ГПС в битуме можно значительно снизить значения его температуры размягчения после прогрева.

По значениям относительного изменения таких показателей качества как температура размягчения и пенетрация от содержания ГПС можно определить функциональное действие его на структуру битума, т.е. классифицировать полученные ГПС как пластифицирующие или структурирующие модификатор битумов. Для исследований свойств образцов асфальтобетона на модифицированном битумом, изготовлены композиции плотного горячего мелкозернистого асфальтобетона типа «Б» марки II.

Таблица 1.

Зависимость физико-механических свойств композиции от количества битума

Содержание битума	Показатели						
	R_m , г/см ³	R_m^M , г/см ³	V^M , %	V^0 , %	W , %	R_{cm} , МПа	R_p , МПа
6,0	2,21	2,08	14,02	4,21	3,58	4,13	3,46
6,5	2,22	2,08	14,06	4,19	3,38	4,25	3,23
7,0	2,19	2,05	13,27	4,20	3,62	4,25	3,38
7,5	2,15	2,03	13,20	4,22	3,52	4,20	3,20
8	2,0	2,03	13,19	4,20	3,51	4,15	3,15

Подбор состава образцов для дорожной климатической зоны осуществляли по требованию. Зерновой состав минеральной части композиции для изготовления образцов выбрано по соответствию ГОСТов. Состав композиции подбирали согласно методу проектирования по предельным кривым плотных смесей оптимальное количество модифицированного битума определяли экспериментальным путем [2]. Исследование физико-механические свойства композиции показали (табл.), что оптимальным для изучаемого минерального материала является содержание битума 7%, при этом наблюдается улучшение всех исследованных физико-механических показателей композиции.

Резюме. Таким образом, на основе проведенных исследований, установлено, что для приготовления композиции оптимальным является содержание модифицированного битума 7% масс и для получения дорожных битумов марок БНД 60/90 и БНД 90/130 с улучшенными свойствами по схеме «окисление гудрона до глубокоокисленного битума - модифицирование глубокоокисленного битума ГПС - компаундирование полученного битума с гудроном» наиболее оптимальной по влиянию на структуру битума является ГПС от 3 до 7% масс.

Список литературы

- [1]. Печень Б.Г. Битумы и битумные композиции. - М.:Химия, 2000, 226 с.
- [2]. Платонов А.П. Полимерные материалы в дорожном и аэродромном строительстве. – М.: Транспорт, 2004, - 157 с.
- [3]. Боборажабов Б.Н., Тешабаева Э.У., Вапаев М.Д. Дорожные композиции на основе модифицированных битумов // Ж. Химия и химическая технология, 2018, №4, С-46-48.
- [4]. Boborazhahov B.N., Vapaev M.D, Akhmadzhonov S.A., Ibadullaev A.S. Research of the properties of road asphalt with modified additives // European science review № 9-10 2018. P.163 – 166.
- [5]. Боборажабов Б.Н., Вапаев М.Д., Ахмаджонов С.А., Ибадуллаев А.С. Исследование свойств дорожных битумов, модифицированных комбинированными добавками // Ж. Вестник ТГТУ, 2018, №3, С. 167-172.
- [6]. Juraev V.N., Boborazhahov B.N., Vapaev M.D, Ibadullaev A.S. Modification of bitumen bu waste of gas-processing, gaso-chemical and rubber industries // Austrian Journal of Technical and Natural Sciences № 5-6 2019. 32-36 p.

ЁПИҚ ҚУЁШЛИ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИ

Э.Ў. Мадалиев, И.И. Муллаев, А.М. Абдуразаков

Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 19.02.2021 й.)

The article discusses the issue of applying passive solar heating systems in greenhouses.

Key words: *passive, system, heat accumulator, solar energy, blood clot wall.*

В статье рассматриваются вопросы применения пассивных солнечных систем отопления в теплицах.

Ключевые слова: *пассив, система, тепловой аккумулятор, солнечная энергия, стена тромба.*

Мақолада иссиқхоналарни пассив қуёшли иштиш тизими орқали иситиши масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: *пассив, система, иссиқлик аккумулятори, қуёш энергияси, тромба девори.*

Кириш.

Қишлоқ хўжалигида энергияни кўп талаб қиладиган соҳаси бу иссиқхоналардир. Масалан, 6 га иссиқхона – мева сабзавот комплексида Ўзбекистонда соатига 145-170 ГЖ иссиқлик сарфланади. Замонавий технологияларда, иссиқлик – энергетик қурилмаларда ва иссиқхона конструкцияларида 1м² учун ўртача 80 кВт*соат электр энергияси сарфланади.

Қуёш энергиясидан 10% фотосинтез манбаси сифатида фойдаланилади ва тахминан 1% иситиш учун фойдаланилади.

Ўзбекистонда замонавий иссиқхона хўжалиги энергияни кўп сарфлаши, эрта баҳор ва кеч кузги маҳсулотларнинг таннархи юқорилиги учун иқтисодий зарар кўрмоқда.

Аҳолини арзон, экологик тоза мева-сабзавотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун йил давомида ишлайдиган юқори самарадорликка эга бўлган иссиқхоналар зарур.

Иссиқхоналарни иситиш учун тайёр маҳсулотларнинг камида 50% га тенг энергия сарфланмоқда.


1м² ойнакли қишқи иссиқхонани иситиш учун Ўзбекистонда 1 йилда 0,70 – 1,20 Гкал/м иссиқлик сарфланади.

Фаргона водийсида 1м² икки қаватли ойнакли қишқи иссиқхоналарни иситиш учун 0,30 – 0,50 Гкал/м² ва 1 ойнаклида 0,60 – 1,15 Гкал/м² иссиқлик сарфланади.

Иссиқхоналарни иситиш даврида Ўзбекистонда кўп қуёш энергияси кузатилади. Шунинг учун бундай энергиядан максимал фойдаланиш зарур.

Турли мамлакатларда иссиқхоналарни иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга доир илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, Германия, Испания, Италия каби мамлакатларда иситиш учун сарфлар 30 – 48% атрофида бўлиб, 1÷7 йил атрофида ўзини оқлайди.


АҚШ да ер ости қатламларини циркуляцион ҳаво билан иситиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Илмий – тадқиқотлар асосида юзлаб конструкциялар яратилган, лекин, булардан 10 – 20% гина амалда қўлланилган. Бугунги кунда тадқиқотларнинг асосий эътибори пассив қуёшли системаларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.



1 - расм. Юзаси 100 м² бўлган 4 хил иссиқхоналар.

Ёпиқ куёшли пассив иситиш тизимлари конструкция нуктаи назаридан соддадир. (1-расм)

Куёш радиациясини ўзига қабул қилиб ички энергиясини ортирадиган энг оддий қурилма “Тромба – Мишел” деворидир. (2-расм)



2-расм. Ёпиқ пассив куёшли иситиш тизими (тромба девори).

- 1-Иситиладиган том;
- 2-Шимолий томон изоляцияси
- 3-Шимолий девор
- 4-Чегара қатлам δ
- 5-Шаффоф материал
- 6-Иссиқликни ютувчи қора экран
- 7-Ҳаво оқими.

таъминланади. Қурилмани конструкциялаш вақтида иссиқлик қабул қилувчи экран билан ойнак орасидаги масофани - $2\delta_1$ тўғри танлаш лозим, шу билан биргаликда экран ва девор орасидаги - $2\delta_2$ масофани тўғри танлаш керак. Бу ерда δ_1 ва δ_2 лар деярли бир – бирига тенг, шунинг учун улар табиий конвекция учун чегаравий қатламни аниқлаш тенгламасидан аниқланади:

$$\delta = 2 \cdot \frac{H}{Nu} = 0,378(Gr)^{0,25}; \quad Gr = \frac{\Delta t \cdot \rho \cdot H^3 \cdot \beta}{\nu^2}$$

Турбулент оқим учун

$$\delta = H \cdot (0,96 \cdot Re^{-\frac{1}{6}}) \left(\frac{Pr^{\frac{2}{3}}}{2,14 + Pr^{\frac{2}{3}}} \right)^{\frac{-1}{6}} \cdot Pr^{\frac{1}{6}}$$

бу ерда: H – иссиқлик қабул қилувчи экраннинг баландлиги;

Nu – Нуссельт сони; Gr – Грасгоф сони; Pr – Прандтл сони;

ν – қатламлар орасидаги ҳаво тезлиги; м/с

$$\nu = \sqrt{\frac{2 \cdot \xi \cdot H \cdot \rho_{bx_2} - \rho_{bx_1}}{\Sigma \xi \cdot \rho}}$$

бу ерда: ν – қатламлар орасидаги ҳавонинг ўртача тезлиги; м/с

ρ – қатламлар орасидаги ҳавонинг ўртача зичлиги; кг / м³

Δ – ҳаво қатламининг қалинлиги, мм; $\Delta = 4 \cdot \delta$;

ξ – эркин тушиш тезланиши, м / с²;

Бу қурилмада иссиқлик ташувчи ҳаводир. Қурилманинг ташқи сиртида иссиқлик изоляциясини жойлаштириш зарур. Ойнаклар орасига эса, иссиқлик ўтказиш хусусияти юқори бўлган иссиқлик қабул қилувчи экран жойлаштирилади. Жанубий орқа девор шаффоф қатлам билан ажратилган. Деворнинг юқори ва пастки қисмларида ички ҳаво циркуляцияси учун каналлар мавжуд.

Инсоляция даврида девор ва ойнак орасидаги ҳаво қатлами исийди ва юқори каналлар орқали иссиқхонага узатилади. Бу ҳаво иссиқхонанинг пастки каналларидан келаётган совуқ ҳавонинг ўрнини эгаллайди. Шундай қилиб, табиий гравитация туфайли иссиқхонанинг ички ҳавосини циркуляцияси вужудга келади.

Циркуляциясиз тизимга қараганда Тромба тизимини афзалликлари мавжуд: ички ҳаво бир текисда исийди ва ҳавони иситиш эрталабдан бошланади, иссиқхона ичидаги ҳавони циркуляцияси

ρ_{bx_1} – иссиқлик қабул қилувчига кираётган ҳаво зичлиги, $\text{кг} / \text{м}^3$;

ρ_{bx_2} – иссиқлик қабул қилувчидан чиқаётган ҳаво зичлиги, $\text{кг} / \text{м}^3$;

$\Sigma\xi$ – маҳаллий қаршиликлар йиғиндиси.

Жонли кесимнинг юзаси $F_{жс}$ қуйидагича аниқланади:

$$F_{жс} = \frac{m_0}{3600 \cdot \rho \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot \xi \cdot h \cdot (\rho_{bx_2} - \rho_{bx_1})}{\Sigma \xi \cdot \rho}}}$$

бу ерда: m_0 – ойнақлар орасидаги соҳада ҳаво сарфи, $\text{кг}/\text{соат}$

Иссиқлик қабул қилувчи сиртни танлашда ойнақлар орасидаги иссиқлик алмашинувини ўзига хос томонларини эътиборга олиш зарур.[4] Айниқса, сирт ғадир – будир бўлса иссиқлик алмашинуви 2–2,5 марта ортади, F_x (иссиқлик қабул қилувчи экраннинг юзаси) бўлса, 10 – 100 марта ортади. Бунинг натижасида иссиқлик қабул қилувчининг ўлчамларини камайтириш ва иссиқликни аккумуляция қилиш имкони яратилади. Пассив системаларда иссиқликни аккумуляция қилиш натижасида унинг самарадорлиги ва ишончилиги ортади.

Адабиётлар

- [1]. Абезов Р.Р. Орлов А.Д. Солнечные системы отопления и горячего водоснабжения–Ташкент: ФАН, 1988–с.97
- [2]. Вардияшвили А.Б. Теплообмен и гидродинамика в комбинированных солнечных теплицах–Ташкент : ФАН,1990–с.196
- [3]. Тойсаева В.Т., Марзаев Л.Р. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. Расчет энергетических показателей.–Улан–Удэ: изд-во БГСХА, 2002–с.106.
- [4]. Abbasov, E. S., B. A. Abdukurimov, and A. M. Abdurazaqov. "Use of passive solar heaters in combination with local small boilers in building heating systems." Scientific-technical journal 24.3 (2020): 32-35.

УДК 658.562

ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚИЁСЛАШ НУҚТАЛАРИ ЖОЙЛАШУВИ ВА СОНИ

Қ.М. Эргашов, А.Х. Эркабоев

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 24.02.2021 й.)

This article discusses the choice of the number of the number of the verification point of the measuring instruments, determining their exact values, determining the influencing factors on the operation of the measuring instrument, this is achieved by the method of calculating the Fourier line, the linearity coefficient of the measuring instruments.

Key words: measuring instrument; verification of measuring instruments; verification points; measurement range; approximation; probability.

В этой статье рассмотрено выбор количества числа точки поверки измерительных средств, определения их точных величин, определение воздействующих факторов на работу измерительного средства, это достигается методом расчета линии Фурье, коэффициентом линейности средств измерения.

Анализ материалов съёмки дистанционного зондирования Земли осуществляется по аэрокосмическим снимкам. Примеры материалов съёмки дистанционного зондирования Земли, на основании которых выполняется анализ экологического состояния сельскохозяйственных угодий, представлены на рис. 2–4 [5].

Материалы съёмки дистанционного зондирования Земли

представляют собой космические снимки среднего, высокого и сверхвысокого пространственного разрешения. На рис. 2 представлены результаты космической съёмки, на основе которой осуществляется выявление неиспользуемых (заброшенных) сельскохозяйственных угодий.




Рис. 3. Пример установления степени эродированности почв с помощью ДЗЗ.

На данном этапе неотъемлемой частью является процесс дешифрирования — распознавания объектов на местности путем выявления их содержания с обозначением в условных знаках качественных и количественных характеристик. Пример выявления неиспользуемых (заброшенных) сельскохозяйственных угодий с помощью ДЗЗ позволяет увидеть результат дешифрирования в виде условных знаков — присвоения цветов залежам и необрабатываемым полям, а также сельскохозяйственным культурам, произрастающим на изучаемом участке (рис. 3). Полученные материалы позволяют своевременно выявлять



Рис. 4. Пример выявления экологических проблем сельскохозяйственного землепользования с помощью ДЗЗ.

нерациональное использование сельскохозяйственных земель и устранять нарушения.

На рис. 3 и 4 представлены примеры космических снимков, на основании которых выявляют экологические проблемы сельскохозяйственного землепользования. На рис. 4 отчетливо просматривается вид эрозии и направление ее распространения. На рис. 5 по разновременным мультиспектральным космическим снимкам сверхвысокого разрешения

можно определить степень эродированности почв. Очевидно, что на данном примере отчетливо прослеживается негативная тенденция проявления эрозии. На рис. 6 просматривается негативное влияние стоков животноводческих комплексов на сельскохозяйственные угодья, вызванное неэффективными землеустроительными решениями (размещение улавливающих водоемов и очистных сооружений без учета влияния рельефа).

Заключение. Таким образом, на основании приведенных примеров можно сделать вывод, что применение методов ДЗЗ позволяет осуществлять качественный анализ экологического состояния сельскохозяйственных угодий. Кроме того, анализ экологического состояния сельскохозяйственных угодий на основе материалов ДЗЗ является перспективным направлением, так как он в первую очередь обусловлен снижением затрат на получение информации (стоимость ДЗЗ существенно ниже наземных полевых работ) [6].

Список литературы

- [1]. Карашаева, А. С. Использование аэро- и космических снимков при агроландшафтных исследованиях / А. С. Карашаева // Фундаментальные научные исследования: теоретические и практические аспекты. Сборник материалов II Международной научно-практической конференции. Западно-Сибирский научный центр. — 2016. — С. 182–184.
- [2]. Применение данных дистанционного зондирования с целью рационального использования земель в Российской Федерации / Г. И. Пенсаков [и др.] [Электронный ресурс] / Научные труды КубГТУ. — <https://ntk.kubstu.ru>
- [3]. Мещанинова, Е. Г. Перспективы использования БПЛА при осуществлении земельного надзора / Е. Г. Мещанинова, В. О. Николукина // Экономика и экология территориальных образований. — 2018. — Т. 2, № 3 (6). — С. 122–128.
- [4]. Методы анализа дистанционного зондирования Земли / Н. П. Лаверов [и др.] // Современные проблемы дистанционного зондирования Земли из космоса. — 2015. — Т. 12, № 6. — С. 145–153.
- [5]. Космический мониторинг в сельском хозяйстве [Электронный ресурс] / Совзонд. <https://sovzond.ru>
- [6]. Мещанинова, Е. Г. Оценка эколого-экономического состояния землепользования: монография / Е. Г. Мещанинова, О. А. Ткачёва. — Саарбрюккен: LAP (Lambert Academic Publishing), 2013. — 104.

УДК 691-492-027.267

ТЕХНОГЕН, ТАБИЙ ВА ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Б.Т. Ибрагимов, У. Хамдамов, И.Ф. Хажиев, А.Б. Сираджитдинов

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси
(Қабул қилинди 2.02.2021 й.)

The article pays special attention to the causes, disasters and disasters of emergencies that have occurred in our country for many years. Depending on the nature of the emergency, solutions are proposed to prevent its occurrence and prevent the occurrence of emergency situations in the future. Creation of a modern scientifically grounded observation system that allows predicting the possible occurrence of natural, man-made and ecological phenomena and disasters, determining measures for their prevention, control and elimination as much as possible without human casualties, to ensure public safety a new level, issues of prevention, prevention man-made, natural and ecological emergencies and further improvement of engineering protection of the population and regions.

Key words: *natural, man-made, ecology, emergencies, accidents, disasters, geological, hydrological, meteorological disasters, megalopolises, industrial facilities.*

В статье особое внимание уделяется причинам, катастрофам и катастрофам чрезвычайных ситуаций, которые происходят в нашей стране на протяжении многих лет. В зависимости от характера аварийной ситуации предлагаются решения для предотвращения ее возникновения и предотвращения возникновения аварийных ситуаций в будущем. Создание современной научно-обоснованной системы наблюдения, позволяющей прогнозировать возможное возникновение природных, техногенных и экологических явлений и катастроф, определять меры по

их предотвращению, контролю и устранению в максимально возможной степени без человеческих жертв, для обеспечения общественной безопасности новый уровень, изучены вопросы предотвращения, предотвращения техногенных, природных и экологических чрезвычайных ситуаций и дальнейшего совершенствования инженерной защиты населения и регионов.

Ключевые слова: природные, техногенные, экология, чрезвычайные ситуации, аварии, катастрофы, геологические, гидрологические, метеорологические катастрофы, мегаполисы, промышленные объекты.

Ушбу мақолада юртимизда кўп йиллар давомида содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиши сабаблари, офатлари ва ҳалокатларига алоҳида эътибор қаратилган. Фавқулодда вазиятларни хусусиятларига қараб бартараф этилиши ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар келиб чиқмаслигининг олдини олиши масалаларининг ечимлари келтирилган. Табиий, техноген ва экологик хусусиятли ҳодисалар ва ҳалокатларнинг мумкин бўлган намоён бўлишини башорат қилишга имкон берадиган илмий асосланган замонавий кузатув тизимини яратиши, уларни олдини олиши, назорат қилиши ҳамда юз берганларини имкон қадар қурбонларсиз ва кам талофатлар билан бартараф этиши чораларини белгилаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашни янги босқичга кўтариши, техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиши ва аҳоли ва ҳудудларнинг муҳандислик муҳофазасини таъминлаш ишларини янада такомиллаштириши масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: табиий, техноген, экология, фавқулодда вазиятлар, авария, ҳалокат, геологик, гидрологик, метеорологик офатлар, мегаполис, саноат объектлари.

Юртимиз ва жаҳонда содир бўлиб келаётган глобал муаммолар қаторида табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг кўпайиб бораётганлиги, улардан келтирилган зарар нафақат алоҳида регион, балки жаҳон иқтисодиётига хавф солаётганлиги барчамизга маълум. Биргина короновирус пандемияси даврида жаҳон иқтисодиёти 1 трлн 700 миллиард доллар миқёсида зарар келтирганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Охирги йиллар давомида табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатида келтирилган умумий зарар миқдори миллиард доллардан ошиб, тарихий максимумга етди. Афсуски бундай офатларнинг сони ошиб бориш тенденциясига эга.

БМТнинг маълумотида кўра, дунё бўйича охирги 100 йил мобайнида сув тошқини ва цунами офатлари оқибатида 9,3 млн, zilzilalar оқибатида 2 млн, ураган ва тайфун офатларидан – 1 млн, ЙТХдан – 10 млн, ёнгинлар оқибатида 5 млн одам вафот этган. Ҳозирги кунда бундай офатларга қарши зудлик билан фаол чоралар кўрилмаса, бирон бир давлат, ҳаттоки инсоният барқарор ривожланишга эриша олмайди.

Офатларни бошқаришда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида 2015 йилнинг 14-18 март кунлари Япония давлатида “Бутун жаҳон кўнгилсиз ҳодисалар хавфини камайтириш” бўйича ўтказилган конференция катта аҳамиятга эга. Ушбу Конференцияда қабул қилинган Декларацияда **“Жамиятнинг барқарор ривожланиши офатлар хавфини ҳисобга олмасдан мумкин эмас”**лиги, кейинчалик БМТнинг **“Ҳодисалар хавфини камайтириш бўйича Ҳалқаро стратегияси”**да таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори билан фавқулодда вазиятларнинг таснифи тасдиқланган.

Бизга маълумки, фавқулодда вазият – бу муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиғи ёки атроф-муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли офат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар уларнинг вужудга келиш сабабларига кўра тасниф қилинади ва улар ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламларига қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларига бўлинади. Маълумотларга кўра сайёрамиз таҳликали даврга қадам қўйди, турли офатлар, эпидемиялар ҳамда озик–овқат хавфсизлигини сусайиши, иқтисодий зарарни кўпайиб бораётганлигини далолатидир.

Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг маълумотига кўра, Республика худудида содир бўлаётган табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар давлатимизнинг ҳам барқарор ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар – саноат ва транспорт объектларидаги авария ва ҳалокатлар бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки



олиб келган ҳолат ҳисобланади.

Техноген авария ва ҳалокатлар асосий уч турга бўлинади:

- саноатдаги;
- транспортдаги;
- ёнғинлар.

Техноген авария ва ҳалокатларнинг содир бўлиш эҳтимолига мегаполислар ва саноат объектларининг сонини кўпайиши, йирик ва хавfli ишлаб чиқариш объектлари ва улар яқинида яшовчи аҳоли зичлиги ошиши ҳамда мураккаб технологияларни

ўсиши сабаб бўлмоқда.

БМТнинг маълумотига кўра, техноген авариялар юз берган табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони билан таққосланганда, гидрометеорологик ва геологик ҳалокатлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги ўн йил ичида транспорт ҳодисалари ҳам тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, барча техноген ҳалокатлар орасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар улуши рўйхатдан ўтган фавқулодда вазиятлар сони бўйича 17,5%ни, вафот етганлар сони бўйича 15,5%ни ташкил этади (транспорт ҳодисаларида эса - мос равишда 68 ва 70%).

Табиий хусусиятли фавқулодда вазият - табиий офат бўлиб, аҳолининг нормал фаолиятига кўпроқ халақит беришга, одамларнинг ҳалок бўлишига, моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва йўқ қилинишига, кўпинча экологик офатга олиб келади.

Табиий офатлар бир неча сония ва дақиқалардан (зилзилалар, қор кўчкилари) бир неча соатгача (тошқинлар), кунлар (кўчкилар) ва ойлар (тошқинлар)гача бўлган вақтга нисбатан намоён бўлиши жиҳатидан ҳар хил давомийлиги билан ажралиб туради.

Табиий офатларнинг асосий турлари: - геологик офатлар (зилзила, вулқон отилиши, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари, сув тўпланиши ва селлар, қор кўчкилари);

- гидрологик офатлар (сув босишлари, цунами);
- ёнғинлар (ўрмон, торф, дашт).
- метеорологик (торнадо, циклонлар, бўронлар, тўфонлар, дўл, довуллар, жала, курғоқчиликлар);
- космик (метеоритлар).

Статистика шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда табиий офатлар ва ҳалокатлар сони кўпайиб, улар тобора кенг тарқалмоқда. Табиий офатлар охириги 30 йилга нисбатан, 4 маротаба кўпроқ юз бериб, оқибатлари аянчли вайронагарчиликларга олиб келган. Охириги йилларда эса қурбонлар сони йилига 4,3%га, жароҳатланганлар сони 8,6%га ошиб, келтирилган иқтисодий зарар ўртача 6%га ўскан. БМТ берган маълумотга кўра, охириги 45 йилда табиий офатлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 3,5 млн одамни, моддий зарар 2,8 трлн долларни ташкил этди.



Хулоса

Ҳозирги кунда юзага келган тизимли глобал инқироз шароитида табиий, техноген ва экологик хусусиятли ҳодисалар ва ҳалокатларнинг мумкин бўлган намоён бўлишини башорат қилишга имкон берадиган илмий асосланган замонавий кузатув тизимини яратиш, уларни олдини олиш, назорат қилиш ҳамда юз берганларини имкон қадар қурбонларсиз ва кам талофатлар билан бартараф этиш чораларини белгилаш – мамлакатимизда аҳоли хавфсизлигини таъминлашни янги босқичга кўтаришда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва аҳоли ва ҳудудларнинг муҳандислик муҳофазасини таъминлаш ишларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 октябрдаги “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори.
- [2]. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2020 йилдаги статистик маълумотлари.
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги 2000-2020 йиллар маълумотлар базаси.
- [4]. Бутун дунё статистика маркази “СТІФ”нинг маълумоти.
- [5]. Ўзбекистон Республикаси “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни.
- [6]. Вишняков Я.Д. Безопасность жизнедеятельности. Защита населения и территорий в ЧС: учебное пособие / Я.Д. Вишняков и др. М.: Издательский центр «Академия», 2008.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА LaTeX

С.М. Абдурахмонов¹, Р.М. Зайнидинов¹, А. Тиллабоев¹, Ш.С. Сайитов²

¹Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали (sulton59_15@inbox.ru)

²Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 18.02.2021 й.)

The article describes the technology of graphical presentation of the results of the experiment, an integral part of the regression analysis experiment, created on the basis of the modern text processing program LaTeX system. Regression analysis issues are clearly explained based on the analysis of research results.

Keywords: regression, linear, nonlinear, result, graph, interpolation, parameter, approximation.

В статье описана технология графического представления результатов эксперимента, составная часть эксперимента регрессионного анализа, созданная на базе современной программы обработки текстовой информации LaTeX system. Вопросы регрессионного анализа четко разъясняются на основе анализа результатов исследования.

Ключевые слова: регрессия, линейная, нелинейная, результат, график, интерполяция, параметр, аппроксимация.

Мақолада замонавий матнли ахборотларни қайта ишлаш дастури LaTeX тизими асосида яратилган регрессион таҳлил ажралмас қисми эксперимент, кузатиш натижаларини график асосида ифодалаш технологияси ёритилган. Регрессион таҳлил масалалари аниқ тадқиқот натижаларини таҳлили асосида тушинтирилган.

Таянч иборалар: регрессия, чизиқли, ночизиқли, натижа, график, интерполяция, параметр, яқинлвиши.

Эксперимент ва кузатиш натижаларини таҳлил этиш учун аргумент ва функция ўртасидаги боғланишни математик ифодасини (аналитик ечимини) аниқлаш зарур бўлади. Бунинг учун математикада регрессион анализ технологияси ишлаб чиқилган. Регрессион таҳлил бўйича назарий ва амалий илмий мақолалар етарли даражада эълон қилинган. Лекин уларда таҳлил аниқ мисоллар асосида аниқ тадқиқот натижасига замонавий инфор­мацион технологиялар воситалари ёрдамида олиб бориш бўйича мақолалар кам сонда эълон

қилинган. Бундан ташқари замонавий матнли маълумотларни қайта ишлаш тизими хисобланган LaTeX да экспериментал тадқиқотлар натижаларини регрессион тахлилни ташкил этиш бўйича деярли мақолалар чоп этилмаган. Тизимни тадқиқот натижаларини қайта ишлашга тадбиқ этиш тадқиқот олиб бориш самарадорлигини ортиришда катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун LaTeX тизимини регрессион тахлилга тадбиқ этиш **долзарб** хисобланади [1,2].

Регрессион анализда тадқиқот натижаларини бирор бир боғланишга олиб бориш учун махсус формулалар аниқланган. Фақат олдиндан тадқиқот натижаларини қандай математик боғланишга яқин эканлигини эхтимол қилиш керак бўлади[3].

Регрессияни тахлил қилиш вазибалари:

а) аргумент ва функция ўртасида боғлиқлик шаклини белгилаш. Кузатиш, ўчаш доирасидаги муносабатларнинг табиати ва шакли ҳақида чизиқли ва чизиқли бўлмаган ва тескари чизиқли ва чизиқли бўлмаган регрессияни аниқлаш;

б) регрессия функциясини у ёки бу турдаги математик тенглама шаклида аниқлаш ва келтирилган ўзгарувчиларнинг боғлиқ ўзгарувчига таъсирини ўрнатиш;

с) боғлиқ ўзгарувчининг номаълум қийматларини баҳолаш. Регрессия функциясидан фойдаланиб оралиқ қийматларни интерполяция асосида аниқлаш.

Регрессия функциялари $y=f(x)$ ни қуйдагиларни бири кўринишида бўлиши мумкин:

1. Чизиқли регрессия:

$$y = a + bx + \varepsilon$$

2. Чизиқли бўлмаган регрессия икки хил бўлади. Биринчиси киритилган ўзгарувчига нисбатан чизиқли бўлмаган, лекин баҳоланаётган параметрларга нисбатан чизиқли, иккинчиси баҳоланаётган параметрларга нисбатан ҳам чизиқли бўлмаган. Уларни қуйдагича ифодалаш мумкин:

2.1. баҳоланаётган параметрларга нисбатан чизиқли:

- турли даражали полиномлар $y = a + b_1 \cdot x + b_2 \cdot x^2 + b_3 \cdot x^3 + \varepsilon$

- тенг томонли гипербола $y = a + \bar{x} + \varepsilon$

2.2. баҳоланаётган параметрларга нисбатан чизиқли бўлмаган:

- даражали $y = a \cdot xb \cdot \varepsilon$

- кўрсаткичли $y = a \cdot b^{x \cdot \varepsilon}$

- экспоненциал $y = e^{a+b \cdot x \cdot \varepsilon}$

Юқоридегиларда a, b - коэффициентлар, ε - хатолик.

Регрессия тенгламаларини аниқлаш дейилганда келтирилган тенгламаларни a, b - коэффициентлар ни хисоблаш тушинилади. Мисол учун чизиқли тенгламаларни параметрларини аниқлаш учун кичик квадратлар методидан фойдаланилади. Бу метод қийматни ҳақиқий қийматдан фарқларини квадрати йиғиндиси минимумга интилишини кўрсатади, яъний ўлчанган қийматни назарий қийматдан фарқи минимумга интилади :

$$\sum (y - \bar{y}_x)^2 \rightarrow \min$$

Чизиқли ва чизиқли бўлмаган тенгламалар параметрларини аниқлаш учун қуйдаги тенгламалар системасини ечамиз:

$$\begin{cases} na + b \sum x = \sum y, \\ a \sum x + b \sum x^2 = \sum yx \end{cases}$$

Бу ерда n – ўлчашлар сони.

Тенгламалар системасини ечиб, қуйдагини аниқлаш мумкин:

$$a = \bar{y} - b \cdot \bar{x}, b = \frac{cov(x,y)}{\sigma_x^2} = \frac{y \cdot \bar{x} - \bar{y} \cdot \bar{x}}{x^2 - \bar{x}^2} \quad (1)$$

Регрессия коэффициенти ($-1 \leq r_{xy} \leq 1$) оралиқда бўлиши керак:

$$F_{xy} = b \frac{\sigma_x}{\sigma_y} = \frac{cov(x,y)}{\sigma_x \sigma_y} = \frac{y \cdot \bar{x} - \bar{y} \cdot \bar{x}}{x^2 - \bar{x}^2}$$

Регрессия индекси:

$$R_{xy} = \sqrt{1 - \frac{\sigma^2}{\sigma_y^2}} = \sqrt{1 - \frac{\sum(y - \bar{y}_x)^2}{\sum(y - \bar{y})^2}}$$

Апроксимация ўртача хатолиги, ўлчаш (аниқлаш) қийматини ҳақиқий қийматдан ўртача четлашиши:

$$\bar{A} = \frac{1}{n} \sum \left| \frac{y - \bar{y}}{y} \right| \cdot 100\%$$

А ни рухсат берилган қиймати 8 – 10 % дан ортмаслиги керак.

Чизиқли боғланишга оид экспериментал натижаларни қайта ишлаш учун. Юқоридаги формулалардан фойдаландик. Бизни холда аргумент билан функция ўлчаш натижалари қуйдагича деб олайлик:


1 – жадвал

Регрессияни ўлчаш натижалари

X	0.1	1.0	2.1	3.0	4.5	5.4	6.9
Y	1.5	2.5	4.5	6.1	9.2	10.5	14.1

Асосий мақсадимиз, ўлчаш натижаларини регрессиясини график ёрдамида ифодалашга қаратилди.

x , y , x^*y , x^2 , y^2 параметрлар суммасини электрон жадвал ёрдамида ҳисоблаб, (1) формуладан фойдаланиб a , b параметрлар қийматларини ҳисоблаймиз ва қуйдаги математик ифодани оламиз: $y = 1.9 * x + 0.8$



1-расм. Графикда аналитик ифода ва реал ўлчаш натижалари биргаликдаги ифодаси.

Экспериментатор ўлчаш натижаларини қай даражада назарий натижа мос келишини кузатиши муҳим аҳамиятни касб этади. Хар қандай ўлчаш, кузатиш натижаларида бир параметрини иккинчи бир параметрга қай даражада боғланишини график асосида ифодалаш тадқиқотлар самарадорлигини ортиради.

Регрессион таҳлил бўйича жуда кўп илмий ишлар эълон қилинган. Бизни асосий эътиборимиз регрессион таҳлил натижаларини инфор­мацион технологиялар стандарт воситалари асосида график кўринишида қаратилди. Шунинг учун битта графикда эксперимент натижалари ва регрессион таҳлил натижасида олинган аналитик ифодани ифодалашга

қаратдик.

Графикда аналитик ифода ва реал ўлчаш натижалари биргаликда ифодаланган. Бу графикни LaTeX тизими асосида олинган бўлиб, график ўрнатилган стандартларга жавоб беради.

Экспериментатор ва тадқиқотчиларга илмий натижаларни таҳлил этишлари учун тайёр дастурий технология, тавсия ишлаб чиқилди. LaTeX тизимида дастур (хужжат) тайёрлашда дастур таркибида иштирок этаётган командаларни моҳиятига тўла етиш талаб этилмайди. Фойдаланувчи дастурга эксперимент, кузатиш натижаларини массив кўринишида, натижалар регрессион таҳлил асосида аниқланган тенглама параметрлари билан киритилиши етарли. LaTeX тизимида тайёрланган дастур қуйдагича:

Биринчи блок (1) дастурда дастур тури, зарурий юкланадиган тайёр дастурий пакетлар, пакет версияси келтирилади. Иккинчи блок (2) график абссиса ва ордината ўқларини эгаллаган майдон ўлчамини белгилаш учун хизмат қилади. Бизни холда “ x ” минимум нолдан, “ y ” максимум “12” бирликгача бўлган ўлчамлар белгиланган. “ x ” максимум, “ y ” минимум қийматларни тизим автоматик белгилаб олади.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, биз фойдаланган “pgfplots” пакетидан “x” қимати -5.5 дан +5.5 гача қийматларни олишга созланган. Шунинг учун киритилаётган натижаларни шу ораликга мослаш мақсадга мувофиқ. Агар бу ораликдан катта бўлса қийматларни аниқ бир сонга бўлиб, шу ораликга келтириб олиш керак. Бўлинган сонни координата ўқлари белгилашларида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Учинчи блок (3) эксперимент, кузатиш натижалари нуқталарини график текслигида қандай кўринишда ифодаланишини белгилайди. У ерда нуқта учун белгиланган символ, символ ранги кўрсатилади. Тўртинчи блок (4) эксперимент, кузатиш натижаларини x ва y ўқлари бўйича қийматларини киритиш учун хизмат қилади. Фойдаланувчи бу қийматларни киритади. Бешинчи блок (5) регрессион таҳлил асосида аниқланган аналитик ифодани белгилайди. Бу ифодани фойдаланувчи киритади.

```

\documentclass{article}
\usepackage{pgfplots}
\pgfplotsset{compat=1.9}
\pgfplotsset{model/.style = {blue, samples = 100}}
%Содержимое документа
\begin{document}
\begin{tikzpicture}
\begin{axis}[xmin = 0, ymax = 12]
\addplot[
mark=*,
mark size=1pt,
only marks,
point meta=explicit symbolic,
scatter,
scatter/classes={
a=(blue)
}
]
table [meta=class] {
x y class
0.1 1.5 a
1.0 2.5 a
2.1 4.5 a
3.0 6.1 a
4.5 9.2 a
5.4 10.5 a
6.9 14.1 a
};
\addplot[model](1.9*x+0.8);
\end{axis}
\end{tikzpicture}
\end{document}

```

2-расм. Экспериментатор ва тадқиқотчиларга илмий натижаларни таҳлил этишлари учун тайёр дастурий таъминот.

Тадқиқотчи таклиф этилган технологиядан фойдаланиши учун келтириб ўтилган LaTeX тизимидаги дастурни (хужжатни) кўрсатиб ўтилган фойдаланувчи учун мўлжалланган, зарурий блокларига натижаларни киритиши етарлидир. Фақат LaTeX тизими ўрнатилишини талаб этилади. Бу тизимни компьютерга ўрнатиш катта малакани талаб этмайди ва тизимни ташкил этувчи амалий дастурлар интернет тизимида бепул жойлаштирилган.

Келтириб ўтилган графикни чоп этиш вариантга, ўқларга ва графикга ном беришни ташкил этиш мумкин. Бунинг учун қуйдаги ўзгартиришни киритиш етарли:


Иккинчи блокда(2) `[title = Voltamper karakteristikasi, xlabel = {$Kuchlanish$}, ylabel = {Tok},xmin = 0, ymax = 12]`.

Хулоса:

Графикдан кўриниб турибдики, тадқиқотчи замонавий ахборот технологиялари воситалари асосида эксперимент, кузатиш натижаларини талаб даражасида ифодаланиши бу билан тадқиқот ўтказиш самарадорлигини ортишига эришиши мумкин.

Адабиётлар

[1]. Алексеев Е.Р. Использование свободных программ в научных исследованиях. Прикладная информатика.2009,№ 6(24), стр.61-79.



3-расм. замонавий ахборот технологиялари воситалари асосида эксперимент, кузатиш натижалари.

- [2]. Степанова А.В. LaTeX в математике. Компьютерные инструменты в образовании. 2008., №1, стр.97-102.
- [3]. Есаян А.Р., Якушин А.В. *LyE* и системы символьной математики. Чебышевский сборник. Материалы 9 – международных конференции. Алгебра и теории чисел. 2012., том.13, выпуск 1, стр.86-91.

ПАНДЕМИЯНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ

М.Х.Ахунова

*Фаргона политехника институту
(Қабул қилинди 21.05.2021 й.)*

This article discusses the measures taken against the spread of the coronavirus pandemic and its impact on the economy.

Keywords: *coronavirus, measures, quarantine, restriction, "informal sector", recession.*

В этой статье рассматриваются меры, принимаемые против распространения пандемии коронавируса, и ее влияние на экономику.

Ключевые слова: *коронавирус, меры, карантин, ограничение, «неформальный сектор», рецессия.*

Ушбу мақолада коронавирус пандемиясининг тарқалишига қарши кўриляётган чора-тадбирлар бўйича мулоҳазалар, унинг иқтисодиётга таъсири масалалари муҳокама қилинган.

Калим сўзлар: *коронавирус, чора-тадбирлар, карантин, чеклов, «норасмий сектор», рецессия*

Бутун дунёда глобал муаммога айланган коронавирус инфекцияси жаҳон молиявий тизимига сезиларли даражада зарар етказди. Мамлакатларда касалликни янада кенг тарқалиб кетишини олдини олиш, касалланганларни даволаш ҳамда карантин даврида аҳолига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистонда ушбу вирусни кенг тарқалишини олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг 16-мартдан карантин ҳолати жорий қилинди. Карантин ҳолати натижасида кўплаб тадбиркорларимиз шу қаторда оддий халқимиз ҳам зарар кўришини инobatга олиб давлат томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини енгиллаштириш мақсадида кредит тўловларида, солиқ ва бошқа тўловларни карантин даври тугагунга қадар узайтирилиши ва узайтирилган давр учун пеня ва жарима солинмаслиги тўғрисида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятига хавф солаётган коронавирус пандемияси кундалик ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистонга ҳам коронавируснинг кириб келиши кўпчиликда ҳавотир ҳиссини уйғотди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вазирлик ҳамда қўмиталарнинг биргаликда тезкор равишда касаллик тарқалишини олдини олиш бўйича кескин чоралар кўрилиши иқтисодиётимизни барқарор ривожланиши учун кенг имкониятларни яратди. 2020 йил 23- март куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 176-сон “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Президентнинг Ф-5537-сонли фармони қабул қилиниши пандемиянинг салбий оқибатларини олдини олишда муҳим қадам бўлди. Ўзбекистонда коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш мақсадида қиймати 10 трлн. сўм миқдорда махсус жамғарма ташкил этилиши иқтисодий йўқотишларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. МССИ томонидан берилган статистик маълумотларга кўра айни пайтда коронавирус дунё бозорларида 12 триллион доллар миқдорда зарар етказишига сабаб бўлди. Коронавирус инфекциясини янада тарқалиб кетмаслиги учун ҳар бир шахс шифокорлар томонидан кўрсатилаётган йўл йўриқларни ўз вақтида бажариши лозим.

Дунёнинг етакчи таҳлилий компанияларидан бири Focus Economics коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва унинг молиявий оқибатлари бўйича экспертлар орасида ўтказилган навбатдаги сўров натижаларини кўра,

- 71 та экспертнинг 58 фоизи 2020 йилда глобал ЯИМнинг ўсишини 2 фоизли пункт ва ундан кўпроқ миқдорда камайишини, уларнинг тўртдан бир қисми эса бу кўрсаткични 3 фоизли пунктдан кўпроқ миқдорда камайишини прогноз қилишмоқда.
- Иқтисодчиларнинг ярмидан кўпи (56%) коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига 2020 йилдан кейин ҳам таъсири бўлиши тахмин қилишмоқда.
- келгуси 12 ой ичида жаҳон иқтисодиётида рецессияни деярли муқаррар деб баҳолади. Уларнинг фикрига кўра, рецессия камида 2 чорак давом этади.
- кўпчилик иқтисодчилар бугунги кунда коронавируснинг салбий иқтисодий оқибатларини бартараф этишда жорий қилинаётган чора-тадбирлар ва молиявий стимулларни етарли эмас деб ҳисоблайдилар.
- жаҳон иқтисодиётида кутилаётган рецессия глобал иқтисодий инқирозга олиб келадими ёки йўқ, деган масалада экспертлар фикри иккига бўлинди: уларнинг бир қисми дунё бўйлаб мисли кўрилмаган кўламда корхоналар фаолиятининг вақтинча тўхтатилиши ва юқори даражадаги қарзлар миқдори молиявий инқирозга сезиларли туртки бўлишини тахмин қилишса, бошқалари фаол жорий қилинаётган чора-тадбирлар ва молиявий стимуллар бундай глобал инқирознинг олдини олишини таъкидлашган. Аксарият экспертларнинг фикрига кўра, бу масалада жорий қилинаётган иқтисодий стимулларнинг самарадорлиги ва пандемиянинг давомийлиги асосий омиллар бўлиб қолади.
- Дунё иқтисодиётига етказилган зарарни инқироз чўққисидан ўтилганидан сўнг, умумий тарзда ҳисоблаш мумкин бўлади. Иқтисодиётга пандемиянинг ўзи эмас, балки у билан боғлиқ чекловлар салбий таъсир қилмоқда.
- Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қатъий чораларни кўрмаслик фалокатли оқибатларга ва кўплаб қурбонларга олиб келиши мумкин. Бундай мураккаб шароитда иқтисодиётни имкон қадар қўллаб-қувватлаш ва унинг тезда тикланиб олишига умид қилиш асосий мақсадга айланади.
- Турли халқаро молия институтлари маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш тезлиги пасаяди. Инқироздан олдинги даврда бу кўрсаткич Жаҳон банки томонидан 5,7 фоиз миқдорда бўлиши, Европа ва Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори кўрсаткичга айланиши башорат қилинган эди.
- Энди эса Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иқтисодиётни кейинги йилда тикланиб олиш шarti билан бу кўрсаткични 4,7 фоиз деб ҳисобламоқда. Жаҳон банки ўз хулосасида Марказий Осиёда иқтисодий инқироз кескин бўлишини башорат қилган ҳолда, бу кўрсаткични -4,4 фоиз ва -2,8 фоиз деган. Ўзбекистон учун ўсиш 1,6 фоиз бўлиши башорат қилинган, бу эса инқроздан олдинги 5,7 фоиздан анча пастдир. Жаҳон банки ўз башоратида кўпгина омилларнинг ноаниқ бўлиб қолаётганига урғу берган. Яқунда айнан шуларга асосан худуд малакатларидаги иқтисодий ўсишнинг қандай экани маълум бўлади.

Албатта иқтисодий ўсишнинг пасайишига Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари (Хитой, Россия, Туркия) иқтисодиётидаги пасайиш ҳам таъсир қилади. Яна бир муҳим омил – хомашё бозорларидаги пасайиш билан боғлиқ ишбилармонлик фаоллигининг сустлиги. Шунингдек, нефт нархининг пасайиши ҳам сезиларли даражада таъсир қилади. Кўп жиҳатдан мана шу ташқи омиллар барқарорлашса, Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш бўлиши мумкин. Оптимистик прогнозларга кўра, агар пандемия жilовланса, юқорида тилга олинган мамлакатлар иқтисодиёти учинчи чоракда тикланиб олиши кутилмоқда. Шунда карантин чоралари енгиллаштирилади ва босқичма-босқич бекор қилинади, бу эса иқтисодиёт яна

нормал изига қайтишига имкон беради. Масалан, меҳнат мигрантларидан пул ўтказмаларининг кўп қисми келадиган Россиянинг иқтисодиёти иккинчи ярим йилликда тикланиб олиши башорат қилинмоқда. Таҳлилчилар сўзларига кўра, бунга «захираларни тўлдириб олиш ва товар етказиб беришнинг меъёрадаги тезлигини тиклаб олиш учун тезкор ишлаб чиқариш йўлга қўйилишидан келиб чиқадиган кечиктирилган истеъмол ёрдам беради».

Россия ва Қозоғистондан меҳнат мигрантлари жўнатаётган пул ўтказмалари ҳажмининг пасайиши Ўзбекистон иқтисодиётини қарахт аҳволга солиши мумкин. Биринчидан, Россия ва Қозоғистон хориж фуқароларининг ўз ҳудудига киришини тақиқлади. Иккинчидан, ҳар иккала мамлакат нефт нархининг пасайиши сабабли, оғир аҳволга тушган. Бу ҳолат Ўзбекистонга жўнатиладиган пул ўтказмалари ҳажми пасайишига олиб келиши мумкин. Жаҳон банкининг халқаро миграция ва уй хўжаликлари фаровонлиги масалаларига боғлиқ изланишлари натижасига кўра, пул ўтказмалари тўхтаса, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 16,8 фоизга ошади.

Пул ўтказмаларининг тўхташи истеъмолга ҳам салбий таъсир қилади, чунки уй хўжаликлари уларнинг катта қисмини истеъмолга ва уй шароитларини яхшилашга сарфламоқда. Жаҳон банки маълумотига кўра, пандемия шароитида пул ўтказмалари 50 фоиздан ҳам ортиқ миқдорда пасаяди. Қайд этиш жоизки, карантин чекловлари Ўзбекистоннинг кўплаб соҳаларига салбий таъсир ўтказди. Умумий овқатланиш, туризм ва меҳмонхона, хизматлар соҳаси жиддий талафот кўрди. Чекловлар туфайли зарар кўрмаган соҳа деярли қолмади. Айниқса кичик бизнесга жуда оғир бўлди, чунки бундай шароитда унинг тезда тикланиб олиши осонмас. Шу сабабдан, иқтисодий пасайиш ҳажмини башорат қилиш мушкул. Воқеалар ривожининг ижобий сценарийсида, шунингдек, ҳукумат томонидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилаётгани, муҳтожларга ёрдам берилаётгани шароитида иқтисодиёт шу йилнинг учинчи чоракдан тикланиб олинишини кутиш мумкин. Бироқ, бир қанча салбий таъсирларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни-сақлаш, ижтимоий соҳа учун йўналтирилган харажатлар, шунингдек, божхона божлари ва аксизларни пасайиши, кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш билан боғлиқ маблағлар тушумининг камайиши натижасида бюджетнинг молиявий аҳволи оғирлашиши мумкин. Яна бир муаммо Ўзбекистон иқтисодиётининг «норасмий сектори»да меҳнат ресурслари улуши юқорилигида. Бу меҳнатга лаёқатли бўлган 13 миллион кишидан тахминан 7-8 миллионини ташкил қилади. Карантин билан боғлиқ чекловлар натижасида «норасмий сектор»да ишлаётган меҳнат ресурслари ишидан ва иш ҳақидан ажралади. Иқтисодий пасайиш даврида корхоналар ходимларни қискартиришга ҳаракат қилишади, бу эса ўз навбатида ишсизликнинг ўсишига олиб келади.

Шу мақсадда фуқароларга пул тарқатишли, уларнинг пулни ишлатиши эса иқтисодиётни қўллаб-қувватлаши мумкин. Ҳукуматнинг қатъий чоралари – молиявий-иқтисодий қийинчиликлар ва ноаниқлик даврида бизнесга йўлланган муҳим сигналлардир. Аслида чекловлардан дунё иқтисодиёти азият чекмоқда. Блумберг таҳлилчиларининг дастлабки ҳисоб-китобида кўра, зарар 5 триллион долларга баҳоланяпти. Бунда эпидемиянинг иккинчи тўлқини юз бериши эҳтимоли катта. Бу эса озиб-тўзган иқтисодиётга яна бир зарба бўлади. Ўзбекистон ва ҳар қандай мамлакат учун иқтисодиёт учинчи чоракдан бошлаб тикланиб олиш сценарийси мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда камтарона 1,5-1,6 фоиз ўсишга ҳам эришолмаймиз. Бунинг учун чекловлар юмшатилиши ва босқичма-босқич бекор қилиниши лозим. Бу очиқ-ойдин кўриниб турган факт. Бир томондан инфекциянинг тарқалишига тўсиқ қўйиш ва мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият яхшиланиши керак. Бунинг учун дастлабки босқичда карантин ва ўзини яқкалашга ўтиш, кейинги босқичда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тавсия қилинмоқда. Акс ҳолда кўплаб қурбонлар бўлиши, тиббий хизматга юктамалар жуда катта миқдорда ошиб кетиши мумкин.

Бошқа томондан, чекловларнинг узайтирилиши, шунингдек, ўсиш суръатларига чиқиш даврининг узайиб кетиши одамларни ишсиз, даромадсиз ва базавий неъматлардан

маҳрум қилиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг озик-овқат хавфсизлиги ҳам таъминлаши керак, айниқса чекловлар узайтирилган шароитда бу долзарб масалага айланди. Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳасига инвестицияларнинг киритилиши истикболдаги иқтисодий ўсиш сабабчиси бўлиши мумкин. Ҳар биримиз вазиятнинг мураккаб эканини англаган ҳолда, карантиннинг чекловчи чораларини олиб ташланишини тезлаштиришимиз, иқтисодиёт ва ҳаётнинг барча соҳаларини нормал изга тушиб кетишига кўмак беришимиз мумкин. Бунинг учун шифокорларнинг тавсияларига амал қилишимиз шарт. Бу чоралар бошқа мамлакатларда ижобий самара берди ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан тавсия қилинган. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, коронавирус пандемияси каби камдан-кам кузатиладиган фавқулодда ҳолатларда иқтисодий зарарни камайтириш учун қуйидаги қўшимча чораларни кўриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- 1) Иқтисодиётни рақамли иқтисодиётга ўтказиш талабидан келиб чиқиб электрон тижорат ва электрон ҳукуматни кучайтириш;
- 2) Карантин даврида ёшларни зарурий билимга эга бўлишлари учун масофавий электрон таълим тизимидан кенг фойдаланиш.
- 3) Аҳоли камбағал қатламини ҳимоя қилиш мақсадида ҳомийлик кўрсатишга кенг имконият яратиш ва уларни келгусида рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш тизимини жорий этиш;
- 4) Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун солиқ юкини биринчи ярим йиллик учун кескин камайтириш;
- 5) Қайта молиялаш ставкасини инфляция даражаси, истеъмолнинг камайиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда вақтинча пасайтириш имкониятларини кўриб чиқиш;
- 6) Турли хавотир ва саросимага тушган инсонлар учун психологик ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масофавий ёрдам марказини ташкил этиш чораларини кўриш.

Эътироф этиш керакки, коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасида Ўзбекистон танлаган йўл оқилона. Президентимиз томонидан 2020-йил 19-мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Ушбу ҳужжат асосида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари ҳисобидан қайси соҳалар биринчи навбатда молиялаштирилиши белгиланди. Бу эса пандемиянинг иқтисодий асоратларини юмшатиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда халқаро молиявий ташкилотларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига доир прогнозларига тўхталмоқчимиз. Мисол учун, Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи 2020-йил якунлари бўйича 1,6 фоиз ўсиши тахмин қилинган. Бу 2019-йилдагига нисбатан 4 фоиз паст кўрсаткичдир. 2021-йилга бориб эса иқтисодиётимиз яна ривожланиш ҳолатига қайтади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг макроиқтисодий захиралари, хавфсизлик тармоқлари ва давлат муассасалари ҳамда инқирозга қарши сиёсат таъминланган оилалар қатламининг ижтимоий ҳимоясига ёрдам бериши мумкин.

Халқаро валюта жамғармаси прогнозлари ҳам шунга яқин. Яъни Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичи 2020-йил якунларига кўра 1,8 фоизни ташкил этиши башорат қилинган. 2021-йил якунига бориб эса ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичи 7 фоизни ташкил қилиши кутиляпти.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сон фармони.
- [2]. Dayong Zhang, Min Hu, Qiang Ji. Financial markets under the global pandemic of COVID-19. Finance Research Letters. Available online 16 April 2020. -6 pages. (<https://doi.org/10.1016/j.frl.2020.101528>).
- [3]. Badar Nadeem Ashraf. Stock markets' reaction to COVID-19: Cases or fatalities? // Research in International Business and Finance 54 (2020) 101249. (<https://doi.org/10.1016/j.ribaf.2020.101249>).

- [4]. HaiYue Liu, Yile Wang, Dongmei He & Cangyu Wang (2020): Short term response of Chinese stock markets to the outbreak of COVID-19, Applied Economics, DOI:10.1080/00036846.2020.1776837.
- [5]. Alok Kumar Mishra, Badri Narayan Rath, and Aruna Kumar Dash. Does the Indian Financial Market Nosedive because of the COVID-19 Outbreak, in Comparison to after “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil 4/2020 (№ 00048) <http://iqtisodiyot.tsue.uz> 32 Demonetisation and the GST? // Emerging markets finance and trade. 2020, Vol. 56, No. 10, 2162-2180. (<https://doi.org/10.1080/1540496X.2020.1785425>).
- [6]. Эгамбердиев Ш. Мутахассис фикри: капитал бозоридаги жиддий муммо ва бўшлиқлар // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 28.04.2020 (<http://uza.uz/oz/business/mutakhassis-fikri-kapital-bozoridagi-zhiddiy-muammo-va-b-shl28-04-2020>). 11. Жумаев Н., Рахмонов Д. Коронавирус жаҳон иктисодиётига таъсир қилади (ми)? (<https://t.me/nodirjumaev>). 12. <http://www.deponet.uz> - «Қимматли қозғалар марказий депозитарийси» унитар корхонаси расмий сайти.
- [7]. <https://finance.yahoo.com>.
- [8]. <https://ru.investing.com>.

МАТНЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Б.И. Отахонова

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ таянч докторанти.

E-mail: bahrixon@mail.ru

(Қабул қилинди 25.02.2021 й.)

The main issues of intellectual analysis of textual data are the classification of texts, the search for and separation of information. Many software tools have been developed to address the problems of intellectual analysis of textual data, but effective methods and software tools for the intellectual analysis of textual data are still relevant. The article discusses open and closed source systems for intelligent analysis of textual data, in which modern software tools for textual analysis and their features.

Key words: *text mining, machine learning, natural language processing, machine learning, information, text, algorithm.*

Основными проблемами интеллектуального анализа текстовых данных являются классификация текстов, поиск и разделение данных. Многие программные инструменты были разработаны для решения задач интеллектуального анализа текстовых данных, но эффективные методы и программные средства интеллектуального анализа текстовых данных по-прежнему актуальны. В статье рассматриваются открытые и закрытые системы интеллектуального анализа текстовых данных, в которых используются современные программные средства анализа текста и их особенности.

Ключевые слова: *интеллектуальный анализ текста, машинное обучение, обработка естественного языка, машинное обучение, информация, текст, алгоритм.*

Матнларни интеллектуал таҳлил қилишнинг асосий масалалари-бу матнларни таснифлаш, ахборотларни қидириш ва ажратиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда матнларни интеллектуал таҳлил қилиш масалаларини ечишга йўналтирилган кўплаб воситалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, бугунги кунда матнли маълумотларни янада самарали ечимларини таъминлай оладиган интеллектуал таҳлил қилиш воситаларига талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун ушбу мақола матнларни таҳлил қилиш воситаларининг хусусий, очиқ ва ёпиқ кодли тизимлари таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда матнларни таҳлил қилишнинг замонавий воситалари ва уларнинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Таянч сўз ва иборалар: *Text mining, Machine Learning, Natural Language Processing, машинали ўқитиш, ахборот, матн, алгоритм.*

Қириш. *Бугунги кунда ахборот дунёда энг қимматли манбалардан бири ҳисобланади. Узатиладиган ва қабул қилинадиган, таҳлил қилиш ва тушуниш лозим бўлган ахборот ҳажми кун сайин ортиб бормоқда. Бунинг натижасида матнли маълумотларни таҳлил қилиш воситаларига бўлган талаб ўсмоқда [1].*

Матнларни таҳлил қилиш воситалари табиий тилда берилган тузилмани ва тузилмани бўлмаган матнли маълумотларни қайта ишлаш имконини беради. Одатда матнли

маълумотлар фикрлар таҳлили, калит сўзлар, тил, мавзулар каби элементлардан ташкил топади. Бу элементлар асосини ҳиссий таҳлил, асосий иборалар, тил объектлари каби тушунчалар ташкил этади. Билимларни ажратиб олиш, содда тушунтириш ва маълумотларни аниқ тақдим этишда табиий тилни қайта ишлаш ва машинали ўқитиш воситаларидан кенг фойдаланади.

Нафақат тузилмалар, балки тузилмалар бўлмаган маълумотларни тушунтириш таҳлил қилишнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу Text mining орқали матнли маълумотларни яхшироқ тушуниш мумкинлигини билдиради. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда матнли маълумотларни қайта ишлашдаги муаммоларни тезкор ва самарали ечимларини таъминлай оладиган Text mining воситаларига талаб ортиб бормоқда [2, 3].

Text mining – бу Data miningни хусусий ҳоли бўлиб, унда матнларни интеллектуал таҳлил қилиш амалга оширилади. Матнларни интеллектуал таҳлил қилишнинг асосий мақсади тузилмалар бўлмаган матнли маълумотларни машинали ўқитиш орқали қайта ишлаш учун қулай бўлган тузилмалар шаклга ўтказиш бўлиб, сунъий интелекtnинг бир йўналишидир. У машинали ўқитиш (Eng. Machine Learning) ва табиий тилларни қайта ишлашнинг (Natural Language Processing) амалий усуллари қўллаш асосида матнли ҳужжатлар тўпламидан маълумот олиш, маълумот қидириш, матнни тушуниш, таснифлаш, тоифалаштириш, визуализация, маълумотлар базаси технологияси ва маълумотларни қидиришни ўз ичига олади [4].

Ҳозирги кунда Text mining деярли барча соҳаларда, жумладан, ижтимоий медиа таҳлилида, кайфиятни таҳлилида, биомедик таҳлилда, дастурий жараёнлар таҳлилида ва ҳаттоки хавфсизлик таҳлилида ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Dekhtyar ва Hayes ўзларининг илмий тадқиқотларида Text miningдан табиий тилдаги матнларни қайта ишлаш

1-жадвал

Матнларни таҳлил қилиш воситаларининг қиёсий таҳлили

№	Матн таҳлил қилувчи дастурлар	Бажа радиган хизмат турлари	Хусусиятлари	Тиллар	Ўзбек тилини мавжудлиги	Таҳлил қилиш аниқлиги	Веб-сайт
1	Expert System	Табиий тилни қайта ишлаш ва матн таҳлили.	Матнни таҳлил қилиш	Инглиз тили	йўқ	93%	https://www.predictiveanalytics.today.com/expert-system
2	Google Cloud Natural Language API	Машинали ўқитиш моделлари ва матннинг тузилиши таҳлили.	Тимсолларни таниб олиш ва кайфиятни таҳлил қилиш дастури	Инглиз тили	йўқ	80%	https://www.predictiveanalytics.today.com/google-cloud-natural-language-api/
3	IBM SPSS Text Analytics for Surveys	Матн таҳлили, лингвистик таҳлил ва таснифлаш	Матн таҳлил қилиш ва сўровларни таҳлил қилиш	Инглиз тили	йўқ	88%	https://www.predictiveanalytics.today.com/ibm-spss-text-analytics/

КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

			дастури				
4	Luminoso	Тузилмага эга бўлмаган матнни қайта ишлаш, кайфиятни автоматик аниқлаш	Матнни таҳлил қилиш дастури	Инглиз тили	йўқ	77%	https://www.predictiveanalyticstoday.com/luminoso/
5	MeaningCloud	Матнни таҳлил қилиш, таснифлаш ва кайфиятни аниқлаш	Матнни таҳлил қилиш дастури	Кўп тиллик	йўқ	78%	https://www.predictiveanalyticstoday.com/meaningcloud/
6	Microsoft Azure Cognitive Service Text Analytics API	матндаги кайфиятни, асосий ибораларни, мавзуларни ва тилни аниқлайди	Матн таҳлили таснифи, тилни аниқлаш ва n-gramm	Инглиз тили, француз, испан, немис, япон, португал	йўқ	85%	https://www.predictiveanalyticstoday.com/microsoft-azure-text-analytics-api/
7	SAS Text Miner	Маълумотларни таҳлил қилиш ва автоматик аниқлаш	Матн таҳлили дастури	Инглиз тили	йўқ	82%	https://www.predictiveanalyticstoday.com/sas-text-miner/
8	Bitext	Матн таҳлили ва лингвистик таҳлилни аниқлайди	Матн таҳлили дастури	20 dan ortiq til mavjud	йўқ	77%	https://www.predictiveanalyticstoday.com/bitext/
9	YURIDA-ORFO	Матндаги орфографик хатоликни бартараф қилади	Орфографик хатоликни	Ўзбек тили	бор	66%	http://www.yurida.uz/
10	Savodxon.uz	Матндаги орфографик хатоликни бартараф қилади	Орфографик хатоликни	Ўзбек тили	бор	60%	https://savodxon.uz/tahrir

ва муҳандислик дастурий таъминотдан маълумотларни олиш, интеллектуал таҳлил қилишда фойдаланганлар [5].

Асосий қисм. Айни пайтда инглиз ва рус тилидаги матнларни интеллектуал таҳлил қилиш ва қайта ишлаш воситалари узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Бу амалий тижорат талаби билан изоҳланади. Масалан, ўрта асрларга оид латин ёзувидаги матнлар яқин вақтларгача таҳлил қилиш учун мавжуд воситаларнинг етишмаслиги туфайли қайта ишланмас эди, бироқ ҳозирги кунда бундай имконият мавжуд [6]. Матнларни таҳлил қилиш воситалари кўплаб йирик коорпорациялар томонидан ишлаб чиқилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Масалан, Google, Yandex, IBM, MeaningCloud, ProvalisResearch ва бошқалар. [7]

Одатда матнларни таҳлил қилиш воситалари уч тоифага бўлинади:

Хусусий- ушбу воситалар ишлаб чиқилган компанияга тегишли бўлиб, фойдаланиш учун сотиб олишни талаб қилади. Бунда синов (Демо) версияси бепул, аммо функциялари чекланган бўлади.

Очиқ кодли - ушбу воситалар бепул ва уларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш мумкин.

Онлайн- ушбу воситаларни сайтнинг ўзида ишлатиш мумкин. Одатда онлайн воситалар оддий ва чекланган функцияларни бажаради.

Айни пайтда матнларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашда фойдаланилаётган кўплаб воситалар мавжуд. Масалан, DiscoverText, Google Cloud Natural Language API, Lexalytics Saliency, IBM SPSS Text Analytics, Provalis Research Text Analytics Software, Expert System, MeaningCloud, Microsoft Azure Text Analytics API, SAS Text Miner, IBM Watson Natural Language Understanding, Twinword, Stratifyd, Semantria for Excel, Luminoso, Bitext, Ascribe, indico, Rosette Text Analytics, Smartlogic, NetOwl, WordStat, Semantria, Keatext, AYLIEN, Pingar DiscoveryOne, Text2data, Angoos KnowledgeREADER, Etuma, Averbis, Megaputer, Aspect NLU, muText, TextualETL, Language Computer, Intellexer, Semantria API, PrediCX ва бошқалар. Ушбу воситалардан 10 та энг машҳурларини танлаб олинди ва уларнинг хосса ва хусусиятларини таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Хулоса

Юқорида келтирилган матнларни таҳлил қилишнинг замонавий воситалари таҳлили, тузилмага эга бўлмаган маълумотларни қайта ишлаш имкониятига эга, тезкор ва аниқлиги юқори бўлган матнли маълумотларни таҳлил қилиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Адабиётлар

- [1]. Попов Э.В. Общение с ЭВМ на естественном языке / Науки об искусственном. 2-е изд. М.: Едиториал УРСС, 2004. 360 с.
- [2]. Feldman, Ronen, and James Sanger. *The textmining handbook: advanced approaches in analyzing unstructured data*. Cambridge University Press, 2007.
- [3]. Roberta Akemi Sinoara*, Joro Antunes and Solange Oliveira Rezende. "Text mining and semantics: a systematic mapping study" *Journal of the Brazilian Computer Society* (2017) DOI 10.1186/s13173-017-0058-7
- [4]. Jurek, Anna, Maurice D. Mulvenna, and Yaxin Bi. "Improved lexicon-based sentiment analysis for social media analytics." *Security Informatics* 4.1 (2015):1-13.
- [5]. Eom, Jae-Hong, and Byoung-Tak Zhang. "Pubminer: Machine learning-based text mining system for biomedical information mining." *Artificial Intelligence: Methodology, Systems, and Applications*. Springer Berlin Heidelberg, 2004. 216-225.
- [6]. Antonio Moreno, Teófilo Redondo "Text Analytics: the convergence of Big Data and Artificial Intelligence" *International Journal of Interactive Multimedia and Artificial Intelligence, Vol. 3, N°6* DOI: 10.9781/ijimai.2016.369
- [7]. Arvinder Kaur, Deepti Chopra Comparison of Text Mining Tools 2016 5th International Conference on Reliability, Infocom Technologies and Optimization (ICRITO) (Trends and Future Directions), Sep. 7-9, 2016, AIT, Amity University Uttar Pradesh, Noida, India 978-1-5090-1489-7/2016 IEEE
- [8]. <https://www.predictiveanalyticstoday.com/discovertext/>
